

**АКРАМОВА МАТЛУБА ТУЛКИНОВНА**

## **Болаларни мактабга тайёрлаш мутодikasi**

**Ўқув қўлланма**



Бухоро - 2021

«Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси» фанидан тайёрланган ўқув қўлланмада болаларни мактаб таълимига умумий ва махсус тайёрлаш, боланинг мактаб таълимига таъсир этувчи омиллар, болаларни мактаб таълимига тайёрлигини текширишнинг метод ва усуллари, боланинг мактаб таълимига тайёрлиги тахлили, болалар боғчаси ва оиланинг болаларни мактаб таълимига тайёрлашдаги ўрни, болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасаси ва оиланинг ҳамкорликдаги ишлари тўғрисида маълумотлар берилган.

«Bolalarni maktabga tayyorlash metodikasi» fanidan tayyorlangan o`quv qo`llanmada bolalarni maktab ta`limiga umumiy va maxsus tayyorlash, bolaning maktab ta`limiga ta`sir etuvchi omillar, bolalarni maktab ta`limiga tayyorligini tekshirishning metod va usullari, bolaning maktab ta`limiga tayyorligi taxlili, bolalar bogchasi va oilaning bolalarni maktab ta`limiga tayyorlashdagi o`rni, bolalarni maktab ta`limiga tayyorlashda maktabgacha ta`lim muassasasi va oilaning hamkorlikdagi ishlari to`grisida ma`lumotlar berilgan.

**Муаллиф:**                    **Акрамова М.Т**

**Тақризчилар:**            **п.ф.н.Комилова.Г.А.**  
                                      **ф.ф.н.Вохидова М.Т.**

**Илмий муҳаррир:**    **п.ф.д. профессор.Махмудов М.Х.**

# **I. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА ОИЛА ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР.**

## **II. БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.**

Мактабгача таълим ўзлуксиз таълим тизимининг бошланғич тури ҳисобланади, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида ташкил этилади.

### **Мактабгача таълимнинг мақсади**

- Мактабгача таълимнинг мақсади: бола шахсини мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қуйиладиган Давлат талабларига мувофиқ соғлом ва етуқ, мактабга ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш.

### **Мактабгача таълимнинг вазифалари**

- Мактабгача таълимнинг вазифалари: болаларни халқнинг бой миллий, маданий-тарихий мероси ва маънавий ахлокий жихатдан тарбиялаш: болаларда миллий ватанпарварлик хисларини шакллантириш, мактабгача ёшдаги болаларда билим олиш эҳтиёжини, ўқишга интилиш мойилликларини шакллантириб, уларни мунтазам равишда таълим жараёнига тайёрлаш, болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўзининг фикрини мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш, болаларнинг жисмоний ва рухий соғлигини таъминлашдан иборат.

Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш жараёни олдида қуйилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши «Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қуйиладиган Давлат талаблари» оркали назорат қилинади. Давлат талабларидан мактабгача ёшдаги болаларга бериладиган таълим-тарбия мазмунининг асосий йўналишлари ҳамда уларнинг мактабга тайёргарлик даражасига қуйиладиган минимал талаблар белгилаб берилган бўлиб у давлат ҳужжати сифатида эътироф этилади. Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш жараёни олдида қуйилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига эришиш «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш» таянч дастури асосида амалга оширилади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий таракқиётини таълимнинг асосий омили бўлган кадрларни тайёрлаш борасидаги энг зарур тадбирлар тизими белгилаб берилган. Соғлом авлодни тарбиялаш давлат ва жамиятнинг устивор йўналишидир.

Давлат талаблари асосида тўзилган «Учинчи мингйилликнинг боласи» таянч дастурига асосан мактабгача ёшдаги болаларнинг ота-оналари, тарбиячилари, ҳамда, ўзлари учун турли соҳалар бўйича дастурлар, қўлланмалар, тавсиялар, кизикарли китоблар, аклан ва жисмонан ривожлантиришга ёрдам берадиган турли-туман ўйинлар ва таълим тарбия методлари ёритилади. Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қуйиладиган Давлат талабларида белгиланган курсаткичларга эришиш 6-7 ёшдаги болаларни мактабга тўла тўқис тайёрлашга, мактабда бериладиган таълимни мукамал ўзлаштиришга, мустақил Ўзбекистоннинг равнақи учун хизмат қиладиган баркамол инсон бўлиб етишишларига замин ҳозирлайди.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш жараёни уч босқичда амалга оширилади:

1. Болаларни жисмонан ривожлантириш.
2. Болаларнинг нутқи ва тафаккурини ривожлантириш.
3. Болаларни маънан ривожлантириш.

Мактабгача таълимнинг мақсад ва вазифаларига таянган ҳолда «Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси» фанининг мақсади талабаларни мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлашнинг метод ва усуллари билан таништиришдан иборат.

«Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси» фани қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- Талабалар мактабгача таълимнинг мақсад ва вазифаларини яхши билишлари;
- Болаларнинг мактаб таълимига умумий ва махсус тайёргарлиги тушунчаларини билишлари;
- Болаларни мактаб таълимига тайёрлашни аниқлаш йуллари ва метод, усуллари тўғрисида билимга эга булишлари лозим.

## **I. II. БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН БОҒЛИКЛИГИ**

Ёш авлодни тарбиялаш ва уқитиш халқ таълими системасининг бошлангич булими бўлган мактабгача тарбия муассасаларидан бошланади.

Мактабгача таълим муассасасида амалга ошириладиган таълим-тарбия ишини давр талаби даражасида олиб бориш мақсадида «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури» тўзилган. Ўзбекистон халқ таълими Вазирлиги бу дастурни республикамизнинг ўзига хос томонларини: иклими, жугрофий, иктисодий, маданий, миллий шароитларини ҳисобга олиб, уни қайта ишлаб чиқди. Дастур тугилгандан то етти ёшгача бўлган болалар эгаллаши лозим бўлган билим ва малакалар ҳажмини ўз ичига олади. У мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг психологик-физиологик ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда уларни ҳар томонлама камол топтиришни назарда тутди.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбияни педагог-тарбиячи амалга оширади. У педагогик жараёнда марказий ўринни эгаллайди. Шунинг учун тарбиячи ўз соҳасини чуқур билиши, ҳар хил методик воситаларни яхши эгаллаган, пухта педагогик психологик тайёргарликка эга бўлиши керак. Шу билан бир қаторда мутахассислик бўйича фанларни жумладан «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини, мактабгача тарбия педагогикаси, «Учинчи минг йилликнинг боласи таянч дастури»ни, Давлат таълим стандартларини, болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фани ва бошқаларни пухта эгаллаган бўлиши лозимдир. Айниқса болаларни мактаб таълимига тайёрланган тарзда тарбиялашда «Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси» фанининг ўрни жуда каттадир.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар асосан мактаб таълимига мактабгача таълим муассасаларида ва оилада тайёрланади.

Болаларни мактабга тайёрлашнинг мақсади болаларни бола шахсини мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қуйиладиган давлат талабларига мувофиқ соғлом ва етук, мактабга ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириб боришдан иборатдир. Болаларни мактабга тайёрлашнинг асосий вазифалари эса: Болаларни жисмоний, аклий, маънавий жихатдан камол топтириш уларнинг соғломлигини муҳофаза қилиш; болаларнинг ижодкорлик мустақиллик эркин фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун, шарт-шароитлар яратиш вазифаларини қўяди.

«Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси» фани бир қатор фанлар билан боғлиқ бўлиб, ҳусусан, фалсафа, этика, эстетика, биология, психология, ёш психологияси барча педагогика фанлари билан боғлиқ ҳолда ривожланади ва бойиб боради.

Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фани ижтимоий ҳодиса сифатида тарбияни ўрганар экан, фалсафа фани билан чамбарчас боғлиқдир, чунки фалсафа тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш методологиясини белгилайди. Жамият тўғрисидаги материалистик фалсафа тарбия масаласига илмий асосланган ҳолда ёндошиш имконини беради. Тарихий материализм тарбиянинг синфий моҳиятини очиқ бериш, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ижтимоий ҳодиса эканлигини жамият ҳаётида ва киши шахсининг ривожланишида таълим-тарбиянинг ролини баҳолашга ёрдам беради. Дидактик масалаларни ишлаб чиқишда билиш назариясига, ахлокий тарбия масалаларини ўрганишда этиканинг ахлоқ тўғрисидаги таълимотига тарбиянинг мақсадини, йўлларини методларини белгилашда этика фанига асосланади.

Этика ахлоқни назарий жихатдан асослаб, ёш авлодни, унинг ахлокий тарбияси муаммоларини, инсон шахсини шакллантиришда ахлокий гоялар ролини тушунишни чуқурлаштиради.

Эстетика инсоннинг воқеликка, санъатга эстетик муносабатлари ривожланишининг умумий қонуниятларини урганади, нафосат тарбиясининг илмий асоси бўлиб хизмат қилади.

Болаларни мактабга тайёрлаш фани бошқа фанлардан биология, психология, ёш психологияси билан ҳам боғлиқ ҳолда ривожланади.

Физиология болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фанининг табиий-илмий базаси бўлиб, у биринчи навбатда инсон олий нерв фаолиятининг ривожланиш, нерв системасининг типологик хусусиятлари, сезги органлари, таянч ҳаракат аппарати,

юррак-томир ва нафас олиш системалари, ички секреция безлари ва шу сингариларнинг ривожланиши хақидаги маълумотларга таянади.

Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фани ана шу маълумотлар негизда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш масалаларини муваффақиятлироқ хал эта олади, психик воқеалар ва жараёнларнинг айрим қонуниятларини чуқурроқ урганиш имкониятига эга бўлади. Хозирги замон физиологияси энг муҳим педагогик муаммоларни тўғри хал этишда: болаларнинг ривожланишига, унинг қобилиятларини шакллантиришга муҳит, ирсият ва тарбиянинг таъсири ва шу сингариларни белгилашда ёрдам беради.

Ўсиб бораётган организм тўзилишининг ва ҳаракат қилиш қонуниятларининг асосий принципларини олиб берувчи ёш физиологияси таълим-тарбия бериш масалаларини ишлаб чиқиш учун айниқса катта аҳамиятга эга. Бу хусусиятларни билмай туриб, тарбияланувчиларнинг ёшига мувофиқ тарбия воситалари ва методларини, у ёки бу машғулотларни ёки тарбиявий тадбирларни ўтказишнинг ташкилий шакллари тўғри белгилаб бўлмайди. Физиологиянинг олий нерв фаолияти, нерв системасининг типологик хусусиятлари тўғри сидаги ҳулосалар педагогика ўқув-тарбия жараёнини методикасини ишлаб чиқишда, болалар фаолиятлари учун яхшироқ шарт-шароит яратишда ёрдам беради.

Инсоннинг воқеликни белгиловчи ҳамда унинг ҳулк-атворини бошқарувчи психиканинг қонуниятлари ва механизмлари тўғрисидаги фан бўлган умумий психология инсоннинг ривожланиши, тарбияланиши ва атроф-муҳит билан ўзаро муносабатлари жараёнида шаклланадиган ҳолат ва ҳислатларни (тафаккур, хотира, тасаввур, ҳис-туйғу, ирода ва ҳақозо) тадқиқ қилади.

Ёш психологияси болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фанини турли ёшдаги болаларнинг билиш имкониятларини, у ёки бу тарбиявий таъсирни улар қандай қабул қилинишини аниқлашда ёрдам беради. Ёш психологияси ҳар бир ёшда боланинг ёшга ҳос хусусиятларини ўрганади. Биринчи навбатда бола руҳияти марказий ўрин тутиб, бу албатта психологияни билиш назарияси билан боғлиқ дир.

Психология шахснинг ривожланиш қонуниятлари, ёш ва ўзига ҳос хусусиятлари тўғрисидаги ҳулосаларни тарбиялаш ва таълим беришнинг рационалроқ мазмун, методини асослаш ва шахснинг шаклланиш жараёнини тўғри лойиҳалаш имконини яратади. Педагогика жамоани ташкил этишнинг самаралироқ шакллари, шахсни жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш методларини ишлаб чиқишда социал психология билан қуролланади.

Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фани жисмоний ривожланиш масаласини, бола организмнинг шу қобилиятини ошириш, унинг фаолиятини нормаллаштириш, масалаларини ўрганишда умумий ва социал гигиена, меҳнат гигиенаси, мактаб гигиенаси, педиатрия ва бошқа фанларнинг эришган ютуқларидаги ҳулосалардан фойдаланади.

Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фани умумий педагогика билан ҳам боғлиқдир, чунки умумий педагогика тарбиянинг умумий қобилиятлари, жамиятда ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш ҳамда таълимнинг моҳияти ва қонуниятларини ўрганадиган фандир.

Болаларни мактабга тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тўғрисидаги Низомга мувофиқ бола мактабгача таълимни уйда, ота-оналар мустақил таълим бериш орқали ёки доимий фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим муассасаларида шунингдек, мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган болалар учун болалар богчаларида мактабларда, маҳаллаларда ташкил этилган маҳсус гуруҳлар ёки марказларда олади. Боланинг мактабга тайёргарлиги мактабгача ва мактаб давридаги ҳаёт тарзи ҳамда фаолияти учун қурик, вазифасини уташни оила ёки богчадаги таълим-тарбия шароитларидан мактаб таълимига озорсиз ўтказишни таъминлаш зарурлигини ҳисобга олишлари лозим. Бошқа фанлар қатори «Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси» фани ҳам ўз фани доирасида бир қатор фанлар билан боғлиқ ҳолда ривожланади ва тараккий этиб боради.

Шундай қилиб, «Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси» фани юқорида келтирилган фанлар билан боғлиқ ҳолда ривожланиб, бойиб боради. Ечилмай қолган муаммолар педагогик нуқтаи назардан илмий асосланган тарзда ўз ечимини топади ва керакли ҳулоса, тавсиялар беради.

### **I.Ш. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ.**

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳулк-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг муқаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғри сида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқаролар тарбиялашни назарда тутди.

Мақтабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишни таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлади. Мақтабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Мақтабгача тарбияни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим булади:

- Малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш;
- Мақтабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;
- Болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;
- Замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;
- Мақтабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- Мақтабгача таълим муассасаларининг ҳар-хил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мақтабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консултация хизмати курсатиш имкониятини яратиш;
- Мақтабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармогини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизминини ишлаб чиқиш каби вазифаларни мақсад қилиб қўяди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида мақтабгача таълим тўғри сидаги Низомда мақтабгача таълимга алоҳида урғу берилиб, мақтабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич тури ҳисобланади, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида ташкил этилади.

Мақтабгача таълим, бола 6-7 ёшга етгунча оилада, ҳамда давлат ва нодавлат давлатга қарашли булмаган мақтабгача таълим муассасаларида амалга оширилади.

Мақтабгача таълимнинг асосий вазифалари қуйидагилар деб белгиланади:

- Болаларни халқнинг бой миллий, маданий тарихий мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш;
- Болаларда миллий ғурур, ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш;
- Мақтабгача ёшдаги болаларда билим олиш эҳтиёжини, ўқишга интилиш майлларини шакллантириб, уларни мунтазам равишдаги таълим жараёнига тайёрлаш;
- Болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўзининг фикрини мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш.
- Болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини таъминлаш қабиларни ўз олдига мақсад қилиб белгилайди.

Мақтабгача таълим муассасаларининг ясли ва мақтабгача таълим ёшдаги болалар гуруҳларига бир хил ёшдаги, шунингдек турли ёшдаги болалар қабул

килиниши мумкин.

Гурухлардаги болалар сони куйидагича белгиланади:

- 1 ёшдан 2 ёшгача – 10 та.
- 2 ёшдан 3 ёшгача – 15 та.
- 3 ёшдан 6-7 ёшгача – 20 та.
- Турли ёшдаги гурухларда 15 та.

Мактабгача таълим муассасалари худудларининг демографик, ижтимоий-иктисодий ва бошка хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади, Мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва тугатиш Конунга мувофиқ равишда амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасалари уларнинг йўналишларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- Болалар ясли, болалар боғчаси, болалар ясли боғчаси, хонадон болалар боғчаси (хам мустакил муассаса сифатида, хам филиал сифатида);
- Боғча мактаб муассасаси;
- Тарбияланувчиларнинг бир ёки бир неча устувор йўналишларда ривожлантирадиган (тил урганиш, бадий эстетик, спорт ва бошка йўналишлар буйича) мактабгача таълим муассасаси;
- Тарбияланувчиларнинг жисмоний ва рухий ривожланишидаги камчиликларни бартараф этишни устувор равишда амалга оширувчи махсус Мактабгача таълим муассасаси;
- Санитария-гигиена, профилактика ва соғломлаштириш тадбирлари ва муолажалари устувор равишда амалга ошириладиган соғломлаштирувчи болалар боғчаси;
- Аралаш турдаги мактабгача таълим муассасаси;

Мактабгача таълим муассаса турлари ота-оналар томонидан танланади. Мактабгача таълим муассасасига болаларни қабул қилиш тартиби, уларни бир муассасадан иккинчисига кўчириш, муассасадан чиқариш давлат муассасаларида Халқ таълими Вазирлиги томонидан белгиланган тартибда, давлатга қаршли бўлмаган Мактабгача таълим муассасаларида эса, муассасанинг Устави билан белгиланади.

Ақлий ва жисмоний ривожланишда камчиликлари мавжуд бўлган болалар учун махсус Мактабгача таълим муассасалари ёки гурухлар ташкил этиш хам Мактабгача таълим муассаса тўғрисидаги Низомда кўрсатиб ўтилган.

Хар бир соҳада бўлганидек, мактабгача таълим тизимида хам мактабгача таълим муассасаларига тегишли маълумотга, касб тайёргарлигига хамда юксак ахлокий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Таълимни бошқариш бўйича ваколати давлат органлари томонидан педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касб сифатини рақобатбардошлик даражада саклаб туриш таъминланади.

Мактабгача таълим муассасалари педагогик кадрларнинг ўқув педагогик вазифаси мактабгача таълим муассасатурига давлат талабларидан келиб чиққан ҳолда Халқ таълими Вазирлиги томонидан белгиланади. Илғор педагогик ва ахборот технологияларни, мутахассислар томонидан тавсия этилган янги дастурлар, методик қўлланмалар, дидактик материалларни жорий этиш учун шарт-шароитларни таъминлайди.

Педагогик кадрларнинг ўзаро муносабатлари ҳамкорлик, демократия, ҳурмат, шахснинг ўз кадр-қимматини билишни эътироф педагогикаси асосида қурилади.

Ўзбекистон Республикасининг мактабгача тарбия концепциясида хам белгиланган бош мақсад ва вазифалар мактабгача таълим муассасалари учун ёзилган янги дастурлар мазмунини амалга оширишга қадар аниқлана боради. Мактабгача таълим муассасасидаги боланинг ўсишидаги психологик ва этнопсихологик хусусиятларга асосланиб, таълим-тарбия тизимида одоб эстетик, мусикий-бадий, жисмоний тарбияни биринчи уринга чиқариш, грамматикани бу қадар мажбурий ўргатмаслик лозим бўлади. Шундай йўл билан мақсад асосида вазифа ва усуллар белгиланади ва ривожлантирилади.

Давлатимиз мустакилликка эришгандан сўнг барча соҳаларда туб ислохотларни олиб борди. Хусусан таълим соҳасида туб ислохотлар амалга оширилди. «Таълим

тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури ва таълим соҳасидаги бошқа қонунлар бунинг яққол далилидир. Булардан кўзланган мақсад ёки давлатимизга керакли бўлган етук, ҳар томонлама камол топган баркамол шахсни тарбиялаш ва уларни жамиятда ўз ўрнини топишга имкониятлар яратиб беришдан иборат килиб куйилган. Албатта бу хайрли ишларни таълим-тарбияни биринчи бўғини бўлган оила, мактабгача таълим муассасасидан олиб бориш мақсадга мувофиқдир деб кўрсатиб ўтилган. Шундай экан, биз биринчи навбатда мактабгача таълим тизимига эътибор беришимиз, уларни етук малакали мутахассислар билан бойитишимиз зарурдир. Тарбияланаётган болаларни ҳар томонлама билимли одоб-ахлокли килиб тарбиялаш бизнинг олий мақсадимиздир.

#### **I.IV. МАКТАБГА ТАЙЁР БОЛАГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ.**

**Мактабгача ёшдаги болаларнинг маънавий-маданий етуклигига қўйиладиган давлат талаблари.** Ватан туйғуси, ватанпарварлик хислари, миллий ғурур, мустақиллик гоёси ҳамда ўз ҳудуди, ўлкаси, халқига меҳр ва садоқатни болани ёшига мос равишда шакллантириш мактабгача таълимда маънавий-маданий ишларнинг асосини ташкил қилади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг одоб ахлокли бўлиши ва меҳнатга муҳаббат қўйишга катта эътибор берилади. Болалар илк ёшдан бошлаб уйда, кучада, богчада, меҳмонда ўзини тутиш қоидалари, муомала маданияти, овқатланиш, куйиниш, ечиниш, саранжом-саришта юриш, одобли, меҳнатсевар булиш, бошқалар меҳнатини кадрлаш каби одатларга ургатилади. Ана шу одатлар болани одоб-ахлокли, меҳнатга лаёқатли килиб тарбиялаш мазмунининг асосини ташкил этади.

Болаларнинг маънавий жихатдан баркамол булишида нафосат тарбияси асосий урин тутди.

Тасвирий санъат асарларидан завқлана олиш, мусикани тинглаш ва ундан шодлана олиш қобилиятлари болаларда илк ёшдан ривожлантириб борилади.

Нафосат тарбияси мазмунининг асосини чиройли расмларни хис этиш, улардан завқлана олиш, асосий рангларни билиш ва фарқлай олиш, рангли каламлардан фойдалана олиш, улар ердамида содда нарсаларни коғозда тасвирлай олиш, пластилин ёки лойдан содда шаклдаги нарсаларни ясай олиш, мусикани тинглаб завқлана олиш, айрим миллий чолғу асбобларини билиш, мусика охангига мос равишда рақсга тушиш ва қўшиқ айта олиш қабиларга ўргатишни ташкил этади.

Мактаб ёшига етган болаларнинг маънавий-маданий жихатдан етуклигига қўйиладиган минимал талаблар:

- Она Ватан – Ўзбекистон ҳақида қисқача сўзлаб бериш;
  - 8-декабр – Ўзбекистон Конституцияси қуни умумхалқ байрами сифатида нишонланишини билиш;
  - Ўзбекистон байроғи, герби ҳақида фикр билдира олиш;
  - Ўзбекистон мадҳиясини ёддан айта олиш;
  - Ватан туйғуси, ватанпарварлик хислари ва миллий ғурурни ёшига мос равишда шаклланганлиги;
  - Халқига, Ватанига меҳр ва садоқат хисларини шаклланганлиги;
  - Буюк сиймолар ҳақида илк тасаввурларга эга булиш;
  - Миллий байрамлар ҳақида қисқача сўзлаб бериш;
  - Ўзидан катталарга сизлаб мурожаат қилиш;
  - Яхшилик ва ёмонликни фарқлаш;
  - Меҳнат қилаётган катталарга кумаклашиш;
  - Тасвирий санъат асарларидан завқлана олиш;
  - «Лаббай», «Хўп булади», «Хуш келибсиз», «Раҳмат», «Саломат бўлинг», «Ош бўлсин», «Мумкинми», «Кечирасиз», «Ширин тушлар кўринг», «Яхши бориб келинг», «Марҳамат» каби сўз ва ибораларни ўз ўрнида қўллаш олиш;
  - Ширин сўзли бўлиш ва меҳрибонлик қила билиш;
  - Овқатланиш қоидаларини билиш ва унга риоя қилишқилиш;
  - Мусика тинглаш ва ундан завқлана олиш;
- Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий вазифалари



болаларни жисмоний, аклий ва маънавий жихатдан равижлантиришдан, уларнинг тугма лаёқати, кизикиши, эҳтиёжи ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда миллий ва умум инсоний кадриятлар асосида мунтазам таълим олишга тайёрлашдан иборат.

Болада катталар билан мулоқот жараёнида ахлокий ҳулк атворнинг дастлабки тажрибалари шаклланади. Мулоқотга бўлган эҳтиёж – муҳим ижтимоий эҳтиёж бўлиб, катта ёшли киши бу ижтимоий эҳтиёжни кондирувчи манба ҳисобланади. Ахлокий хис-туйгулар ва одатларни тарбиялаш шундай зарурий асос ҳисобланадики, усиз бола шахсининг мураккаброк хусусиятларини, маънавий камолотни таъминлаш, мамлакатнинг ижтимоий ҳаёт ходисалари ҳақидаги тасаввурларни ва уларга ижобий муносабатни шакллантириб булмайди.

Мактабгача болаликнинг дастлабки босқичларида таркиб топтирилган инсонпарварлик асослари унинг ижтимоий йуналганлиги болаларда аста-секин шахсининг жамоатчилик белгилари: ҳулк-атвор одатлари, муносабатлари ва тасаввурларини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Аввало болалар муассасасида жамоанинг катта ёшли аъзолари уртасида тўғри ўзаро муносабат услубини вужудга келтириш керак. Ўзаро ҳурмат ва ғамхўрлик, ишга муҳаббат, мамлакатнинг сиёсий ва меҳнат ҳаётида иштирок этиш – буларнинг барчаси зарур услубни таъминлаши лозим. Педагогик жамоа ва ота-оналар жамоаларининг тўғри муносабатлари услуби ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу услуб эса болалар богчасининг ота-оналар билан мунтазам иш олиб бориши, оила тарбияси тажрибаларини ўрганиш натижасида таркиб топади.

Катталар билан болалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг юаксак даражаси – мувоффақиятли ахлокий тарбиянинг мажбурий шартидир.

Мактабгача ёшдаги болаларни ахлокий тарбиялашнинг мазмуни ва методлари бу ёшдаги болаларнинг хусусиятларига мос клиши ва у энг яқин вақтдаги ахлокий ривожланиш зонасини кўзда тутиши керак. Масалан, агар 4 ёшли болалар ўз тенгдошларига асосан тарбиячининг маслаҳати, курсатмаси таъсирида баҳоли-қудрат ёрдам курсатсалар, 5 ёшга тўлаётганда бундай ёрдамни ўз хоҳишларига кура курсатишлари лозим.

Оилага ҳос бўлган муҳаббат, ўзаро эътибор, ғамхўрлик муҳити бола хис-туйгусини шакллантиришга таъсир кўрсатади. Оилада қарор топтириладиган ижтимоий хис-туйгулар боланинг кичик ёшдан бошлаб тўғри ахлокий ривожланишининг муҳим асоси ҳисобланади.

«Саломатлик ва хайрихоҳликни тарбиялашнинг чинаккам мактаби – бу оиладир; Отага, онага, бувага, бувига, ака-укаларига, опа-сингилларига муносабат инсонийликнинг синови ҳисобланади», – деган алломаларимиз.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг муҳим вазифаси – ота-оналарга бола шахсини шакллантиришда уларнинг алоҳида роль ўйнашларини тушунтириши, зарур педагогик билим ва кўникмаларини эгаллашларида уларга яқиндан ёрдам беришдан иборат. Болаларнинг маънавий камолотини таъминлашда маҳалланинг ўрни ҳам каттадир. Маҳалла, аввало, соғлом ижтимоий муҳитдир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла ахлининг ҳулк-атвори ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳалла – Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, – ҳақиқий демократик дархонадир.

Маҳалла ижтимоий келиб чиқиши, миллати, мижози турли хил бўлган ва оилаларни ташкил қилган одамлардан иборат. Мана шу оилаларнинг бошларини бириктириш, уларни маънавий ва моддий-жисмоний жихатдан мустаҳкамлаш, ёшларни тарбиялаш каби муҳим вазифалар ҳам маҳаллада амалга ошади. Оилаларни бир жамоага, ижтимоий гуруҳга, муассасага, айнан маҳалла бирлаштиради. Уларда ахиллик, ҳамжихатлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик, хис-туйгуларини шакллантиради, камол топтиради.

Ҳар бир фуқаронинг ҳаётида «Шахс-оила-маҳалла» училиги катта аҳамият касб этади. Бу шарқона турмуш тарзимизнинг ўзига ҳос тизимидир ва энг муҳими, инсоннинг жамият ҳаётига ўзвий сингиб, ижтимоий муносабатлар иштирокчисига айланишида муҳим воситадир.

Инсоннинг оилада шаклланган иймон-эътиқоди, одоби, орияти, виждони, тафаккури маҳалла муҳитида янада юксалиб халқ манфаатлари, ўз аро иноқлик ва ҳамкорлик хис-туйгулари билан уйғунлашиб, жамиятда соғлом муносабатларнинг

шаклланишига олиб келади.

Болаларни халқ оғзаки ижоди билан таништиришдан мақсад: Ватан туйғусини болаларча она алласи, боболар угити, оила тарбияси билан сингдиришдан иборат. Болаларнинг маънавий камолотини таъминлашда ва уларда маънавий камолотни ривожлантиришда асосан туртга негизга асосланиш жоиз:

- Умуминсоний кадрятларга содиклик;
- Халқнинг маънавий меросини мустахкамлаш ва ривожлантириш;
- Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- Ватанпарварлик хис-туйғуларини уйғотиш;

Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига мухаббат ва хурматни тарбияламасдан туриб ўз халқини миллатларининг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи хақиқий инсонни ўз Ватанининг жонқуярини тарбиялаш мумкин эмас. Шундай экан, келинлар болаларимизга ёшлиқларидан бошлаб Ватан туйғуси, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ғамхўрлик, меҳнатсеварлик тушунчаларини тушунтириб борайлик.

## **II. БОБ. БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРГАРЛИГИ ТУШУНЧАСИ.**

### **II.1. БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРГАРЛИГИ.**

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тўғри сидаги Низомга мувофиқ бола мактабгача таълимни уйда, ота-оналарнинг мустакил таълим бериши орқали ёки доимий фаолият курсатадиган мактабгача таълим муассасаларида, шунингдек мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган болалар учун мактабгача таълим муассасаларда, мактабларда, маҳаллаларда ташкил этилган махсус гуруҳлар ёки марказларда олади. Бу ерда улар ҳафтада 2-3 марта шуғулланишади. Ота-оналарга мактабгача таълим шаклини танлаш ҳукуқи берилади.

6-7 ёшли боланинг мактаб таълимига тайёрлигини аниқлашда мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбияси билан шуғулланувчилар асосий шарт ҳисобланмиш – боланинг мактабга тайёрлиги мактабгача ва мактаб давридаги ҳаёт тарзи ҳамда фаолияти учун қуприк вазифасини уташини, оила ёки мактабгача таълим муассасадаги таълим-тарбия шароитларида мактаб таълимига озорсиз ўтказишни таъминлаш зарурлигини ҳисобга олишлари лозим.

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига утиши ҳамиша унинг ҳаёти, ахлоқи, кихикиши ва муносабатларида анчайин жиддий ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун болани ёки уйдаёқ мактаб таълимига тайёрлаш, уни унча қийин булмаган билим, тушунча, кўникма ва малакалар билан таништириш керак булади.

Етакчи мутахассисларнинг фикрига қура «Мактабга тайёргарлик» тушунчаси болани мактабга тайёрлашнинг қуйидаги йуналишларини ўз ичига олади:

- жисмоний,
- шахсий (рухий),
- аклий
- махсус тайёргарлик.

Жисмоний тайёргарлик боланинг соғломлиги, ҳаракат кўникмалари ва сифати, қўл мушаклари ва кўриш-мотор мувофиқлиги ривожланганлиги билан изоҳланади. Шахсий тайёрлиги, атроф-муҳитга, катталарга, тенгдошларига, усимликлар дунёсига, табиий ходисаларга, шахсий маданиятни шаклланганлигини назарда тутати. Аклий тайёргарлик бола образли ва мантикий фикрлаши, тасаввўрнинг, одамийликнинг, билимга қизиқишнинг, мустакилликнинг, ўзини-ўзи назорат қилишга, ҳамда ўқув фаолиятини қузатиш, эшитиш, эслаб қолиш, солиштириш каби асосий турларини билишни ўз ичига олади.

Боланинг мактабда таълим олиши самараси унинг она тилини билишига ва нутқни қанчалик ривожланганлигига қупрок боғлиқ булади. Чунки бутун ўқув фаолияти шуларга, яъни нутқий мантикий ривож, боланинг катталарнинг ёрдамисиз мустакил фикрлаши, тил ривожланганлиги ютуқларида эркин фойдалана олиши, ҳикоя қилиш, мулоҳаза юритиш, ўз тасаввурини изоҳлай олиш, тушунарли қилиб баён этиш каби омиллар асосига қурилади. Шунингдек, боланинг мактабда таълим олиши учун амалий интеллект ривож, яъни, унинг намунани қизиқ, айтиб қуриладиган баённинг топширикни қажариши ҳам муҳим саналади. Ва ниҳоят, махсус тайёргарлик болани саводхонликка ургатиш ва унинг мактабнинг 1 синф ўқув дастур материалини етарли даражада эгаллаш ҳақидаги тушунчасини шакллантиришни назарда тутати.

Болаларни мактабда уқтишнинг самарадорлигини қуп жихатдан уларнинг тайёргарлик даражаларига боғлиқ булади. Мактабда ўқишгаўқишга тайёргарлик – мактабгача таълим муассасаси ва оилада мактабгача тарбия ёшидаги болага қуядиган талаблар орқали аниқланади. Бу талабаларнинг ўзига ҳос томони ўқувчининг янги социал психологик ўрни, у қажаришга тайёрланган қулиши лозим. Янги вазифа ва бурқлардан қелиб қикади.

Мактабга қириш бола ҳаётидаги одатий турмуш тарзи, атрофдагилар билан муносабат системасининг ўзгаришига алоқадор муҳим даврдир. Бола ҳаётида биринчи бор марказий уринни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ўқув фаолияти эгаллайди. Унга одатий бўлган эркин уйин фаолиятдан фарқли уларок, энди таълим мажбурий булади ва биринчи синф ўқувчисидан 4 та жиддий муносабат талаб қилинади Таълим

фаолиятининг етакчи тури сифатида боланинг кундалик хаёт жараёнини кайта куради: кун тартиби ўзгаради, эркин уйинлар вақти қисқаради. Боланинг мустақиллиги ва уюшганлиги, унинг ишчанлиги ва интизомлиликка талаблар жиддий равишда ортади. Мактабгача ёшдаги болаликка нисбатан ўқувчининг ўз хатти-харакати, мажбуриятларини бажаришга шахсий маъсулияти анча-мунча ортади.

Болаларни мактабга тайёрлаш, биринчидан болалар богчасида тарбиявий ишни мактабгача тарбия ёшидаги болаларни умумий, ҳар томонлама ривожлантиришнинг юқори даражасини таъминлайдиган, иккинчидан болаларни мактабнинг бошлангич синфларида ўзлаштиришлари лозим бўлган ўқув фанларини эгаллашга махсус тайёрлашни таъминлайдиган қилиб ташкил этилишини назарда тутати. Шунга кура замонавий психологик-педагогик адабиётда (А.В.Запарожец, А.А.Венгер, Г.М.Лямина, Г.Г.Петрогенко, Ж.В.Тарунтаева ва бошқалар) тайёргарлик тушунчаси бола шахсининг ривожлантириш сифатида аниқланади ва иккита ўзаро богланган жихатларда: «Мактабга ўқишга умумий психологик тайёргарлик» ва «Махсус тайёргарлик» тарзида куриб чиқилади.

Мактабга умумий тайёргарлик МТМсининг мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ҳар томонлама тарбиялашга оид давомли, мақсадга мувофиқ таълим-тарбиявий ишнинг муҳим якуни сифатида намоён бўлади.

Мактабга умумий тайёргарлик боланинг мактабга бориш вақтига қелиб ақлий, маънавий, эстетик ва жисмоний риволанишда эришган шундай даражасидирки, у боланинг мактаб таълимининг янги шараоитларига ва ўқув материалининг онгли эгаллашга фаол қириб боришлари учун зарур асосни яратати.

Умумий тайёргарлик бола мактаб таълимига утиш даврига қелиб эришадиган психик ривожланишнинг муаян даражаси билан ифодаланади.

Психологик тайёргарлик тушунчаси мактаб таълими нуқтаи-назаридан I синфга бораётган бола психик ривожланишидаги муҳим сифат курсаткичларини мувоффақиятли жамлайди.

Мактаб таълимига *психологик* тайёргарлик боланинг ўқишга интилиши ўқувчи бўлиш иштиёқида билиш фаолияти ва тафаккур операцияларининг етарлича юқори даражаси боланинг ўқув фаолияти элементларини эгаллаши ирода ва ижтимоий ривожланишнинг муаян даражасида намоён бўлишда асосланган тайёрликни ўз ичига олади. Болани мактабга психологик тайёргарлигининг барча компонентлари болани синф жамоасига олиб қириш мактабда ўқув материални онгли фаол эгаллаш кенг доирадаги мактабга оид мажбуриятларни бажаришни қамраб олади.

Болани мактабга махсус равишда тайёрлиги мактабда ўқишга умумий психологик тайёрлигига қушимчадир у болада математика ва она тили қабил ўқув фанларини урганиш учун зарур бўлган махсус билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлигига кура аниқланади. Мактабгача таълим муассасада болаларда энг оддий математика тасавурларини таркиб топтириш, нутқни устириш ҳамда саводни эгаллашга тайёрланиш юзасидан ўтказиладиган жадал иш болаларни мактабда ўқишга махсус тайёрлашнинг зарур даражасини таъминлайди.

Мактабга қатнайдиغان бола янги турмуш тарзига қишилар билан ўзаро муносабатнинг янги системасига, фаол ақлий фаолиятга тайёрланган бўлиши даркор. У янги жиддий мажбуриятларни удралаш ичун жисмоний ривожланишда муаян даражага эришган бўлиши қерак.

Боланинг мактабда (ўқишга ахлоқий-иродавий тайёргарлик) умумий тайёрлиги мазмунида бир неча ўз аро богланган жихатлар мавжуд бўлиб, улардан муҳимлари маънавий, иродавий, ақлий, жисмоний тайёргарликдир.

### **Болани мактабда ўқишга ахлоқий-иродавий тайёрлиги.**

Мактабда ўқишга ахлоқий-иродавий тайёрлик боланинг мактабгача болалик охирига қелиб ахлоқий хатти-харакат, ирода, ахлоқий хиссиётлар ва онг ривожда унга янги ижтимоий нуқтаи-назарни фаол эгаллашига ҳамда ўзининг уқитувчи ва синфдошлари билан ўз аро муносабатларини ахлоқий асосда куришга имкон берадиган даражага эришишида ифодаланади.

Ахлоқий иродавий тайёрлик қатта мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсий хулқ-атвори ривожининг муаян даражасида намоён бўлади. Бу муносабатда боланинг мактабгача тарбия ёши давомида ривожланадиган ўз хулқ атворини бошқари

кобилияти: коидани ёки тарбиячи талабаларини англи бажариш, дафъатан асабийлашиб кетишига эрк бермаслик, куйилган максадга эришишда катъиятни намоён килиш, керакли ишни ўзига тортадиган, аммо максаддан чалгитадиганига карши уларок бажариш кўникмаси ва шу кабилар эътиборга лойиқдир. Булажак ўқувчи хулк-атвордаги ихтиёрийликнинг ривожланиш асосини мактабгача тарбия ёши охирига келиб таркиб топадиган сабаблар, ўзаро буйсунувчилари ташкил килади.

Мактабга ахлокий-иродавий тайёрликнинг харф топишида, шунингдек катта мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсий хулк атворидаги *мустикаллик уюшганлик ва интизомлилиқ* каби хусусиятлар ахамиятлидир.

Мустикаллик билан ўзвий боғланган хулк-атвор коидаларини бажариш, янги шароитларда харакатнинг тўғри одатий усуларидан фойдаланиш, ёрдам беришга тайёрлик кобилиятидир. Мустикаллик ва хулк-атвордаги уюшганли ва интизомлилиқ билан хулк-атвордаги максадга йуналганликда, ўз фаолиятини мактабгача таълим муассасада кабул килинган коидаларга мувофиқ онгли ташкил эта билишда, фаолият натижасига эриша билиш ва уни назорат килиш, ўз хулк-атворини бошка болаларники билан мувофиқлаштириш, ўз хатти-харакатлари учун шахсий маъсулиятни хис килишда ўз ифодасини топади.

Мактабга ахлокий-иродавий тайёрликнинг бошка мухим таркибий кисми боланинг катта ёшлилар ва тенгкурлари билан ўз аро муносабатларини коидаларга мувофиқ ташкил эта билишдир. Тажрибанинг курсатишича мактабдаги ўқиш шароитларига мослашиш олдинги йилларда болаларда «жамоатчилиқ» сифатлари: дустларга нисбатан хайрихох, хурмат билан муносабатда булиш, ташкилотчилиқ кўникмалари, хушмуомалалиқ, ғамхўрлик билдириш, ўзаро ёрдамга хозирликнинг канчалиқ мувоффақиятли шакллантирилганлигига бевосита боғлиқ лигини курсатади. Бола хулк-атворида жамоачилиқ хисларида бундай мажмуининг мавжудлиги уни мактабга ахлокий тайёргарлигининг курсаткичи була олади ва янги жамоада тенгкурлари билан муомалада кутаринки ижобий рухни юзага келтиради.

Мактабга ахлокий-иродавий тайёрлик, шунингдек, ахлокий хиссиёт ва бола онги ривожининг муаян даражаси билан хам ифодаланади. Бу уринда энг ибратлиси болаларнинг ахлокий хулк атворининг ижтимоий ахамиятини тушунарли уларда ўз хатти харакатларини мустикал бахолаш кобилятини ривожлантириш, маъсулият, хакгуйлик, инсонийлик ва фукаролик хиссиётлари элементларини шакллантиридир. Ахлокий-иродавий тайёрлик таркибига мактабгача тарбия ёшидаги боланинг мехнатга муносабатини ифодаловчи сифатлар мажмуи хам киради. Бу мехнат килиш иштиёки, атрофдагилар мехнатига хурмат, зарур мехнат малакаларини эгаллашдир.

**Боланинг мактабда ўқишга ақлий тайёрлиги.** Мактабга ақлий тайёрликнинг мухим таркибий кисми мактабга ўқишга кираётган болада атроф, дунё хакида етарлича кенг билиш бойлигининг мавжуд булишидир. Билимларнинг бу фонди ўқитувчи ўз ишини ташкил этишда таянадиган зарур асос хисобланади. Болани мактабга ақлий тайёрлигида болалар эгаллаган билимларнинг сифати ахамиятлидир. Билимлар сифатининг курсаткичи биринчи навбатда уларни болалар томонидан онгли эгаллаганлиги; тасавурларининг аниқ ва табакалаштирилганлиги; оддий тушунчлар мазмуни ва хажмининг туликлиги; ўзларига тушунарли ўқув ва амалий вазифаларни хал этишда билимларни мустикал кўллана олиш кобиятлари; мунтазамлилиқ, яъни мактабгача тарбия ёшидагиларнинг нарса ва ходисалар ўртасидаги тушунарли, мухим алока хамда муносабатларни акс эттира билиш кобилиятидир.

Болани мактабга ақлий тайёргарлигининг таркибий кисми бола билиш фаолиятини муаян даражада ривожланган булишидир. Бу ўринда

*Биринчидан* билиш жараёнининг ўсиб борувчи ихтиёрийлиги; материални маъно жихатдан ихтиёрий эслаб колиш ва такрор ифодалаш, нарса ва ходисаларни режали идрок этиш, куйилган билиш ва амалий масалаларни максадга мувофиқ хал этиш кобилияти ва шу кабилар;

*Иккинчидан* билиш жараёнлари сифатини ошириш: сезгиларнинг аниқлиги, идрокнинг тулик ва табакалаштирилганлиги, эслаб колиш ва такрор ифодалашнинг тез ва аниқлиги;

*Учинчидан* болада атроф дунёга билиш муносабатлари, билимларни эгаллаш ва мактабда ўқишга интилишнинг мавжудлиги мухим ахамият касб этади.

Мактабга ақлий тайёрликни шакллантиришда булажак ўқувчини тафаккур

фаолиятининг умумий даражаси муҳим аҳамиятга эга. Болалар богчасининг болаларни ақлий тарбиялашга оид олиб бораётган мунтазам, мақсадга мувофиқ иш шароитларида болаларда (фаолият) тафаккур фаолиятида нарсаларнинг куп томонлама таҳлил қилиш қобилияти, ижтимоий таркиб топган сенсор эталонлардан фан ҳамда ходисалар хусусият ва сифатларини тадқиқ қилишда фойдалана билиш нарса ва ходисалардаги асосий алоқа, боғлиқ лик, белгиларни аниқлаш асосида оддий умумлаштиришлар қилиш қобилияти, ухшашлик ва фарқланувчи белгиларни изчил ажратиш асосида нарсаларни қиёслашни амалга ошириш кўникмаси таркиб топтирилади. Булажак ўқувчиларда ақлий фаолиятнинг элементар мустақиллиги: ўз амалий фаолиятни мустақил режалаштириш ва уни режа асосида амалга ошириш кўникмаси, оддий билиш вазифасини қўйиш ва уни ҳал этиш кўникмаси ва шу қабилар ривожлантирилади.

Мактабда ақлий тайёрлик, шунингдек болалар томонидан ўқув фаолияти элементларини эгаллаб олинишини ҳам ўз ичига олади.

Болалар мунтазам таълим шароитларида мактабгача болалик охирига келиб, ўқув фаолиятининг асосий таркибий қисмларини: тушунарли ўқув вазифасини қабул қилиш, тарбиячининг курсатмаларини тушуниш ва аниқ бажаришни ишни катталар томонидан курсатилган усулларида фойдаланиб бажариб бир натижага эришиш, ўз фаолияти, хулқ-атвори, топшириқларни бажариш сифати устидан назорат қилиш кўникмасини, ўзининг ва бошқа болаларнинг ишларига танқидий баҳо бериш қобилиятини, эгаллаб олишлари керак.

Нутқни қанчалик юқори даражада ривожланган бўлиши боланимактабга ақлий тайёргарлигининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Товушни аниқ талаффуз қилиш, лугатнинг бойлиги, ўз фикрини мантикий грамматик тўғри баён қила билиш, маданий нутқ муомаласи-буларнинг барчаси мактабда муваффақиятли ўқишнинг зарурий шарт ҳисобланади.

Ақлий тайёрлик таркибига шунингдек, саводнинг бошланғич асослари оддий математик тасаввурлар, она тили етарлича кенг билим, кўникма ва малакалар доираси ҳам қиради.

Шундай қилиб, мактабдаги ўқишга ақлий тайёрлик болаларни ақлий ва нутқий ривожлантиришнинг ўзаро боғланган таркибий қисмлардан таркиб топади. Билиш фаолияти, билиш қизиқишлари, бола тафаккури усуллари, атроф дунё ҳақидаги ангадан системалаштирилган тасаввурлар ҳамда элементлар тасаввурлар, нутқ ва элементар ўқув фаолияти умумий даражасининг бирлиги болаларда мактабдаги ўқув материални эгаллашга ақлий тайёрликни вужудга келтиради.

**Боланинг мактабда ўқишга жисмоний тайёрлиги.** Болани мактабда ўқишга жисмоний тайёрлиги ўқишнинг муваффақиятли бўлишида катта аҳамиятга эгадир. Мактабга чиқиш муносабати билан бола турмуш тарзининг қайта қурилиши, кун тартибининг ўзгариши, жиддий ўқув меҳнати, дарсларнинг давомийлиги ундан сезиларли жисмоний зур беришни талаб қилади. Мактабга жисмоний тайёрлик қўлгина таркибий қисмлардан таркиб топади. Бу биринчи навбатда бола саломатлигининг яхши бўлиши, организмнинг чиникканлиги, маълум даражада чидамлилиги ва иш қобилияти, касалликларга қаршилик курсата олишидир. Болаларни мактабга тайёрлашда бармоқ майда мусқулларининг ривожланиши алоҳида урин эгаллайдики, бу ёзувни муваффақиятли эгаллашнинг зарурий шарт.

Мактабга жисмоний тайёрлик шунингдек бола томонидан маданий гигиеник малакаларни эгалланишини, уларда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш одатини тарбиялашни назарда тутаяди.

Жисмоний тайёрлик бола мактабга етукликни шакллантиришнинг зарур таркибий қисми ҳисобланади.

Мактабга етукликни аниқлашда бола соғлигининг ҳолати ва организмнинг биологик етуклигини баҳолаш (антропометрик курсаткичлар суяк, мушак, нафас олиш ва юрак-томир системасининг) ривожланганлигини назарда тутувчи куп омилли таҳлилдан, мактабга функционал тайёрликни «Мактабга етуклик» ни асосий курсаткичи ва энг аввало бир қатор физиологик функцияларининг ривожланиш даражасини баҳолашдан фойдаланилади. Буларга: партада анчагина ўзок муддат утириш учун зарур буладиган тормизланиш қобилиятининг ривожланганлиги; ҳаракатларни яхши бошқариш, жумладан ёзиш ва расм солишга алоқадор график вазифаларни бажаришда зарур буладиган бармоқларнинг майда ҳаракатлари; ижобий

ва тормозланишига хос шартли алокаларни нисбатан тез хосил килиш ҳамда мустахкамлаш, шунингдек иккинчи сигнал системанинг етарлича ривожланганлиги таъликлидир.

Болаларни «Мактабга етуклиги» ни аниклаш мақсадларида гигиенистлар Керн-Ирасекнинг (ЧССР) тестлари, совет тадқиқотчилари (М.М.Антропова, М.М.Кольцова, Т.С.Сорокина ва бошқалар) томонидан ишлаб чиқилган методикадан фойдаланадилар. Болаларни текшириш уларни мактабда олти ёшдан ўқишлари мумкинлигини аниклаш имконини беради.

Болаларни мактабга жисмоний тайёрликларини текшириш натижаси купчилик болаларда унинг асосий курсаткичлари норма атрофида эканлигини ва хатто ундан илгариллашини курсатди.

Кун тартиби, чиниктирувчи муолажалар, мунтазам жисмоний тарбия машғулотлари, хилма-хил ҳаракатли уйинлар ва жисмоний машқлар фаол ҳаракат режими болаларни мактабда ўқишига жисмоний тайёрлигини таъминлашнинг зарурий шартлари ҳисобланади.

### **1. Жисмоний ривожланганлик даражаси**

- Мустақил тарзда жисмоний машқларни бажара олиш;
- Буйруққа (старт, стоп) асосланиб югура олиш;
- Нарван ёрдамида тепаликка чиқа олиш ва пастга туша олиш;
- Нарван устида утириб олдинга силжий олиш;
- 5 секунд давомида арконда осилиб туриш;
- Агимчок уча олиш;
- Чекланган саф ва чизик буйлаб юра олиш;
- Кия куйилган тахта устидан юриб ута олиш;
- Бир оёқда калдирғоч бўлиб тура олиш;
- Оёқ учлари билан буюмларни қисиб кутариш, пастга суриш ва бир жойдан иккинчи жойга кучира олиш;
- Жойидан туриб 15-20 марта сакрай олиш, 70-80 см ўзунликка сакрай олиш, 30 см баландликдаги тусикдан сакраб утиш;
- Тухтамасдан 2-3 минут давомида югура олиш; 100 метр масофани тухтамасдан югуриб утиш;
- 10 метр масофани эмаклаб утиш;
- Сафда тўғри туриш ва сафни ўзунасига юриш;
- Сафланиш ва қайта сафланишни билиш;
- Мусика оҳангига мос ҳолда ҳаракат қила билиш;
- Коптокни иргитиш ва илиб олиш;
- Илон изи шаклида юриш;
- Туп-туп бўлиб айлана буйлаб юра олиш;
- Халқ уйинлари «Ким чаккон», «Ок теракми-кук терак?», «Куёним куёним не булди?», «Читти гул», «Боглам-боглам», «Ким олади шу гинани».

### **2. Нутқ ва тафакқурни ривожланганлиги.**

- Товуш, сўзларни аниқ ва тўғри талаффуз этиши; 3000тадан ортик сўзни тушуниш ва билиш;
- Расмга қараб гап тўзиш;
- Эртақ ва хикояни тинглаш, мазмунини тшуниш;
- Эшитган кичик эртақ ва хикояларни қайта сўзлаб бериш;
- Ифодали нутққа эга булиш;
- Теварак-атроф, табиат манзараси ҳақида қискача сўзлаб бериш;
- Ифодали нутққа эга булиш;
- Теварак-атроф, табиат манзараси ҳақида қискача сўзлаб бериш;
- Турли мавзудаги 6 та шеърни ёддан айтиш;
- Ота-она, тарбиячи тавсияси билан ҳаётий мавзулар буйича қискача хикоя тўзиш;
- Катталар ва уртоклари билан суҳбатда фаол иштирок этиш;
- Катталар ва уртоклари билан гаплашиш маданиятига эга булиш; ва х.к.

Боланинг тафакқурини ривожланишига оид.

- Ўз фикрини мустақил, эркин баён этиш ва хулоса чиқара олиш;
- Мантикий тафакқур қилиш малакаларига эга булиш;

- Тафаккур операциялари (анализ, синтез, умумлаштириш, аниқлаштириш, таккослаш, аналогия ва бошқаларни) ёшига мос ривожланиши;
  - Фикрий мушоҳада юритиш;
  - Теварак атрофни тўғри идрок этиш;
  - Таълимий уйинлар воситасида тафаккурни пешлаш.
  - Гул, дарахт турларини рангига, баргига, мевасига караб фарқлай олиш.
  - Ўз фикрини талаб эҳтиёжларини сўз билан ифодалаш;
  - Қирқиб булақларга ажратган воқеабанд расмларни териш, яхлитлаш;
  - Турли тасвирлардан яхлит образ ярата олиш;
  - Геометрик шакллардан маълум мазмунга эга бўлган тасвирлар тўзиш;
  - Сўзлардан гап тўза олиш;
  - Ўз фикрини баён этганда таккослаш, умумлаштириш, таҳлил қила олиш;
  - Биринчи унликдан сон таркиби (алоҳида бирликдан) ва 2 3 4 5 6 7 8 9 10 сонларини ўзидан кичик бўлган икки кичик сондан таркиб топганлигини билиш;
  - Биринчи унликдаги ҳар бир сонни қандай ҳосил булишини билиш, бунинг учун сон қаторидаги аввалги сонга 1ни қушиш ва кейинги сондан 1 ни айириш.
  - 0 1 2 3 4 5 6 7 8 9 рақамларини ҳамда + - = ишораларини билиши;
  - 1 3 5 0 сумми пулларни билиш;
  - Утаётган ҳафта кунларини кетма-кетлигини, кун қисимларини билиш;
  - 10тагача бўлган бирикмалардан санаш, санаб ажарата олиш;
  - нарсаларни сонини рақам билан мувофиқлаштира олиш;
  - Тўғри ва эгри чизикларни учбурчак туртбурчакларни бир-биридан фарқлаш ҳамда тасвирлаш.
  - Ҳозирги замон техникаси компьютер ҳақида тасаввурга эга булиш;
  - Экологияни билиш;
  - Мевали дарахтларни олма, ўзум, шафтоли, нок, олча, гилос, олхури, урик номларини билиш ва ҳамда тасаввурга эга булиш;
  - Манзарали дарахтларни ток, терак, арча, чинор ҳақида тасаввурга эга булади;
  - Гуллар, атиргул, бойчечак, қоқигул, чинни гул, лолақизгалдоқ ҳақида тасаввурга эга булиш;
  - Сабзавот ва полиз экинларини номларини билиш;
  - Ҳона усимликларини бошқа усимликлардан фарқи.
  - Уй ҳайвонлари қуй, сизир, от, бури, эшак, ит, мушук, эчки, ёввойи ҳайвонлардан бури, тулки, айик, паррандалардан товук хурос, урдак, гоз, хашоратлардан чумоли, ниначи, ари, қунғиз, қапалак номларини билиш ва улар ҳақида тасаввурларга эга булиш.
  - Қушларни қалдирғоч, қумқуқ, мусича, қабутар, булбул, қарга, тути номларини билиш ва у ҳақида тасаввурларга эга булишлари қерак;
  - Уй рўзгор, стол, стул, хонтахта, жавон ҳақида тасаввурларга эга булиш;
  - Уйдаги электр жиҳозларидан электр чирок, телевизор, радио, магнитофон, дазмол ҳақида тасаввурларга эга булиш;
  - Тарспорт воситалари велосипед, автобус, автомобил, троллейбус, трамвай, метро, поезд, самолёт ҳақида тасаввурларга эга булиш;
  - Тоғ, дарё, қўл, бог, гулзор, пахтазор, экин майдонлари, яйлов ҳақида тасаввурларга эга булиш;
  - Ҳаво, сув, қуёш, шамол, булут, ёмғир, қор ҳақида ёшига мос равишда тасаввурларга эга булиш;
  - Йил фасллари номини кетма-кетлигини табиат ўзгаришлари ҳақида илк тасаввурларга эга булиш;
  - Қун ва тунни фарқини англаш;
  - Эрталаб, кечқурун, пешинни фарқлаши;
- 3. Маънавий маданий етуклик.**
- Она Ватани Ўзбекистон ҳақида қискача сўзлаб бериш;
  - Ўзбекистон байроғи, герби ҳақида фикр;
  - Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳислари ва миллий ғурурни ёшига мос равишда билиши;
  - Ҳалқига Ватанига меҳр ва садокат ҳисларини шакллантириш;
  - Бегуний, Ибн Сино, А.Темур, Навоий, Улугбек, Бобур қабри буюқ сиймолар ҳақида



илк тасаввурга эга булиш;

- Миллий байрамлар хакида каска сўзлаб бериши;
- Тўғри саломлашиш ва хайрлашишни билиши;
- Ўздан катталарга сизлаб мурожжат қилиши;
- Қўлини куксига қуйиб илтифот курсатиши;
- Уйда кучада меҳмон борлигида қиядиган кийимларни фаркланишини ва уларни ўз ўрнида кийиши;
- Ширин сўзли булиш ва меҳрибонлик қила билиш;
- Утириш ва юриш коидаларини билиш уларга риоя қилиш;
- Уйда богчада меҳмонда кучада ўзини қандай тутиш кераклигини билиш ва унга риоя қилиш;
- Яхшилик ва ёмонликни фарқлаш;
- Уртоклари билан биргаликда уйнай олиш;
- Уйин майдонида мулоқот қила олиши ва уртокларини ранжитмаслик зарурлигини билиш;
- Хол ахвол сурашни билиш;
- Катталар меҳнатини кадрини билиш;
- Ўзига ишониш;
- Ожиз ва қучсизларни химоя қилишни;
- Ўз-ўзига хизмат қила олиши;
- Уйда ёки богча ховлисида енгил меҳнатларни бажара олиши;
- Ошхона анжомларини чойнак, пиёла, қошиқ, ликопча, пичок қабиларни вазифасини билиш;
- Меҳнатсевар булиш, яхши одат эканлигини билиш;
- Меҳнатсевар қуролларини теша, болгача, болтача, қайчи, урок қабиларни вазифасини билиш;
- Тежамқорлик зарурлиги билиши;
- Ўзини озода тута олиш;
- Тўғри ювиниши;
- Сочик, совун, тиш ювиш пасталари ва чутқасидан тўғри фойдаланиши;
- Мустикал сочни тараш, турмаклаши;
- Мустикал тартибли кийиниш ва ечинишни;
- Кийим, уйинчок ва хона анжомларини ўз жойига қуйа билиши;
- Овқатланиш коидаларини билиши ва унга риоя қилиши;
- Тасвирий санъат асарларидан завқлана олиши керак;

## II. БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ.

Мактабнинг бола шахсига қуядиган асосий талабларидан бири психологик тайёргарликдир. Боланинг психологик тайёрлиги унинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини ўзгариши ва кичик мактаб ёш давридаги болалар ўқув фаолиятининг ўзига хослиги билан ўзвий боғлиқ.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мактабга психологик тайёргарлик доимий ҳисобланмайди, балки у доимо ўзгариб бoйиб боради. Психологик тайёрликнинг таркибий жihatлари: интеллектуал (аклий), маънавий ва иродавий тайёргарликдан иборатдир.

Аксарият ҳолларда боланинг аклий ривожланганлик даражаси хақида гапирилганда унинг сўз бойлиги захираси билан аниқланадиган аклий билимлари миқдорига кўпроқ эътибор берилади. Ота-она, хатто айрим ўқитувчилар ҳам бола канчалик кўп билса, у шунчалик ривожланган бўлади, деб ўйлайдилар. Аслида эса ундай эмас, фан-техника, оммавий ахборот воситаларининг кенг тарқалганлиги туфайли бугунги кун болалари гўё маълумотлар уммонида сўзиб юргандек булмоқдалар. Бу эса улардаги сўз бойликларнинг кескин усишига асос булмоқда, лекин бу уларнинг тафаккури ҳам шундай жадалликда ривожланаяпти, деган гап эмас.

Мактабда амал қилинаётган ўқув дастурларини ўзлаштириш боладан нарсаларни такқослай билиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, мустақил ҳулосалар чиқариш каби билиш жараёнларининг етарлича ривожланган булишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда мактаб амалиётчи психологлари томонидан болаларни биринчи синфга қабул қилиш жараёнида кенг фойдаланилаётган психодиагностик воситалар, тестлар, суровномалар, асосан болада юқорида келтириб утилган хусусиятнинг ривожланганлик даражасини аниқлашга мулжалланган методикалардан иборатдир.

5-7 ёш боланинг мактабга интеллектуал (аклий) тайёрлигининг яна муҳим курсаткичларидан бири бу улардаги образли тафаккурнинг олий даражада ривожланганлигидир. Буларга таянган ҳолда бола атроф-муҳитдаги нарса-ҳодисалар уртасидаги энг муҳим хусусиятларни, муносабатларни фарқлай олиш имкониятига эга булади. Бу уринда болалар чизмаларни тасвирларни шунчаки тушунибгина қолмай, балки улардан муваффақиятли фойдалана оладиган буладилар.

Бирок уларнинг тафаккури умумлаштириш ҳислатларига эга була борсада, предметлар ва уларнинг (тафаккури) ўрнини босувчилар билан аниқ хатти-ҳаракати образлилигича қолаверади.

Мактабгача ёш давридаёқ бола кичик мактаб ёш даврида етакчи фаолият тури буладиган – ўқув фаолиятига тайёрланган булиши лозим. Бунда болада маълум бир тегишли масалаларнинг шаклланган булиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай малакаларнинг асосий хусусиятларидан бири боланинг ўқув топширигини ажратиш олиши ва фаолиятни мустақил мақсадга айлантира олишидир. Бундай жараёнлар биринчи синф ўқувчиларидан топшириқда ўзи белгилаган ўзгариш, янгилик аломатларини қидириб топа билиш ва улардан хайратланишни, қизиқишни талаб қилади. Бундай топшириқлар амалий ишларга айлантирилса ёки уйин тарзида бажарилса, осонроқ кечади ва бола ўзлаштиради.

Юқорида тўхталиб утганимиз интеллектуал тайёрлик боланинг мактабда мувофакқиятли ўқиб кетиши учун ягона замин эмас.

Агар бола зарур малака ва кўникмалар захирасига эга булса, унда интеллектуал ривожланганлик даражаси ҳам юқори булса-ю ўқувчиликнинг ижтимоий ҳолатига шахсан тайёр булмаса, мактабда ўқиб кетиши қийин кечади. Агар ўқитувчи ёки ота-она уни ўқишга қизиқтира олмасалар, ўқув вазифаларини зурма-зураки, сифатсиз, қўл учида бажарадилар. Бундайларда зарур натижаларга эришиш қийин булади.

Энг ёмони, бу ёшда мактабга боришни хохламайдиган болалар ҳам учраб туради. 5-7 ёшли боланинг мактабга боришдан бош тортиши асосан уни тарбиялашда ота-оналар томонидан йул қуйилган хатонинг оқибати ҳисобланади. Айрим ота-оналарда мактабгача ёш давридаги болани мактаб билан қурқитиш ҳоллари ҳам кўзатилади.

- *Иккита гапни эглаб гапиролмасанг, мактабда қандай ўқийсан?*
- *Санашни билмайсан-у, мактабга қандай борасан?*
- *Мактабга борсанг, уртокларинг бу қилигиндан қўлишади!*
- *Ҳеч нарсани билмайсан, мактабга борсанг бизни уялтирасан!*

Каби таъна-дашномлар, болада мактабдан куркиш, ундан хавфсирашнинг шаклланишига асос булиши мумкин. Шундай куркув билан мактабга борган болаларнинг мактабга бўлган муносабатини ўзгартириш, уларда ўзига нисбатан ишонч уйгоштиш учун хаддан зиёд куч, вақт, меҳнат, сабр-тоқат, чидам, эътибор зарур булади. Бу эса болада олдиндан мактабга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришга караганда шубҳасиз, мураккаб жараёндир.

Болани биринчи синфда ўқитишда юзага келадиган кийинчиликларнинг сабаби катталарнинг бола билан буладиган мулоқотлари шакли у ёки бу вазиятга боғлиқ булмаган ҳолда, шахсий аҳамиятга эга булиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай мулоқот боланинг катталар эътиборига ва ҳамдардлигига бўлган эҳтиёж ва эҳтиёжларни катталар томонидан кондирилиши билан характерланади. Мулоқотнинг бу шаклига эришган болалар учун катталарга эътибор, улар мурожатини тинглаш ва тушунишга интилиш ва катталар томонидан ҳам уларга нисбатан шундай эътибор курсатилишига бўлган ишонч ҳосилдир. Бундай болалар катталарнинг турли вазиятларда (кучада, уйда, меҳмонда, ишхонада) ўзларини қандай тутишларини фарқлай оладилар. Катталарнинг бундай ҳулқни англаш эвазига болалар ҳам катталарга, уқитувчиларга, шу вазиятга мос равишда муносабатларни намоён қилади. Агар болада катталарга нисбатан бундай муносабатлар шаклланмаган бўлса, унга мос равишда катталарга нисбатан ҳам тегишли муносабат юзага келмайди, бу эса албатта бола билан олиб бориладиган таълим жараёнини мураккаблаштиради.

Ота-оналар ҳар бир бола руҳий ривожланишида ўзига ҳос хусусиятларга эга эканлиги ва бу хусусиятлар уларнинг у ёки бу фаолият турини эгаллашида намоён булишини ёдда тутишлари лозим. Баъзи болалар эндигина биринчи сўзларни ўзлаштирганларида уларнинг тенгқурлари аллақачон маълум бир иборалар билан гаплаша оладиган буладилар.

Таълим жараёнида бола имкониятларининг намоён булиши маълум даражада наслий омиллар билан ҳам боғлиқ дир. Болалар ўз темперамент хусусиятларига кура ҳам бир-бирларидан ажралиб турадилар:

- Хушчакчак, сергап, кувнок, ҳаётнинг ўзгарувчан шароитларига тез мослаша оладиган болалар – сангвинник темпераментга мансуб буладилар.

- Купинча ноҳуш кайфиятда юрадиган, таъсирчан, камгап, суст болалар – меланхолик темпераментга кирадилар.

- Хотиржам, бефарқ, камҳаракат, нутқи суст болалар – флегматиклар дир.

- Жаҳлдор, бетоқат, серзарда, ҳаракатчан болалар – холерик ҳисобланадилар.

Болалар катталарнинг ёрдамига муҳтож булишига қараб ҳам бир-бирларидан фарқ қиладилар. Баъзи болалар бирор хатти-ҳаракатни бажаришни бир неча марта курсатиш, тушунтириш, кетидан эргаштириш керак. Бошқа болаларга эса бажариладиган иш бир мартаба курсатилса етарли булади. Шундай болалар ҳам борки, улар берилган вазифани мустақил бажарадилар. Болалар ўзларини кизикувчанлик, ақлий фаолликларига қараб ҳам бир-бирларидан ажралиб турадилар. Баъзи болалар қуп савол берадилар ва ҳаракатчан буладилар, баъзи болаларни эса ҳеч нарса кизиктирмайди. Ота-оналар болаларидаги ўзига ҳосликларни қанчалик чуқур билсалар, уларга ургатишни муваффақиятли ташкил қила оладилар.

Болаларнинг мактабга психологик тайёргарлиги қенг ва муқаммал бўлиб ривожланган булиши даркор. Болаларга қанчалик яхши билим берсак, уйлайманки улар келажакда Ватанга садоқат руҳида, етук инсон бўлиб етишадилар. Демак, тарбиячи бола шахсида ахлокий ҳис-ғуйгуларни тарбиялаш учун ҳамма восита ва методларни қўлласа, яхши ҳулқ намуналарини ўргатиш анча осон кечади.

## II. III. БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДА САЛОМАТЛИГИ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИГИНИНГ АХАМИЯТИ.

Ўқиш учун болалар анчагина жисмоний ва аклий куч сарфлашлари керак. Шунинг учун ота-она бола мактабга боргунига кадар унинг тўғри жисмоний ривожланиши ва соғлом бўлиб узиши ғамхўрлик қилиши жуда муҳимдир.

Бола ҳаётининг режими. Одатда, соғлом бола касалманд ва заиф болага нисбатан мактаб режимига ва бутун дарс давомида ўзида жуш уриб турган гайратларини тийиб жим утиришга тезроқ қуникади. Хар бир бола аниқ кун тартибига онгли равишда риоя қилишига боғлиқ. Болани мактаб режимига тайёрлашда, унинг соғлигини мустаҳкамлашда эрталаб маълум вақтда унингдан туриш, овқатланиш ва уйкуга ётишга аниқ риоя қилиниши керак.

Хар бир оила меҳнат фаолиятининг характери, маиший шароити, болаларнинг сони ва шу қабиларга ўз яшаш тартибини урнатади. Бирок сиз бир нарсани, яъни мактабгача ёшдаги боланинг нонуштаси ва тушлиги уртасидаги оралик 4 соатдан ошмаслигини, тушлик ва кечки овқат уртасидаги оралик – бир оз каттарок (6-7 соат), бунинг орасида енгил овқатланиш кечки чой булиши кераклигини унутмаслигингиз керак.

Боланинг бир суткадаги уйкуси тахминан 11 соатни ташкил қилиши керак. Бола тушликдан сунг 1-1,5 соат дам олишга одатлансин. Кечкурун у доимо бир вақтда, яъни 9 дан кечикмай ухлагани етсин. Бола мириқиб ухласин десангиз, куйидаги қоидаларга риоя қилинг:

- бола ухлайдиган хонани яхшилаб шамоллатинг;
- болани ухлашга ётишдан олдин тишини тозалашга, юз-қўли, буйни, оёгини ювишга одатлантиринг;
- болага уринда нонушта қилишга асло йул қуйманг;

Боланинг нормал ривожланиши учун у тоза хавода қуп ҳаракат қилиши керак. Тенгдошлари билан чопсин, сакрасин, нарсаларга тирмашиб чиксин. Бола очик хавода киш ойларида 4 соатдан кам булмасин, ёзда эса деярли бутун кунини очик хавода утказсин.

Болага ўззу-кун тиним билмай лақиллаб юришга йул қуйиб булмади, бундай ортикча ўйноқилиқдан бола мактабнинг талабчан интизомига қуникиши кийин булади. Ҳаракатли ўйинларнинг тинч машғулотлар билан алмашилиб туришини кўзатиб бориш зарур.

Боланинг кундалик режимга амал қилиши учун асосан, катъий назорат лозим. Бола кундалик режимни бажариш мажбурийлигига ва ҳеч қандай гап, илтимослар, маълум вақтда овқатланмаслик ҳамда уйнамасликка сабаб була олмаслигига қуникиши керак. Шу билан бирга режимнинг зарурлиги ва унинг фойдасини доимо тушунтириб бориш лозим. Масалан:

- *Эрталабки бадантарбия машқларини яхши бажардинг, энди кун буйи тетик юрасан;*
- *Барақалла, гулларни тозалаб яхши қилибсан. Менга анча ёрдаминг тегди;*
- *Ўз вақтида овқатлансанг, тез усасан ҳамда, касалга чалинмайсан;*  
ва шу қабилар.

Режимнинг қиммати бола фаолиятининг хар хил турларининг алмашилиб туришини таъминлашдир, бу эса ёш, усувчи организмни чарчашдан саклайди, боланинг хар томонлама камол топишига имкон беради. Масалан, бола расм солишга кизиқиб кетиб, столдан 40 минут давомида турмади, лекин у актив ҳаракат қилиши, яъни ўйнаши, чопиши керак. Шунинг учун у уйнаб бўлганидан кейингина унга тинч ўйин ёки машғулотни тавсия қилиш мумкин. Агарда иш шу йусинда кетса, бола шундай тартибга риоя қилса, у қай даражада булмасин аста-секин ўз фаолиятини бошқаришга одатланади, бу уни кундалик ва мактаб режимининг асосий қоидаларига осонгина қуникишида катта аҳамиятга эгадир.

**Олти ёшли боланинг кундалик режими тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:**

№	Кундалик режим	Вақти
	Уриндан туриш, бадан тарбия машқларини килиш, ювиниш, уринни йигиштириш.	8.00-8.45
	Нунушта	8.45-9.15
	Сайр	9.15-10.00
	Машғулот	10.00-11.00
	Очик хавода уйнаш, сайр килиш, кунгил очиш.	11.00-12.45
	Тушлик овкат	12.45-13.15
	Кундўзги уйку	13.15-15.00
	Узи ёктирган иш билан шуғулланиш учун буш вақт	15.00-16.00
	Кечки чой	16.00-16.15
	Очик хавода сайр килиш ва уйнаш	16.15-18.00
	Кечки овкат	18.00-18.30
	Тинч уйинлар, катталар топширигига кура қўлидан келадиган ишларни бажариш	18.30-20.15
	Уйкуга тайёрланиш, гигиеник тадбирлар (тишни тозалаш, ювиниш)	20.15-20.30
	Тунгу уйку	20.30

## **III. БОБ. БОЛАНИНГ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРГАРЛИГИ ТАХЛИЛИ.**

### **III.1. БОЛАНИНГ МАКТАБДА ТАЪЛИМ ОЛИШГА ТАЙЁРЛИГИНИ ТАШХИСЛАШ УСУЛЛАРИ**

Боланинг мактабда таълим олишга тайёрлигини ташхислаш бу текширув жуда зарур. У оила учун боланинг қайси жихатларига тўзатиш (агар у зарур булса) киритишда, олти ёшлининг муваффақиятлари ва камчиликларига қандай ёндашишда, шу мақсадда у тарбиячиларга, қолаверса 1-синф уқитувчилари учун ҳам керак. Болани уқитиш учун уни ҳар томонлама билиш керак.

Афсуски бугунги кунда ташхис тизимининг такомиллашмаганлиги, ўзини оқламаган турли хил шаклларни қуплиги таълим муассасаларининг ҳамда оналарнинг болаларни мактабга тайёрлаш борасида фаолиятини қийинлаштирмоқда. Масалан, айрим мактабларда болаларни биринчи синфга олишда боланинг мактабга тайёргарлигини белгиловчи асосий курсатгич сифатида тез ўқиш кўникмаси (бир минутда 50-70 ва ундан ҳам ошиқ сўз) илгари сурилмоқда. Вахоланки, бу кўникма мактабгача таълим давлат дастурига киритилмаган.

Агар бола тез ўқишга урганган булса ёмон эмас, бироқ бу мактабга боришдаги шартли талаб сифатида қабул қилинмаслиги керак.

Ташхис ўтказиш, боланинг ривожланганлиги ва мактабда таълим олишга тайёргарлиги даражасини аниқлаш мақсадида турли усулларнинг бир неча вариантлари берилмоқда. Бироқ бу ҳар бир болага ташхис қўйишда масқур услубларнинг барчасини қўллаш зарур, дегани эмас.

Болани ташхисдан ўтказишни мажбурийликка асосланмаган, ишончли суҳбат ёки ўйин тартибиде олиб борган маъқул. Токи бола ўзини текширилаётганлигини сезмасин. Болани берилган саволларга жавоб бервётганда шоширмаслик, унинг кизикишини сўндирмаслик учун суҳбат ва тавсия этилаётган ўйинлардан 2-3 тасини ўтказган маъқул.

Бир марта ташхис ўтказиш вақти 20-25 минутдан ошмаслиги лозим. Барча турдаги мактабгача таълим муассасалари, мактаблар учун мажбурий бўлган ҳамда оналарнинг ҳам болани мактабга тайёрлигини аниқлаш ва бола ривожланишидаги айрим жихатларни чуқурроқ ечишларига имкон берувчи асосий ташхислаш усулларининг асосийларга қуйидагилар қиради:

1. Соғлиги ва жисмоний ривожланганлиги ҳолати ташхиси.
2. Шахсий – психологик ва ақлий ривожланганлик ташхиси:
  - ташхисловчи кириш суҳбати;
  - Керн-Ирасек системаси бўйича ташхислар;
  - Венгер методи бўйича ташхислаш (график диктант).
3. Таълим олиш фаолиятининг кўникма ва илк заминини аниқлаш ташхиси:
  - болаларнинг мактаб ҳақидаги тасаввурларини аниқловчи саволнома (мативацион тайёргарлик);
  - болаларнинг математик тушунчаларини аниқловчи саволнома;
  - болаларнинг оғзаки саводхонлиги ва нутқи ривожланганлигини аниқловчи саволнома.
4. Текширишнинг қушимча шакллари:
  - қуриш хотираси;
  - эшитиш хотираси;
  - мазмун хотираси;
  - тасаввури ва ижодий фикрлашининг ривожи;
  - оғзаки – мантикий фикрлаш ривожи;
  - маълум жойда, ҳудудда мулжал олиш ривожи;
  - математик тушунчалари ривожи;
  - тасвирлаш фаолияти бўйича кўникма ва уқдалаши ривожи;
  - ўзи ва ўзининг тасвирлаш фаолиятига муносабатини ифодалаш.

#### **1. Болаларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланганлиги ҳолатини ташхислаш.**

Мактабга қабул қилинишдан олдин барча болалар ўз яшаш жойларидан болалар поликлиникаси таркибиде тор мутахассислик бўйича шифокорлардан иборат бўлган тиббий комиссия текширувидан утиши шарт. Улар боланинг соғлиги ва

мактабга тайёргарлиги хакида ўз хулосаларини беришади.

Мазкур текширувнинг эрта баҳода ўтказилиши болада аниқланган етишмовчиликларни ёз давомида диспансеризацияда тулдириб олиш имконини беради.

Харакатнинг асосий турлари, қўл мусқуллари спорт уйинларининг оддий кўникмалари, ҳаракат сифати ривожланганлигини мусобақа, эстафета тарзида ўтказиладиган спорт ва ҳаракатли уйинлар давомида текшириш мумкин.

## **2. Боланинг шахсий – психологик ва ақлий ривожланганлигини ташхислаш. Ташхислаш суҳбати саволлари:**

- 1) Фамилиянгни, исмингни, отангни исмини айт.
- 2) Ота – онагнинг фамилияси, исми, отасининг исмини айт.
- 3) Сен кизми ёки угил ? Катта булсанг ким буласан: холами, тогами?
- 4) Сенинг аканг (опанг) борми, ким катта ?
- 5) Ёшинг нечада ? Бир йилдан кейин нечага кирасан, ики йилдан кейин- чи?
- 6) Хозир эрталабми ёки кечкурун(кундўзими ёки эрталабми)?
- 7) Сен қачон нонушта киласан-кечкурунми, эрталабми? Тушликни эрталаб киласанми, кундўзими? Тушлик олдин буладими ёки кечки овқат?
- 8) Сен қаерда яшайсан? Уй манзилингни айт( Қандай мамлакатда? Президент ким ? Ватанимизнинг байрогини, гербини курсат? ва бошқ.)
- 9) Отанг (онанг) ким бўлиб ишлайди?
- 10) Расм чизишни яхши қурасанми? Бу каламнинг (лентанинг, румолнинг ранги қанақа?
- 11) Хозир йилнинг қайси фасли- кишми, баҳорми, ёзми, кўзми? Нега сен шундай деб ҳисоблайсан?
- 12) Нега қор қишда булади, ёзда эмас?
- 13) Хайдовчи (шифокор, уқитувчи ) нима иш қилади?
- 14) Мактабда кунгирок, парта нима учун керак?
- 15) Ўзингнинг унғ кўзингни, чап қўлогингни ( унғ ёки чап қўл билан ) курсат. Кўз ва қўлок нима учун керак?
- 16) Қандай хайвонларни биласан?
- 17) Сен қандай қушларни биласан?
- 18) Нима катта: сигирми, эчкими? Қушми ёки асалари? Нимани панжаси катта: кучукникими, хурозникими?
- 19) Нима катта: 8ми, 5ми, 7ми, 3 ? 3дан 6 гача, 9 дан 2 гача сана.
- 20) Билмасдан бировнинг нарсасини синдириб қуйсанг нима қилиш керак?
- 21) Уй телефонларингнинг, онагнинг, отангнинг, бувингнинг иш жойларидаги телефонларнинг рақамини эслаб қур...
- 22) Агар ота-онанг ( кечкурун ва дам олиш кунлари) уйда йук булса – қаерда булиши мумкин?
- 23) Сен (катта дуконда, бозорда, хайвонот богида, сени мажбуран олиб кетганда, нотаниш кучада қуп кишилиқ автобусда, метрода ва бошқ.) адашиб қолсанг, бундай ҳолатларда нима қилган бўлардинг?
- 24) Сенга кучада безорилар дуч келди ва тегажонлик қилди...

### **Керн-Ирасек услуби бўйича ташхис ўтказиш.**

Болаларни текширувдан ўтказиш 4 топшириқдан иборат бўлиб, ундан кўзланган мақсад улардаги мактаб учун зарур бўлан фаолиятлари ривождаги, жумладан, бош мия чаноғини аналитик ва ситетик вазифалари, моторикаларидаги етишмовчиликни аниқлаш.

Керн-Ирасек методи бўйича боланинг мактабда таълим олишга тайёрлиги даражасини аниқлаш алоҳида ёки 10-15 боладан иборат гуруҳ билан бир вақтнинг ўзида олиб борилиши мумкин. Тўртинчи топшириқ эса ҳар бир бола билан алоҳида, махсус ажратилган ҳоналарда ажратилади.

Болага (ёки гуруҳдаги 10-15 болага) оддий қоғоздан тоза бир вароқ берилади. Қоғознинг юқоридан ўнғ бурчагига тадқиқот билан қамраб олинган боланинг исми, фамилияси, ёши ҳамда текшириш ўтказиладиган сана ёзиб қуйилади. Иш қоғози тагига қаттиқ қоғоз қуйилади. Қалам боланинг олдига шундай қўйилиши керакки, унга ўнғ ва

чап қўл билан ҳам олиш ўнғай бўлсин.

Ташхис ўтказиш уч топшириқдан иборат:

1. Одам расми.

2. Уч сўздан иборат, чизилган қисқа ибора (*U osh yedi*).

3. Чизилган нуқталар гуруҳи.

Варақнинг юз қисми биринчи топшириқни бажариш учун ажратилади. **Биринчи топшириққа** қўйидаги йўриқнома берилади: «Бу ерга (ҳар бирига қаергалиги кўрсатилади) бирор-бир эркакнинг (тоғаннинг) расмини билганларингизча чизинглар». Шундан сўнг тушунча (ёрдам) бериш, расмнинг камчилиги ва хатоси юзасидан огоҳлантириш тақиқланади. Боладан тушадиган ҳар бир саволга қўйидагича жавоб бериш лозим. «Ўзинг билганингдай қилиб чиз». Агар бола ишни бошлай олмай турса қўйидагича унга далда бериш керак: «Кўряпсанми, сен қандай яхши бошладинг», «Чизишда давом эт».

«Хола»ни чизсам бўладими? Деган саволга барчамиз тоғани чизяпмиз дея тушунтириш керак. Агар бола аёл фигурасини чиза бошлаган бўлса, уни охиригача етказишни кутиб туриб, кейин ёнидан эркак кишининг расмини чизишни сўраш керак.

Бола расм чизишни яқунлагач, иш қоғози тескари ағдарилади. Унинг орқа тарафи қўндаланг чизиқ билан тенг иккига бўлинади (буни олдиндан қилиш ҳам мумкин).

2-топширқни бажариш учун 10-15 та карточка (7-8см га 13-14 см ўлчамда) керак бўлади. Унга «У ош еди» ибораси кўлэзмада ёзила (ҳарфлар ўлчами-1 см, бош ҳарф-1, 5 см).




Ибора ёзилган карточка боланинг олдига, иш қоғоздан сал юқорироққа қўйилади.

Иккинчи топшириқ қўйидагича изоҳланади: «Қаранглар, бу ерда нимадир ёзилган. Сен ҳали ёзишни билмайсан. Шунинг учун буни чизишга ҳаракат қил. Яхшилаб кўриб олгин, бу қандай ёзилагн ва варақнинг юқори қисмига (қаергалигини кўрсатинг) худди шундай қилиб ёзинг». Агар болалардан бирортаси қатор ўзунлиги ҳисобини ололмай учинчи сўзни сиғдира олмаса, унга учинчи сўзни пастдан ёки тепадан ёзиш мумкинлигини айтиш лозим.

Юқоридаги ўлчамли карточкаларни учинчи топшириқни бажариш учун ҳам тайёрлаб қўйиш керак. Улардан нуқталар гуруҳи тасвирланган бўлиб, улар оралиғи вертикал ва горизонтал бўйича-1 см, нуқталар диаметри-2мм:





Бола 2-топшириқни бажариб бўлган биринчи карточка ундан олиниб, ўрнига иккинчи (нуқталари бор) карточка шундай қўйиладики, унда нуқталар орқали тасвирланган беш бурчакли ўткир бурчаги пастга қараган бўлиши керак.

Учинчи топшириққа қуйидагича йўриқнома берилади: «Бу ерда нуқталар чизилган. Худди шундай қилиб варақнинг пастки қисмига (қаерғалигини кўрсатинг) ўзинг чизишга ҳаракат қил».


#### Нагижани баҳоланг

#### Ҳар бир топшириқ баллар билан баҳоланади:

1-энг яхши баҳо, 5-энг ёмон баҳо.

Беш баллик системада баҳолашнинг наъмунавий мезонлари расмларда кўрсатилган.

#### 1-топшириқ (одам расми)



1 балл-чизилган фигурада бош, гавда ва қўл-оёқлар бўлиши лозим. Бошни гавдага

боғловчи бўйин (у гавдадан катта бўлмаслиги керак). Бошда соч бўлиши (ёки дўппи, телпак), кўлоқ бўлиши, юзда кўз, бурун, оғиз бўлиши керак. Қўл 5 та бармоқ билан. Эркак киши кийими белгилари.

2 балл-1балга қўйилган талабларнинг барчаси.

Уч қисмининг тушиб қолиши мумкин: бўйин, соч, қулнинг битта бармоғи, бироқ юздаги ҳеч бир аъзонинг тушиб қолиши мумкин эмас.

3 балл-расмдаги фигурада бош, гавда, кўл-оёқлар бўлиши керак. Қўл ва оёқлар икки чизик билан чизилиши лозим. Бўйин, кулоқ, соч, кўл панжалари бўлмаслиги мумкин.

4 балл-оддий бош расми кўл-оёқлар билан. Қўл ва оёқлар бир чизик билан тасвирланган.

5 балл-гавда ва кўл-оёқларнинг аниқ тасвири йўқ.

**2-топшириқ (ёзилган матнни чизиш)**

U osh yedi

1. U osh yedi

2. U osh yedi

3. u osh yedi

4. U osh ye di

5. u osh yedi

1 балл-бола томонидан чизилган иборани чизиш мумкин. Ҳарфлар намунадагига нисбатан 2 барабар катта. Ҳарфлар учун сўзни ҳосил этган. Қаторлар тўғри чизикдан 30<sup>0</sup>дан кўп оғмаган.


2 балл-гапни ўқиш мумкин. Ҳарфлар катталиги намунага яқин, улар тиклиги шарт эмас.

3 балл-ҳарфлар камида икки гуруҳга бўлинган бўлиши лозим. Ҳеч бўлмаганда 4 та ҳарфни ўқиш мумкин.

4 балл- намунага ҳеч бўлмаганда 2 та ҳарф ўхшаши керак. Барча ҳарфлар гуруҳи ҳали ёзув кўринишига эга эмас.

5 балл- чизиклар тасвирланмаган, тушунарсиз.

**3-топширик (нуқталар гуруҳини чизиш)**



1 балл-берилган намунага қараб аниқ бажарилган. Нуқталар чизилган, айланар эмас. Горизонтал ва вертикал бўйига симетрия сақланган. Фигуралар қанчалик кичик бўлса ҳам майли, бироқ катта бўлса ярим баробардан ошмаган бўлиши керак.

2 балл –симметрияда унчалик аҳамиятли бўлмаган камчилик бўлиши мумкин: битта нуқта тиккасига ёки энига қолганларидан чиқиб қолган ёки нуқта ўрнига айлана чизилган бўлиши ҳам мумкин.

3 балл-нуқталар гуруҳи намунага қўпол равишда ўхшаш. Барча фигураларда симетрия бўзилган бўлиши мумкин. Бешбурчакнинг ўхшаш, учи пастга ёки тепага қараган шакли сақланган бўлса. Нуқталар сони кўп ёки кам бўлиши мумкин (7 тадан кам эмас, 20

тадан кўп эмас).

4 балл- нуқталар тўп бўлиб жойлашган бўлиб, улар ҳар қандай геометрик фигурани эслатиши мумкин. Нуқталар катталиги ва сони аҳамиятли эмас.

5 балл –ноаниқ чизиқлар.

Бажарилган алоҳида топшириқлар баллари йиғиндиси текширишнинг умумий натижасини белгилайди.

#### **4 топшириқ (йиғма фикрни текшириш).**

**Мақсад:** боланинг фикрлаш амалиёти, мантиғи, луғат бойлиги ривожланганлиги даражаси ва бошқаларни аниқлаш.

**1.** Қайси ҳайвон қатта: отми ёки ит.

а) от- 0 балл

б) ит-(-5) балл

**2.** Эрталаб биз нонушта қиламиз, кун ярмида (ёки тунда...)

а) тушлик қиламиз... биз ош, гўшт ёки нимадир еймиз - .0

б) пешинлик, кечки овқат еймиз, ухлаймиз ва бошқалар – (-3).

**3.** Кундўзи ёруғ, кечаси...

а) қоронғу – 0

б) нотўғри жавоб – (-4).

**4.** Осмон кўм-кўк, ўт...

а) яшил – 0.

б) нотўғри жавоб – (-1).

**5.** Гилос, нок, олхўри, олма- булар нима?

а) мевалар – 1.

б) нотўғри жавоб – (-1).

**6.** Нега поезд ўтмасдан туриб, унинг йўли ёнига шлагбаум тўсилади?

а) поезднинг тагига ҳеч ким тушиб кетмаслиги, фалокат юз бермаслиги учун-0.

б) нотўғри жавоб-(-1)

**7.** Тошкент, Самарқанд, Чирчиқ (таниш шаҳарлар айтилади) нима улар?

а) шаҳарлар-1.

б) бекатлар-0.

в) нотўғри жавоб-(-1).

**8.** Соат неча (соатдан тўғри келган соатининг 18, 15, 19, 55, 11, 5 минутларини кўрсатинг)? Бола соатини ўзи белгиласин.

а) агар барча жавоблар тўғри бўлса-4.

б) агар билмаса-0.

в) агар бир мартагинаси тўғри бўлса-3.

**9.** Кичик сигир-бу бўзоқча, кичик ит- бу..., кичик қўй-бу....

а) кучуквачча, кўзичоқ-4.

б) иккаласидан биттаси-0.

в) нотўғри жавоб-(-1).

**10.** Ит кўпроқ мушукка ўхшайдими ёки товукқа?

а) мушукка (нимаси билан улар бир хил), чунки унда ҳам тўрт оёқ, жун, тирноқ бор (ҳеч бўлмаса битта ўхшаш жойини айтса-0).

б) ўхшаш белгиларисиз айтса-(-1).

в) агар товукқа деса-(-3).

**11.** Нега барча автомобилларда тормоз бор?

а) тоғдан тушаётганда, бурилишда уни секинлатиш учун (иккита сабаб)-1.

б) битта сабаб-0.

в) нотўғри жавоб-(-1).

**12.** Болға билан болта нимаси билан бир-бирига ўхшайди?

а) агар иккита умумий белгиси (тахта, темир, мих қоқиш мумкин, асбоблар, орқа томони ясси) айтилса-3.

б) агар битта белгиси айтилса-2.

в) нотўғри жавоб-0.

**13.** Олмаҳон билан мушук нимаси билан бир-бирига ўхшайди?

а) агар иккаласининг ҳам икки умумий белгиси (оёғи, жуни, дарахтга чиқиб юриши каби) айтилса-3.

б) агар битта ўхшаш жиҳати айтилса-2.

в) нотўғри жавоб-0.

**14.** Мих нимаси билан винтдан фарқ қилади? Агар столда, сенинг ёнингда иккаласи ҳам ётган бўлса сен уларни қандай биласан?

а) резбасидан (боланинг тушунтириши)-3.

б) винт буралади, мих қоқилади, винт гайка, михда эса қалпоқча бор-2.

в) нотўғри жавоб-0.

**15.** Футбол, сувга сакраш, теннис, сўзиш, гимнастика-бу нималар?

а) спорт жисмоний маданият-3.

б) ўйинлар, машқлар, мусобақалар -2.

в) нотўғри жавоб-0.

**16.** Сен қандай транспорт воситаларини биласан? Агар «у нима» деб сўрашса «Бу миниб ҳаракатлантириладиган нарсалар» деб жавоб қайтариш керак.

а) агар ерда юрадиган 3 та транспортни ва самолёт, кемани айтса-4.

б) агар фақат ерда юрадиган учта транспорт воситасини айтса ёки тушунтиришдан сўнг барчасини санаб берса-2.

в) нотўғри жавоб-0.

**17.** Кекса киши нимаси билан ёш кишидан ажралиб туради? Улар ўртасида қандай фарқ бор?

а) учта белгиси (ажинлар, ёмон кўради ёки эшитади, оқ сочи ва соқоли билан)-4.

б) бир-икки белги учун -2.

в) нотўғри жавоб-0.

**18.** Одамлар нима учун спорт билан шуғулланадилар?

а) иккита сабабга-4.

б) биттага-2.

в) нотўғри жавоб-0.

**19.** Кимдир ишдан бош тортса нега бу ахлоқсизлик, нотўғри, ёмон дейилади?

а) қолганлар у учун ишлаши керак (мазмуни: кимдир жабр чекади) ёки дангасалик қияпти ҳеч нарса сотиб ололмайди дейилса -2.

б) нотўғри жавоб- (-2).

**20.** Нима учун хатнинг устига марка ёпиштирилади?

а) хатни почта орқали жўнатиш учун-5.

б) агар жарима тўланиш керак бўлса-2.

в) нотўғри жавоб-(-2).

Натижаларни ишлаш қуйидаги схемалар бўйича олиб борилади: балларнинг суммаси алоҳида саволлар билан аниқланади.

Йиғма фикр ривожланганлигининг биринчи даражасини +24 ва ундан баланд.

Иккинчи даража +14 дан +23 гача- ўрта юқори.

Учинчи даража 0 дан +13 гача – ўрта (меъёр).

Тўртинчи даража (-1) дан (-10) гача – паст.

Бешинчи даража (-11) ва ундан паст –жуда ёмон.

**«График диктант».** Ўқув топшириғини қабул қилиш, ўқув амалиётини бажариш, яъни ихтиёрий (эркин) эътибор ривожланганлиги даражасини аниқлаш учун Л.А.Венгер методикаси бўйича ташхис ўтказиш.

**Йўриқнома:**

-Катакли дафтар вароғидан олиш ва болага чироқли нақшлар чизишни ўргатишни таклиф этиш.

-Мен сенга чизиқни қандай тортишни айтаман, сен мен айтгандек қилиб чиз.

-Сен ўнг қўлинг қаердалигини эслайсанми?. Тўғри, бу ўша қалам ушлаб турган қўлинг. Қани уни ёнга чўзчи. Қаерни у кўрсатиб турибди (эшикни ва бошқ).

-Демак, мен қачон чизиқни ўнг томонга тортинглар десам сен эшик томонга қаратиб чизасан.

-Чап қўлинг қаерни кўрсатяпти? (дерезани ёки бошқ).

-Тўғри. Мен қачон чап томонга, десам сен чизиқни дереза томонга тортасан.

-Мен фақат қайси томонга чизиқни чизишни айтмай, балки унинг ўзунлигига қанча яъни, бир катак ёки икки катак бўлишини ҳам айтаман.

-Фақат мен айтган нарсани чизинглар. Чизиқ тортаётганингда тўхтаб, кутиб тур, қачон мен янги чизиқни қандай чизишни айтганимдан сўнг олдингиси тўхтаган жойдан бошлаш керак.


Болага нақшни қаердан бошлаб чизишни кўрсатиш (варакнинг устки чап бурчагидан, чеккасидан биорз жой ташлаб) ва айтиб туриш керак:

битта катакча юқорига. Битта катакча ўнгга. Битта катакча пастга. Битта катакча ўнгга.

Битта катакча юқорига. Битта катакча ўнгга. Битта катакча пастга. Битта катакча ўнгга.

Битта катакча юқорига. Энди ўзинг худди чизганингга ўхшатиб давом эттир.


«Диктант» тўғри бажарилган ҳолда қуйидаги нақш ҳосил бўлиши керак:



Агар бола хатога йўл қўйса, тўзатинг: Бу нақш машқ учун эди. Бола уни чиза туриб йўриқномани тушуниши керак. Мустақил чизишни давом эттираётганида уни охиригача етказиш зарур.

Нақш охирига етгач, болага навбатдаги нақшни қаердан бошлаш кераклигини кўрсатинг ва айтиб туринг:


-Икки катак юқорига. Бир катак ўнгга. Бир катак юқорига. Икки катак чапга. Икки катак пастга. Бир катак ўнгга. Икки катак пастга. Икки катак ўнгга. Иккита юқорига. Битта ўнгга. Бир катак юқорига. Иккита ўнгга. Битта пастга. Битта катак ўнгга. Иккита пастга. Нақшни чизишни ўзинг давом эттир.



Энди чизиш жараёнида ҳеч қандай қўшимча кўрсатмалар берилмайди ва хатолар тўзатилмайди.

Нақш қаторини охиригача тўлиқ чизиб бўлингач, қуйидагиларни айтиб туришни бошланг:

-Икки катак тепага, икки катак ўнгга, бир катак пастга, бир катак чапга («чапга» сўзини овозда алоҳида таъкидлаш керак). Бир катак пастга. Икки катак чапга. Икки катак тепага. Икки катак ўнгга. Бир катак пастга. Бир катак чапга. Бир катак пастга. Чизишни ўзинг давом эттир:



Ва, ниҳоят охириги нақш:

-Икки катак тепага. Бир катак чапга. Икки катак тепага. Бир катак ўнгга. Бир катак пастга. Икки катак ўнгга. Бир катак пастга. Бир катак чапга. Икки катак пастга. Уч катак ўнгга. Икки катак тепага. Бир катак чапга. Икки катак тепага. Бир катак ўнгга. Бир катак пастга. Икки катак ўнгга. Бир катак пастга. Бир катак чапга. Икки катак пастга. Чизишни ўзинг давом эттир:



### **Ҳар бир нақшнинг (машқ учун берилганларидан ташқари) бажарилиш даражаси.**

Нақшнинг айтиб турилгандагиси ҳамда бола томонидан мустақил давом эттирилиб бажарилгани алоҳида-алоҳида баҳоланади. Энг юқори даража, бу –нақшнинг хатосиз чизилиши. Уни 4 балл билан баҳолаш керак. Агар 2-3 та хатоси бўлса 3 балл қўйилади. Кўп хатолари бўлса 2 балл. Агар тўғри чизилган қисмлардан, хато чизилган қисмлар кўп бўлса, бу ҳолда 1 балл берилади. Ва ниҳоят агар бирорта чизилган қисм бўлмаса 0 балл қўйилади.

Бола нақшни айтиб турилганда бажариб 0 дан (агар бутунлай нотўғри бўлса), 12 баллгача (агар уч асосий нақш хатосиз бажарилган бўлса) умумий балл йиғиши мумкин.

Ташхиснинг айнан ушбу усулини танлашимизнинг боиси – унда боланинг ақлий ривожланишининг барча шакллари қамраб олинади: Билиш жараёни (солиштириш кўникмаси, умумлаштириш, таҳлил қилиш, мустақил хулосалар чиқариш ва бошқ..),

образли фикрлаш, боланинг мантикий имкониятлари унинг қанчалик ақлий ривожланганлигига холис баҳо беради. «График диктант» боланинг ўқув топшириқни қандай қабул қилишини, ўқув ҳаракатларини қандай бажара олишини аниқлаштиради.

**3.Таълим олиш фаолиятининг кўникма ва илк заминини аниқлаш ташхиси:** Боланинг ўқув фаолиятига илк замин ва кўникмаларни эгаллаганлиги ва даражасини аниқлаш учун Ж.Саидназарова томонидан тайёрланган саволлар жамланмаси тавсия этилади.

### **I. Боланинг мактаб ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш учун саволнома (мотивацион тайёргарлик).**

*Мақсад:* Ушбу саволнома шахсининг белгиси сифатида унда масъулият ҳисси қанчалик шаклланганлиги даражасини, боланинг мактаб вазифасини қанчалик тушуниб етганлигини ва унинг мактабга муносабатини аниқлайди.

1. Сен мактаб-мактаб ўйнашни яхши кўрасанми? (боланинг мактабга муносабати ва унда ўқишга хоҳиши).
2. Бу ўйинда сен ким бўлишни хоҳлайсан: ўқитувчими, ўқувчи? (савол билим манбаи сифатида ўқитувчи бўлиш истаги сабабини ва билим олишга интилиш сифатида ўқувчи бўлиш истаги сабабини аниқлайди).
3. Ўқиш –бу қийинми ёки осон? Нима учун? (савол болалардаги таълим олиш жараёни-бу кўп меҳнат қилиши лозим бўлган жараён деган тушунчага ойдинлик киритади).
4. Катта бўлганингда, сен ўқитувчи бўлишни хоҳлайсанми? (ўқитувчи бўлиш ёки бўлмаслик хоҳишининг асосли тушуниб етилиши, ўқитувчи касбига унинг муносабати).
5. Сен мактабга бора бошлансин, попқангга нималарни жойлаб борасан? (санаб ўтган нарсалардан унинг билими ва мактабда нималар билан шуғулланиши ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш мумкин).
6. Мактабингга сен сеvimли ўйинчоғингни олиб борасанми? Уни қачон ўйнайсан? (савол болаларнинг мактаб тартиб тизими мактабда танаффуслар бўлиши ҳақидаги тасаввурларини аниқлайди).
7. Нега айрим болалар мактабда ёмон ўқишади? (болаларда масъулият ҳиссининг шаклланганлиши, иродавий тайёргарлиги даражасини ойдинлаштиради).
8. Мактабда ўқиш болалар учун нега керак? (савол боланинг билим олишга бўлган интилишини аниқлайди).
9. Агар сенга ўқитувчинг «2» қўйса, сен хафа бўласанми? Нега? (салбий баҳога бола муносабатининг асоси).
10. Мактабда сен қандай баҳолар олишга ҳаракат қиласан? Бунинг учун нима қилиш керак? (боланинг ижобий ва салбий баҳолар ҳақида билиши).

### **I. Математика бўйича илк тасаввурларини аниқлаш учун саволнома.**

*Мақсад:* Бола тафаккури ривожланганлиги даражасини, машғулотларда олган билимларини амалиётда қўллаш олишни аниқлайди.

1. Қара, атрофимиздаги квадрат шаклидаги ва тўғри бурчак шаклидаги нарсаларни айт?
2. Квадрат тўғри тўртбурчакдан нимаси билан фарқ қилади?
3. Квадратни тенг иккига бўл, ундан иккита тўғри бурчак ҳосил бўлсин.
4. Тўғри бурчакни бўл, ундан иккита квадрат ҳосил бўлсин.
5. Квадрат айланадан нимаси билан фарқ қилади?
6. Чап кулоғингни ўнг кўлинг билан кўрсат.
7. Менинг чап кўлимни кўрсат.
8. Шкаф қаерда (чапда, ўнгда) турибди?
9. 8 сонидан кейин қандай сон келади?
10. 5 сони каттами 6 сони? Неча марта катта?
11. Икки сони кичикми 3? Неча марта?
12. 10ва 2 сонлари иштирокида айириш амалини бажариш учун топшириқ учун топшириқ шартини тўз.
13. Темур стакандаги сутнинг ярмини ичди, Барчиной тўлиқ. Ким кўп ичди?
14. Қандай қилиб 5 ни ҳар хил қилиб ҳосил қилиш мумкин?



15. Баланд ва паст дарахтни чиз.
16. Хонамиз энини қадаминг билан ўлча.

### **Ш. Бола нутқи ривожланганлигини аниқлаш (саводхонликка ўргатиш).**

*Мақсад:* Болаларнинг товушлар, сўзлар ва сўз бирикмалари ҳақидаги билим ва тасаввурларини, уларнинг сўзларни бўғинларга ажаратиш ҳамда берилган сўзлардан гап тўзишни билишини аниқлаш.

1. «Чиройли стол» сўзи иштирокида гап тўзиш.
2. «Ручка» чиқиб сўзи билан сўз бирикмаси ўйла.
3. Копток ҳақида имкон қадар кўп сўз айт.
4. «Болалар мактабга келишди. Улар синфда ўтиришибди. Дарс бошланди. Бир ўқувчини доскага чақиришди». Бу хикояда нечта гап бор.(Ҳар бир гапни учбурчак билан белгиланг. Қанча учбурчак бўлса, демак шунча гап бўлади.)
5. «Машина», «ошхона» сўзларини бўғинлаб айт.
6. «Баҳор келди» сўз бирикмасидан гап тўз.
7. Сўз нимадан ташкил топган?
8. Гап нимадан ташкил топган?
9. Хонадаги «О» товуши бор нарсаларни айт (бошқа товушларни ҳам айтиш мумкин).

### **Саволларга жавобларни баҳолаш мезонлари (Ж.Саидназарова).**

1. Агар бола саволларга тўлиқ жавоб берса-бу 100 % ҳисобланиб, + белги билан белгилаб қўйилади.
2. Агар бола саволларининг ярмига жавоб берса- бу 50% ҳисобланиб Х белгиси билан қайд этилади.
3. Агар бола саволларнинг ярмидан озроғига жавоб берса-бу 25 % ҳисобланиб / белгиси билан қайд этилади.
4. Агар бола ҳар бир тестнинг 2-3 саволига жавоб берган бўлса бу кўрсаткич меъёрдан паст ҳисобланиб, - белгиси билан қайд этилади.

Болада ўқув фаолиятига тайёргарликнинг илк замини шаклланганлигини (умумлаштириш, уйғунлаштириш, солиштириш, ажратиш, хулоса чиқариш ва бошқа билиш) аниқлаш учун юқорида кўрсатилган ташхислашнинг асосий шаклларидаги топшириқлар кўзда тутилган эди.

Ўтказилган ташхислаш суҳбати, Керн Ирасек методи бўйича тўрт топширик, шунингдек А.А.Венгер методикаси бўйича «График диктант» ва Ж.Саидназарованинг ўқув фаолияти кўникмаларини шакллантириш бўйича саволлар жамламаси натижаларининг мактаб тайёргарлигининг солиштирилиши ва таҳлили боланинг шахсий-рухий, ақлий ва маҳсус тайёргарлик даражаларини ҳолис белгилаш имконини беради, ривожланишдаги қусурларни аниқлайди, бола шахси ривожининг турли томонларини (қобилият, иқтидори ёки қолоқлиги) текшириш (зарур бўлганда) йўллари кўрсатиб беради.

#### **4.Ташхислашнинг қўшимча шакллари.**

##### **1.Кўриб, ёдда сақлаш.**

Болагабир минут давомида 7-10 та бир-бирига боғлиқ бўлмаган нарсаларнинг, масалан, копток, дарахт, автобус, туя, олма, қулқоп, китоб, пиёла, зонтик, капалак расми кўрсатилади. Сўнгра улар тескари ағдарилиб қўйилади, боладан кўрган нарсаларни айтиб бериш сўралади.

Агар бола бир минут давомида хоҳлаган тартибида кўрган нарсаларидан 5, 7 ёки 10 тасини айтса, демак бу энг яхши натижа.

##### **2. Эшитиб ёдда сақлаш.**

Болага 2-3 секунд оралатиб 7-10 та, бир-бирига боғлиқ бўлмаган нарсалар номини айтиш ва ундан эслаб қолганларини такрорлашни сўранг. Услугияти худди кўриб, ёдда сақлашнинг текширувидадигдек бўлади.

##### **3. Мазмунини ёдда сақлаш.**

Болага маълум бир мазмундаги хикоя (1-2 марта) айтиб ёки ўқиб берилади. Сўнгра боладан унда нима ҳақида гапирилаётганлигини айтиб бериш сўралади. Агар бола хикояни сўзма-сўз айтса, демак унда эшитиб ёдда сақлаш ривожланган, агар у хикояни ўз сўзлари билан айтиб, шу ўринда хикоядаги асосий нарсани ажратса, унинг мазмунини етказа билса, демак унда мазмунини ёдда сақлаш ривожланган.

#### **4. Боланинг тасавури ва ижодий фикрлаши ривожланганлигини аниқлашда Роршах методикаси бўйича ташхислаш ёрдам беради.**

Бу методикани швецариялик олим, доктор Роршах ишлаб чиққанлиги учун унинг номи билан аталган. Болага қоғозга симметрик тарзда 10 та сиёҳ чапланмаси (томчиси) хавола этилади. Текширувдан ўтаётган бола ҳар бир доғга қараб, худди мусаффа ёз осмонида сўзиб юрган булутларнинг гоҳо кемага, гоҳо учиб бораётган чавандозга ўхшаб кетишидек, уларнинг нимани эслатаётганлигини, уларни нимани кўраётганлигини айтиб бериш керак. Бола қараётганда вақтни чеклаш тавсия этилмайди. Жавобларни изохлаш, аниқлаш жуда мураккаб ва мутахассис-психологлар томонидан тўлиқ амалга оширилган бўлиши мумкин. Бироқ нафақат мутахассислар, балки ота-оналар ҳам боласида кўп нарсани кўриши ва билиши мумкин.

Мана бир неча мисоллар:

- агар 6-7 ёшли бола ўзиги таклиф этилган сиёҳ чапланмасидан бирон марта ҳам одамга ўхшаган шаклни учратмаган бўлса, Роршах тести асосида бу болада ривожланиш тўхтаб, унинг ён атрофдаги кишилар билан муносабати жуда-жуда оғир юзага келган, деб хулоса чиқариш мумкин эмасми?
- агар шу ёшдаги бола айнан ўша доғларда турли хил тўзилмаларни кўрса демак, у ўзида ҳамсиёт шаклининг, кенг қулами ўйлашнинг ривожланганлигини намоён этиб, рангларни қизиқарли қилиб изоҳлайди, талқин этади. Унинг жавобларида одатийлик билан ўзига хослик ўртасида муносабат меъёрда. Бу ҳол бола жуда ақилли, руҳий вазмин, ўз салоҳиятидан енгил ва эркин фойдалана билади, деган хулова чиқариш нахотки ҳақиқий бўлмаса.
- агар бола доғларда ҳеч нарса кўра олмаса, демак, гап унинг фикрлаши, асосан тасавури паст даражадалигига бориб тақалади.

**5. Бўлажак биринчи синф ўқувчиларининг оғзаки- мантикий фикрлашини текшириб кўришни қуйидаги топшириқлар ёрдамида ўтказиш мумкин:**

Бунинг учун:

#### **Қандай сўз тўғри келади?**

-қиш ойи... (сентябр, октябр, февраль, ноябр, март);

- бир йилда ... (24 ой, 3, 12, 4, 7);

-ота ўз ўғлидан... (катта, кичик, тенг);

-йўловчилар транспорти... (комбайн, юк машинаси, автобус, тепловоз).

#### **Ортиқча сўзни айтинг:**

-атиргул, лола, шаҳар, бойчечак, райхон;

-дарё, кўл, кўприк, ҳовўз;

-кўғирчоқ, сақрагич, қум, копток, лево;

-стол, гилам, кресло, кроват, стул;

-терақ, қайин, арғувон дарахти, атиргул тоғ тераги;

-товуқ, хўроз, бургут, курка;

-айлана, учбурчак, тўртбурчак, кўрсаткич, квадрат;

-Санжар, Искандар, Ҳусан, Мавлуда, Бурхонов;

-сон, бўлинма, кўшилма, айириш, кўпайтириш;

-кувнок, тез, ғамгин, ширин, эҳтиёткор.

Тўғри айт (оғзаки-мантикий фикрлаш даражаси бир-бирига ўхшаш нарсаларни чиқара билиш).

Масалан, «чиннигул» сўзига худди «бодиринг»га «сабзовот» қандай тўи келганидек мос сўз топишини танлаб олиш керак.

**1. Бодринг (сабзавот) - Чиннигул (бегона ўт, шудринг, бо)**

**2. Полиз (сабзи) – Боғ (девор, кўзикорин, олма, қудўк, ўтиргич).**

**3. Соат (вақт) – Градусник (ойна, катта, кроват, ҳарорат, шифокор).**

**4. Машина (мотор) – Қайиқ (денгиз, маёқ, елканли кема, тўлқин, қуруқлик)**

**5. Стол (котиба) – Пол (дарё, гилам, чанг, тахталар, мих).**

Уларни умумлаштириб қандай сўз билан айтиш мумкин?

-ола буғи, товон балиқ...;


-бодринг, помидор...;

-шкаф, диван...;

-июн, июл...;


-фил, чумоли...;

6. Кўрсат, расмда қаерда айлана квадрат остида, квадрат айлана устида, айлана квадрат устида, квадрат айлана остида, айлана квадрат устида ва айлана квадратнинг чап томонида, айлана ва квадрат ичида ва бошқа.



7. Мантиқий фикрлаш:


Бола олдида уч қатор, ҳар бирида тўрттадан карточкалар қўйилади-нукталар, қорчалар ва таёқчалар. Биринчи қаторда нуктачалар, иккинчисида қорчалар, учинчисида таёқчалар чизилган.



Биринчи ва иккинчи қатордаги карточкаларни кўздан кечириб туриб катталар болалар билан уларнинг 1 дан 4 гача ошиб бориш тартибида қўйилганлигига ишонч ҳосил қилади.

Топширик: Таёқчалар чизилган учинчи қатордаги карточкаларни ҳам 1- ва 2- қатордаги каби жойлаштириб чиқинг.

8. Ҳар бир квадратга керакли сонни ёз.



$3 + \quad = 8$        $4 + \quad = 8$        $7 - \quad = 4$


9. Икки қўшилувчи сондан айлана ва учбурчак ёрдамида 5 сони таркибини биринчи қаторда кўрсатилганидек тасвирланг.

$$5 = 4 + 1$$

$$5 = 3 + 2$$


$$5 = 2 + 3$$

$$5 = 1 + 4$$




10. «Катта» (>) ва «Кичик» (<) белгиларини тўғри қўй.

11. Сабзиларни сана. Қуёнчаларнинг қайси бири тўғри жавобни ташлаб турибди. Х билан белгила.



12. 3-ва 5-квadrat оралигидаги квадрат ичида нечта айлана бор? X билан белгиланг.



13. Бешинчи ўриндаги нарсани айлана ичига ол.



14. Бир хил миқорда олмалар бўлган товоқларни бир-бири билан боғла.



15. Топширикни ечинг.


Лобарда учта шар бор эди. Битгаси ёрилди. Қанча шар колди? Чиз.




16. Куёнчаларнинг қўли нечта? Топширикни еч.




17. Учта сичқоннинг нечта қулоғи бор? Топширикнинг ечимини ёзамиз.



18. Етишмаётган шакл (чиз).



19. Сонни квадрат билан (қайси бирида шунча нарсанинг расми бўлса) бирлаштир.



20. Учбурчакка қуйида чизилган нарсалардан битта кам бўлган миқдорда айланалар чиз.



21. Гултуваклардан олтита гули борини айланага ол.



22. Болалардаги тасвирлаш фаолияти бўйича билим, кўникма ва малакасини текшириш учун топширик.

-Айтингчи, қанча рангни биласан (20 та ранг ва тўз).

-Болаларнинг совуқ ва илиқ ранглари, кўз, баҳор, ёз ва қишнинг ўзига хос ранглари биладиган, аниқ ажратадиганларини аниқлаш.

-Тўқ қизил, жигаранг, яшил ва кўм-кўк рангли суратларни топинг.

-Қалам, бўёқ (акварель, гуаш), фломастер, бармоқ, кафтта чапланиб чизилган суратларни кўрсатинг.

-Расмларни (расм аралашиб ётибди) қуйидаги тартибда жойлаштир: портрет, пейзаж, натюрморт.

-Фотосуратлардан кичик шаклдаги хайкалчаларни, (лойдан ясалган ўйинчоқлар) монументаль хайкал (ёдгорлик) қаердалигини кўрсат.

-Шаҳримиздаги ёки қишлоғимиздаги майдон ва ёдгорликларни айтиб бер.

-Қайси рассом ва безакчи рассомларни биласан (Тансиқбоев, Камолитдин Бехзод, Абдуллаев, М.Набиев, Репин, Айвазов.)

-Одамни, ҳайвонни ҳаракатда ва ер усти ҳамда ер ости, ҳаво, сув, космик транспорт расмини чиз.

-Бутун бўлақдан кучукча яса.

-Қоғоздан дўши, кема, стакан қабиларни яса.

-Папье-маше (қоғоздан бирон-бир буюм яшаш пиёла, лаган ва х.) усули билан қандай қилиб пиёла яшашни айтиб бер.



-Тўғри бурчак ва кавдратдан қайчи ёрдамида бошқа геометрик шакллар қилинг (квадрат-айлана, тўртбурчак-овал.).

-Фотосурат ёки чизмалардан метро-эртақлар саройини кур.

-Гугурт қутисидан клей ёрдамида машина, уй яса.

**23. Одам расмини чиз.**

Кекса кишини



Болани ўғил ёки қиз бола.



**24. Одам расмини чиз.**

У чопяпти



У ўтирибди.



**25. Мажнунтол, терак ва арча расмини чиз.**



**26. Рангларни бўяб чиқ, қандай ранг пайдо бўлди?**

Сарик + кўк =

Қизил + кўк =

Сарик + қизил =

Қизил + оқ =

**27. Чиз**


Натюрморт

Портрет

Пейзаж.



**28. Сана, нечта квадрат (4). Сана нечта тўртбурчак (3)**



**29. Сана қанча учбурчак (5). Айлана қанча (5)**



**30. Тасвирлаш фаолиятида ўзини намоён этиш ва унга муносабати.**

Болалар расмига қараймиз... Айримлар ўйлайдики, булар ҳеч нарсани англамайди, шунчаки чизилган биринчи маҳсулот фаолияти. Бироқ бу фаолият бошқалардан кўра кўпроқ болани намоён қилади, унинг атроф-оламга муносабатининг кўплаб жиҳатларининг очиб беради. Мисолларда қараб кўрамиз:

1. Олти ёшли болага «Менинг оилам» мавзусида расм чизишни таклиф қилинг:

- Жон-жон деб ишга киришди-у ўзи яшайдиган уйини севади;
- Оиласини чизишдан бош тортди-бу нохуш хотиралар билан боғлиқ;
- Қимни биринчи бўлиб чизса-бола учун азиз инсон;
- Ўзини йирик қилиб чизса уйда унга кўпроқ ахамият беришади, катталар диққат марказида;
- Акси бўлса-оиладаги ахамиятсизлигининг кўрсатади;
- Катта она ва кичик ота-оилада рухий мувофиқлик бўзилган. Она ахамиятли;
- Барча фигуралар жуда кичик бўлса- бола зиклик, эзилганлик, ташвишлилик ҳолатлари мавжуд;
- Жинсий алоҳидалик ҳисобга олинмай чизилса-жинсий тарбиянинг тўхтаб қолганлиги;
- Оёғи катта бўлса- оилада жойи борлиги белгиси, оёғи кичик бўлса-оилада тутумнинг

ноқатъийлигидан дарак;

-Бошига чизикчалар тортилган, гўёки бизга орқасини ўгириб тургандек бўлса-ўзига кетди;

-Ёпиқ юз-бола оилада бўлишни хохламайди;

-оғзи лаби катта ва ёрқин бўлса-сержахиллилик белгиси;

-Қиз бола ўзини киприкларигача чизса-уни бировга ёқиш ёқади, катта эхтироз кучи бор;

-Тўхтаб-тўхтаб чизилганда ёки чизган тасвирини образини устидан чизиб ташласа-бу киши олдида кўркув хиссини тутаётганлиги;

-Барча оила аъзолари алохида бўлакларда чизилса-оилада дўстлик йўқ, кўпчилик бегоналашиб кетган;

-Телевизор ва гиламлар ҳам чизилган бўлса-уларга бола хайрихоҳ.

-Ёритқич ускуналарини, куёшни чизса-оилада иссиқлик йўқлигини бошидан кечиряпти;

-Оила ўрнига оддий уйни чизса-уни зўрлаш манбаи сифатида қараб, боргиси келмаётганлигидан дарак;

-Расмда кўғирчоқ ёки кучукчанинг расми бўлса-оилада илиқлик етишмайди. Бола ҳайвонлар ва ўйинчоқлар билан муомала қилишга интилади;

-Кўпгина майда нарсалар-яқинлар билан муносабат етарли эмас;

-Кўп қора чизиклар-ташвишланишни бошдан кечирмоқда;

-Рангли қаламларни ишлатишдан бош тортса-ташвишли ва ўзини паст баҳолайди;

-Бола ўзини ўртага чизса-демак ўзини энг ахамиятли, агар қоғоз пастига чизса-энг қарам деб ҳисоблайди.

### **III. БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ИШИНИНГ АХАМИЯТИ.**

Хар бир ота-она фарзандининг хаётда ўз ўрнини топишини хохлайди.

Лекин ҳамма ота-оналар ҳам болани мактабга қандай тайёрлаш, унга нималарни ўргатиш кераклигини билавермайди. Болани мактабга тайёрлашнинг қуйидаги икки усули мавжуд:

- болани оилада мактабга тайёрлаш;
- Болани мактабгача таълим муассасасида мактабга тайёрлаш.

Бундан ташқари боланинг мактабга мослашишида баъзи қийинчиликларга дуч келинади, бу қийинчиликлар тиббий, шахсий, ижтимоий-психологик, аклий омилларга боғлиқ. Улар ўқув фаолияти жараёнида бартараф этиб борилади.

5-7 ёшли бола организмининг фаол етишиш жараёни давом этади. Боланинг вазни ойига уртача 200 гр, буйи 0 0,5 см га уса боради. Тана (гавда) тўзилишининг имкониятлари ўзгаради.

6 ёшга келиб боланинг ҳаракат жиҳатлари етарлича яхши шаклланган булади: у турли тезликларда юра олади, кадам босиши, текис, енгил ва тез югуради. У югуриб келиб сакраш, осилиб (чирмашиб) чиқиш каби мураккаб ҳаракатларни ўзлаштирган булади. Унинг мусика машғулотидаги ҳаракатлари хилма-хил, ритмик ва эгилувчан булади. У уйин ва машқларда чакконлик, абжирлик, тезкорлик, мерганлик каби сифатларни яхшироқ намоён эта бошлайди. Лекин шулар билан бирга уларнинг асаб тизимини мустаҳкамлаш, асосий жисмоний сифатлари булмиш чакконлик, чидамлилик, тезкорлик, кучлилик, эпчиллик кабиларни янада ривожлантириш лозим булади. Боланинг нафакат ўқув дастурларини ўзлаштиришида, балки хар қандай ишда муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган жисмоний сифатлардан бири чидамлиликдир.

Болани мактабга тайёрлашда навбатдаги муҳим иш уни шифохонада шифокор текширувидан ўтказишдир. Боланинг соғлиги ва жисмоний ривожланиши хақидаги маълумотлар мактаб учун зарур. Мактаб шифокори ва педагог боланинг жисмоний ривожланиши, қуриш ва эшитиш даражасини ҳисобга олиб, уни ўқишнинг дастлабки кунларидаёқ партага тўғри ўтказишда, унга тегишли жисмоний тарбия машғулотида тавсия этишда, шунингдек, боланинг хулқ-атворини, ахлоқини билиб олиб, хар қайсисига хос муомала топишда шу маълумотлардан фойдаланади. Бола

кандай юкумли касалликлар билан огриганлиги, у кандай эм-дорилар кабул килганлиги ва касалликлар олдини олиш учун нималар килиш кераклигини мактаб шифокори билиши лозим.

Хар йили 1 январдан бошлаб, шифохонанинг патронаж хамшираси шу йили мактабга бориши керак бўлган болаларнинг уйларига бориб, ота-оналарга болаларини ўзлари билан бирга олиб бориб, участка болалар шифокорига курсатишлари лозимлигини айтади. Ота-оналар хамширанинг таклифига жиддий караб, пайсалга солмай поликлиникага борилари керак.

Поликлиникада мутахассис шифокорлар боланинг кўзи, кўлоги, бўрни, томогини текширадилар, тишини даволайдилар. Нуткида нуксони бўлган (айрим харфларни нотўғри талаффўз этадиган, нутки ноаник, дудукланадиган ва хакозо) бола шифокор-логопедга юборилади.

Бундай атрофлича текширишлар натижасида шифокор ота-оналар кўлига боланинг шифохонадаги шифокорлар куригидан утганлиги хакида Маълумотнома беради. Мактаб шифокорнинг сурови билан шифохона боланинг шахсий амбулатория карточкасини мактабга юборади.

Болаларини биринчи синфга берадиган ота-оналар бажарадиган тайёрлов ишлари мана шулардан иборат.

Мана шуларни хисобга олган холда болани уйда кандай килиб соғломлаштириш кераклиги хакида тухталиб утамиз. Шунинг учун хам замонавий соғломлаштириш тадбирларини санаб утамиз:

1. Аввал кировли, сунг корли ерда яланг оёк юриш;
2. Очик хавода бадандан сув куйиш;
3. Саунадан фойдаланиш;
4. Контрастли душ;
5. Юриш учун мўзлатилган сочикдан фойдаланиш;
6. Релаксация ва медитация ўтказиш;
7. Болага индивидуал ёндошиш, магнит тулкилар даврида энгиллатилган режим билан таъминлаш;

Биз боланинг соғломлашишини куйидаги вазифаларнинг амалга оширилишидан кураимиз. Болалардаги шамоллаш касаллиги асосан боланинг кийими ва пойафзали харорат режимига тўғри келмаслигидан келиб чиқади. Демак, хароратни ва кийимни доимо таккослаб, кичкинтойлар бадани хароратнинг кутарилиши ёки пасайишига йул куймаслик керак. Шунингдек, болаларнинг ухлаши ва овкатланиши учун шароитлар яратиш хам мухим.

Болалар соглиги учун у яшаётган шарт-шароитлар, мухитни шакллантириш учун зарур бўлган асосий шартлар хисобланган мусика ва хид терапияси жудаям мухим.

Боланинг эшитиш қобиляти, куриши, ичак, жигар фолляти, жинсий ривожланиши кандай ахволда эканлиги ва хокозо. Факат диагностик маълумотларгина оилада болага аниқ индивидуал ёндошишни таъминлайди.

**Режим** – хамиша болаларнинг тулик физиологик ривожланишининг негизи бўлган ва бўлиб қолади.

**Сайрлар** – физиологлар ва психологларнинг илмий далилларига кура, мактабгача ёшдаги бола бир кунда 6-13 минг харакат бажарар экан, жумладан, 6 мингдан кам булса болаларда кўлайликнинг бўзилиши (дискамфорт) бошланиши алохида таъкидланади.

Бола биринчи синфга ўқишга борар экан, унинг мактаб таълимига жисмонан тайёр холда булиши мухим ахамиятга эга. Боланинг ўзига нисбатан жисмонан бакуват, кучли болалар орасига тушиб қолиши унда турли холатларнинг шаклланишига асос булиши мумкин.

Тиббий, психологик – педагогик кўзатув дафтари мактабгача таълим муассасасининг хар бир тарбияланувчиси учун алохида юритилади. Унда шу тарбияланувчи билан йил давомида утказилган тиббий курик, психологик-педагогик ташхис хулосалари хамда унинг мактабгача таълим Давлат талаблари асосида ўзлаштирган билим, кўникма, малакаларининг курсаткичлари ўзлуксиз кайд этиб борилади.

- Мактабга тайёрлов даври (6-7 ёшгача).
- Ривожланиш курсаткичлари: \_\_\_\_\_

- Антропометрик маълумотлар:
- буйи \_\_\_\_\_ вазни \_\_\_\_\_
- Саломатлиги: \_\_\_\_\_
- Психоневролог: \_\_\_\_\_
- Отолоринголог: \_\_\_\_\_
- Офтальмолог: \_\_\_\_\_
- Уйқунинг кечиши: \_\_\_\_\_
- Иштахаси: \_\_\_\_\_
- Асаб тизимининг хусусияти: \_\_\_\_\_
- Нутк ва нуткий малакалари: \_\_\_\_\_
- Товушнинг талаффўзи: \_\_\_\_\_
- Сўз бойлиги: \_\_\_\_\_
- Нутки ифодали: \_\_\_\_\_
- Нутки равон: \_\_\_\_\_
- Гаплар тугалланган мантикий: \_\_\_\_\_
- Киска хикоя сўзлаб бера олади: \_\_\_\_\_
- Жисмоний ривожланиши: \_\_\_\_\_
- Харакат: \_\_\_\_\_
- Майда қўллар моторикаси: \_\_\_\_\_
- Маънавий ахлокий етуклик: \_\_\_\_\_
- Маънавий кўникма: \_\_\_\_\_
- Маданий гигиеник кўникма: \_\_\_\_\_

Хар қандай мактаб ёшига етган (6-7 ёш) бола, аввало тиббий куриқдан утиши лозим. Тиббий куриқ орқали болани мактабга ақлан, жисмонан, маънан соғлом ёки соғлом эмаслигини аниқлаш орқали уни мактабга чиқишини ёки чикмаслигини аниқлаш мумкин.

### **III. III. БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДА АҚЛИЙ ТАЙЁРГАРЛИК.**

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсад ва вазифалари болаларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожлантириш, уларнинг руҳият, шахсий қобилиятлари, интилиш ва эҳтиёжларини қондириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга, мустикаллик гоъларига содиқ ҳолда вояга етиб боришни таъминлаш, уларни мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қуйилган давлат талабларига мувофиқ мактаб таълимига тайёрлашдан иборат. Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш жараёни олдига қуйилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига эришиш «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури асосида амалга оширилади.

Хар бир оила барқамол авлодни тарбиялаш учун қайғуриши лозим. Шу боис «Таълим тўғри сида»ги қонун ҳамда «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»да мамалқатнинг ижтимоий-иқтисодий тараккиётини таъминлашнинг асосий омили бўлган қадрларни тайёрлаш борасидаги энг зарур тадбирлар тизими белгилаб берилди. Соғлом авлодни тарбиялаш давлат ва жамиятнинг устувор йуналишидир.

Хеч қимга сир эмаски, республикада болаларни мактабгача таълим-тарбия муассасаларига жалб қилиш 17 фоизни ташқил қилади. Бундай шароитда мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган 83 фоиз бола билан юқорида қурсатилган 17 фоиз боланинг ривожланиш даражаси уртасида номутаносиблик вужудга келмоқда. Бундай номутаносиблик, болалар мактаб оstonасига қадам қуйган қундан бошлаб уларнинг ривожланиш даражасига салбий таъсир қурсатади. Сунги йилларда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, таълим тарбия мазмуни, шакли, восита ва методларини енгилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат ва жамият мактабгача ёшда бўлган болаларни ягона талаб асосида ривожлантириш вазифасини қуйди. Шунга қура Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қуйиладиган давлат талабларига таянган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларга интеграл тарзда таълим-тарбия бериш мақсадида таянч дастурлари тақдим этилмоқда. Бу таянч дастурлари бугунги қунда мактабгача таълим-тарбия муассасаларига жалб этилмаган 3 миллиондан ортиқ болани ҳам ривожлантириш ва ягона давлат талаблари асосида мактабга тайёрлаш имконини беради. Таълим-тарбия жараёни якунида мустикал фикрлайдиган,

эркин, билимли, бир сўз билан айтганда баркамол шахсни вояга етказиш асосий мақсад килиб белгиланди. Бу ўзлуксиз таълим тизимининг илк тури – мактабгача таълимга ўзига хос ёндошувни талаб этар эди.

Бола дунёга келган кундан бошлаб, давлат ва жамият ҳамда ота-она зиммасига уни соғлом, ақлли, хуш хулкли килиб тарбиялаш вазифаси куйилди.

Болаларда ақлий фаолиятни дастлаб муомила оркали, сунг машғулотлар, уйинлар, билим бериш оркали амалга оширилди. Бола хар доим буюмлар, ходисалар орасида булади. Доимо бирор нарса билан танишади, ниманидир билиб олади, ушлаб куради, нимагадир кўлок солади, шу тарзда бола дунёни англайди. Теварак-атроф буюм ва нарсалар болаларининг сезги органларига, анализаторларга таъсир этади ва сезги хосил булади. Сезги болаларда айрим хоссаларни билиб олишга ёрдам беради. Болада ақлий малака ва кўникмаларни ривожлантириш, энг оддий фаолият усуллари предметларини текшириш, улардаги мухим ва мухим булмаган белгиларни ажратиб курсатиш бошка предметлар билан такоошлаш мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ақлий тарбия бериш вазифаларидан биридир.

Бу кўникма, малакалар билиш фаолиятининг таркибий қисмларга бўлиб, бола билимларни чуқур эгаллаб олишга ёрдам беради.

Педагогика, психология фани ақлий тарбия вазифаларини самарали хал этиш *биринчи* навбатда боланинг имкониятларини тўғри фойдаланишни, *иккинчи* томондан бола организмнинг чарчашига сабаб буладиган ортикча нагрўзка булмаслиги керак деган фикрни илгари суради. Тўғри ташкил этилган фаолият жараёнидагина тула конли ақлий ривожланиш руй беради. Шу сабабли педагогларнинг вазифаси муаян мақсадни кўзлаб, тарбиявий таъсир курсатиш учун керакли шароитни яратиш болаларда ақлий фаолиятни дастлаб муомала оркали сунг машғулотлар, билим бериш оркали амалга оширилади. Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ақлий тарбиянинг роли каттадир. Болани билимларини эгаллаб оолишлари, уларни ақлий фаоллигини ривожлантириш, ақлий малака ва кўникмаларини эгаллаб олишлари, уларнинг мактабда муваффақиятли ўқишлари учун, булажак меҳнат фаолиятига тайёрланишда манба бўлиб, хизмат килади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ақлий тарбиялашнинг асосий вазифалари куйидагилар:

1. Болаларда табиат ва жамият тўғри сидаги билимлар системасини илмий дунёкарашини шакллантириш. Бола теварак атрофдаги нарсалар, уларнинг вазифаси, сифати, хоссалари хақида, кайси материаллардан фойдаланганлиги, тайёрланганлиги тўғри сида аниқ тасаввурга эга булиши керак.

2. Билишга дорир рухий жараёнларни ривожлантириш: сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутк ва бошкалар. Билимга доир нуткни ривожлантириш ақлий тарбиянинг эркин вазифасидир.

3. Билишга кизикиш ва ақлий қобилиятларни, ақлий меҳнат маданиятини ривожлантириш. Ақлий тарбиянинг вазифаси болалар кизикувчанлигини улар ақлнинг синчиковлигини ривожлантириш ва шулар асосида билишга кизикиш хосил килишдан иборат.

4. Ақлий малака ва кўникмаларни ривожлантириш, яъни оддий фаолият усуллари, предметларни текшириш, улардаги мухим ва мухим булмаган белгиларни ажратиб курсатиш бошка предметлар билан таккослаш мактабгача ёшдаги болаларга ақлий тарбия бериш вазифаларидан биридир.

Усимлик ва хайвонлар билан танишиш буйича системали машғулотлар олиб борилгандан кейин болалар усимлик, ёш хайвонлар тўғри сидаги маълум бир тасаввурга эга буладилар. Сунгра болалардаги ақлий кўникма, малакаларни ривожлантириш мақсадида тарбиячи болалар билан машғулотларни ўтказишни режалаштириш мумкин. Булар куйидагилар: «*Сен таърифла, мен топаман*».

Дидактик вазифа - Катталарнинг саволларига нарсанинг характерли белгисини ажратиб ва номини айтиб жавоб бериш.

Уйин харакати – Катталарга топишмоқни айтиш.

Уйин коидаси – Таърифланаётган нарсани номини айтиш мумкин эмас.

Тарбиячи нинг саволларига аниқ ва тўғри жавоб бериш.

Жихозлаш – Сабзавот ва меваларни стол устига куйилади. Тарбиячи стулини усимликлар курунмайдиган килиб куйилади.

Уйиннинг бориши – Тарбиячи болаларга стол устидаги сабзавотлардан

биттасини танланг. Мен сиздан унинг кандайлигини сурайман. Сиз жавоб берасиз. Факат унинг номини айтманг. Сизларнинг жавобларингиздан мен уни топишга ҳаракат киламан. Кейин тартиб билан тарбиячи савол беради: «Шакли кандай?, Хамма томони шардек думалокми?, Чуқурчаси борми?, Ранги кандай?» ва бошқа.

Болалар саволларга тула жавоб беришади. Болалар нарсанинг характерли белгилари хакида гапириб берганларидан кейин тарбиячи топишмоқни топади.

Машғулотда, уйинда, табиат бурчагида ва майдончадаги меҳнатда, экскурсия ва сайр вақтида тарбиячи болаларга атрофдаги оламнинг турли-туманлигини, чиройини курсатади, усимликнинг турли хусусиятлари, сифатлари билан таништиради, усимлик ва хайвонот олами хакида элементар тушунчани шакллантиради. Тарбиячининг хикоясидан фаолроқ ўзлаштириб олишга болаларнинг жозибали муносабати имкон беради. Машғулотларда, дидактик уйинларда куйилган вазифани хал этишда бола буюм ва ходисаларнинг айрим хусусиятларини ажратишга, солиштиришга, умумий хусусиятларга, белгиларига караб гуруҳларга ажратишга, классификация этишга урганадилар. Болалар фикр юритишга, хулосалар чиқаришга урганади, болалар диккати, хотираси ва ихтиёрий идроки ривожланади. Машғулотни, уйин вазифасини хал этишда бола ўзининг хатти-харакатини тушунтиради. Бу эса нутқининг усишига ердам беради. Машғулотлар, дидактик уйинлар давомида турли мактабгача ёшдаги болалар куп маротаба такрорлаш орқали болалар богчасининг таълим-тарбия дастурига хос билимлар мажмуини ўзлаштирадилар. Табиий материаллар билан уйналадиган уйинларни танлаштиришда тарбиячи уйиннинг мазмуни атроф муҳитдаги табиатдаги ўзгаришларга мослигини унутмаслиги лозим.

Масалан: «Уруг сотиб олиш» уйини баҳорда, «Хосил йигиштириш» эса ёз ёки кўзда утказилиши керак. Тарбиячининг ўзи хам машғулот, уйиннинг турлича вариантларини уйлаши мумкин: уйинга, машғулотга қушимча вазифа, енги рол, болаларнинг атрофдаги табиат хакидаги билимларини бойитишга ва бошқалар. Баъзи бир хил дидактик уйинни турли вариантда, турли ёшдаги болалар учун тавсия этилади. Уйинлар усимликлар, хайвонлар ёки бошқа предметларнинг сони ошиши, турлича коида ва уйин ҳаракатларининг ошиши ҳисобига мураккаблашади. Масалан: пайпаслаб билиш учун сабзи, бодиринг, олма ва бошқалар олиш мумкин, кейинчалик шакли ухшаш бўлган мева ва сабзавотларни киритиш мумкин.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга барг, гуллар билан уйнаш купинча гуруҳ хонасини, овқат столини безаш, гулдаста, барглари катталарга, кичик болаларга совга қилишга хоҳишлари билан богланади. Бундай уйинларни, машғулотларни ўтказишда болаларни усимликларга нисбатан эҳтиёткорлик, гулларни бекордан-бекорга ўзмасликка ургатиш лозим.

Агар бола олма ёки бошқа предметларни шаклига диккатини қаратган булса, унга олмани думалатиб қуриш, коптоқдек силаб қуриш, унинг силликлигини аниқлашни таклиф этиш лозим. Болаларда ранг, шакл, катталиқ тушунчаларини ишлатишга ургатиш лозим.

Хилма-хил табиат ходисаси оламида болаларнинг бевосита Кузатишлари учун энг тушунарлиги усимлик ва уй хайвонларидир. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни усимлик ва хайвонлар билан таништириш жараёнида болаларда табиатга нисбатан муҳаббат тарбияланади, хайвонларни парваришлашга, усимликларни устиришга нисбатан истаклари тарбияланади.

#### **IV. БОБ. БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРГАРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР. IV.1. БОЛАНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДА ОИЛАНИ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ЎРНИ**

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тўғрисидаги Низомга мувофиқ бола мактабгача таълимни уйда ота-оналарнинг мустақил таълим бериши орқали ёки доимий фаолият курсатадиган мактабгача тарбия муассасаларида, шунингдек мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинган болалар учун болалар богчасида, мактабларда, маҳаллаларда ташкил этилган махсус гуруҳлар ёки марказларда олади.

Болани мактабга тайёрлашда оилани ўрни жуда каттадир. Бола тарбиясида

оиланинг барча аъзоларидан нафакат болаларга нисбатан тўғри муносабатни, балки уларнинг тақдири учун юксак маъсулият хиссини ҳам талаб қилувчи кийин ва мураккаб ишдир.

Оила болани мактабга тайёрлашда тарбияни ҳар томонлама, жумладан маънавий, ахлокий, ақлий, эстетик, жисмоний ва меҳнат тарбияларини биргаликда олиб бориш яхши самара беради.

*Маънавий тарбия*ни болага утмишда Ватан равнаки, эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги йулида курашган халқ қахрамонлари ҳақида гапириб бериш, давлатимизнинг рамзий белгилари билан таништириш, мустақиллик, Ватан ҳақидаги шеър ва қушиқларни ёд олдириш, кадрият ва анъаналаримизни ургатиш орқали сингдириш мумкин.

Оилавий тарбия жараёнида шахснинг бир қатор *ахлокий* жиҳатлари шаклланади-ки, бошқа ҳеч қайси тарбия объекти оиладагидек юкори натижа бермайди. Уларга инсонпарварлик, меҳр-мурувват, раҳм-шафқат, ҳамдардлик, муомала маданияти, бурчи ва садокат миннатдорчилик каби инсоний фазилатлар туради.

Келажак авлодга *эстетик тарбия* беришда ҳам оиланинг муҳим ўрни бор. Оила даврасида қушиқлар қўйланиши, бирор эртақ ёки асарни оила даврасида ўқиш, бирга спектакл ва кино қуриш ва таҳлил қилиш, кийиниш маданиятини шакллантириш, уйда гуллар парвариш қилиш, расм солиш ва ҳақозолар болани эстетик тарбиясини шакллантиришдаги жиҳатлардир.

Ота-оналар вояга етатган фарзандларининг *жисмоний* барқамоллигига ута маъсулият билан қарашлари лозим. Масалан: эрталабки бадан тарбия машқларини болалар билан биргаликда бажариш, тўғри ва витаминлаштирилган овқат бериш, дам олишни, уйқуни тўғри ташкил этиш вақтида шифокор назоратидан ўтказишлари зарур.

Бола ҳаётида *меҳнат тарбияси* муҳим саналади. Болаларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда меҳнат қилиш одобини шакллантириш ва қўникмалар ҳосил қилишда, уларнинг қизиқишлари ҳисобга олингандагина эришилади. Ота-оналар болани мактабга тайёрлашда унда меҳнат қўникма ва малакаларини ҳосил қилишга, меҳнатга эҳтиёжни тарбиялашга, бошқаларнинг меҳнатини кадрлашга, меҳнат натижаларини эҳтиёт қилишга ургатишга жиддий эътибор беришлари лозим. Меҳнат болаларда уюшқоқлик, диққат, саранжом-сарийшталикни тарбиялаш, шунингдек мақсадга эришишда сабот ва матонат каби ирода хусусиятларини ривожлантириш воситасидир.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни оилада тарбиялашни, ота-оналар билан ҳамкорликни бундан кейин янада такомиллаштириш йулларини излаб топиш оилавий тарбиянинг ижтимоий тарбия билан алоқасини мустаҳкамлаш мактабгача тарбия муассасалари ходимлари педагогик омиллар, бу соҳада илмий иш олиб боровчи тадқиқотчилар ва услубчиларнинг муҳим вазифасидир.

Болаларни тарбиялаш давлат аҳамиятидаги вазифадир. Унинг тўғри ҳал қилиниши тарбия ишининг қўйилишига комплекс ёндошишга тарбиявий муассасаларнинг, оила ва жамиятчиликнинг тулик ўзаро таъсири ва ҳаракатларнинг бирлигига боғлиқ.

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига утиши ҳамиша унинг ҳаёти, ахлоқи, қизиқиши ва муносабатларида анчайин жиддий ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун болани богчадаёқ ёки уйдаёқ мактаб таълимига тайёрлаш, уни унча кийин булмаган билим, тушунча, қўникма ва малакалар билан таништириш лозим.

Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячилар томонидан утказиладиган машғулотлар жараёнида болаларда мустақил фикрлаш қўникма ва малакалари ҳосил қилинади, тарбиячининг сўзини тинглаш, уртоқлари билан гаплашмаслик, ҳар бир тарбиячи томонидан берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилиш, тарбиячи томонидан айтилган фикрларни такрорлашга ургатиб борилади. Ҳар бир ёш гуруҳларда қанча машғулот ўтказиш болалар богчаси таълим-тарбия дастурида белгилаб қўйилган.

Ҳар бир богчада методик хоналар мавжуд бўлиб, унда болалар богчасида таълим-тарбия дастурининг ҳамма билимлари бўйича методик қўлламалар булади.

Тарбиячи машғулотлар жараёнида янги педагогик технология материалларидан ва тарбиянинг самарали метод ва усулларидан фойдаланади. Болани ёш, рухий-физиологик хусусиятлари инобатга олинса тарбия беришнинг самарадорлиги ошади.

Тарбиячи ҳар бир болани имкониятларини аниқлаб олиши керак, болалар ўзи



яшаётган жамоага муносабатига караб бир неча гурухларга булинади:

1 гурух: Ижобий хулкли болалар бўлиб, улар тез дуслашадилар. Уларни жамоа аъзолари хурмат қилади. Бу тоифадаги болалар жамоанинг фаоллари бўлиб, тарбиячи жамоа муносабатларини урнатишда уларга суянади.

2 Гурух: фаол ташаббусга кушилади, аммо бекарор булади.

3 Гурух: тортинчок бўлиб уйинда катнашмайдилар, машғулотларда сустр буладилар. Бундай болаларга алохида эътибор зарур.

Тарбиячи хар бир гурух болалари билан индивидуал ёндошиб, уларни бир-бири билан ўз аро муносабатга киришиб, дусллашишга ёрдам беради. Болалар богчасининг асосий педагогик вазифаси – болаларни юксак маънавий-ахлокий руҳда тарбиялаш ва уларни мактабда ўқишга хар томонлама тайёрлашда ота-оналарга мунтазам равишда ёрдам курсатишдан иборат:

Мактабгача тарбия муассасаси ходимларининг энг биринчи вазифаси – болалар богчаси тарбияланувчиларининг ота-оналари ва оиласининг бошка аъзолари онгида бола тарбиясида оила биринчи даражали ахамиятга эгалиги ва хар бир оила болаларининг фаоллашувида оилавий ва ижтимоий тарбиянинг бирлигига эришилгандагина кутилган натижага олиб келишига чукур ишонч уйготишдир. Болалар богчаси ота-оналарда педагогик билимлар асосини яратади. Уларда тарбия хақидаги фанга кизикиш уйготади. Ўз билимларини доимо кенгайтириш истагини ва унга интилиш хиссини уйготади.

Кейинчалик эса мактаб педагогик умумтаълимига киришиб кетиш хиссини уйготади. Мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбияни хар томонлама, жумладан маънавий, ахлокий, аклий, эстетик, жисмоний ва меҳнат тарбиялари биргаликда олиб борилиб бола мактабга чиқарилади. Бола богчада олган билимларини мактабда давом эттиришга шундагина кийналмайди. Акл кенг маънода сезиш, идрок этишдан бошланадиган тафаккур ва хаёлни ўз ичига оладиган жараёндир.

Болаларни мактабга тайёрлашда аклий тарбиянинг ўрни катта. Билимлар захирасини кенгайтириш, аклий фаолликни ва мустикалликни ривожлантириш, мактабда яхши ўқиш, кейинги меҳнат фаолиятига тайёрланишнинг мухим шартидир.

Бола 6-7 ёшдан мактабга утиши, уларни мактаб таълимига тайёрлаш учун аклий ривожлантириш етарли булишини таъминлаш тарбиячидан катта масъулиятни талаб этади. Мактабгача таълим ёшида билим тез суръатда ривожланиб боради, бойиб боради. Нутк шаклланади, билиш жараёнлари такомиллашади, бола энг оддий аклий фаолият усулларини эгаллаб боради. Болаларда аклий фаолиятни дастлаб муомала оркали, сунг машғулотлар, билиш бериш оркали амалга оширилади.

Теварак атроф, буюм ва нарсалар боланинг сезги органларига яъни анализаторларига таъсир этади ва сезги хосил булади. Сезги болаларда айрим хоссаларни билиб олишга ёрдам беради. (Иссик-совук, гадир-будур). Сезги атроф-мухитни билишнинг дастлабки босқичи хисобланади.

Болаларни билимларни эгаллаб олишлари уларни аклий фаоллигини ривожлантириш аклий малака ва кўникма эгаллаб олишлари, уларнинг мактабда муваффақиятли ўқишлари учун булажак меҳнат фаолиятига тайёрланишда манба бўлиб хизмат қилади.

Мактабгача ёшдаги болаларни аклий тарбиялашнинг асосий *вазифалари* куйидагилардан иборат:

1. Болаларда табиат ва жамият тўғри сидаги билимлар системасини, илмий дунёкарашни шакллантириш.

2. Билимга доир рухий жараёнларни ривожлантириш: сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутк. Билишга доир рухий жараёнларни ривожлантириш аклий тарбиянинг мухим вазифасидир.

3. Билишга кизикиш ва аклий қобилиятларни аклий меҳнат маданиятини ривожлантириш. Аклий тарбиянинг вазифаси болалар кизикувчиларни, яъни кизикувчанлигини улар аклининг синчковлигини ривожлантириш ва шулар асосида билишга кизикиш хосил қилишдан иборат.

4. Аклий малака ва кўникмаларни ривожлантириш, яъни энг оддий фаолият усуллари предметларни текшириш улардаги мухим ва мухим булмаган белгиларни ажратиш курсатиш бошка предметлар билан таккослаш мактабгача тарбия ёшидаги болаларга аклий тарбия бериш вазифаларидан биридир. Бу кўникма ва малакалар

билиш фаолиятининг таркибий қисмлари бўлиб, боланинг билимларини чуқур эгаллаб олишга ёрдам беради.

Энг муҳими шундаки, болаларга билим берибгина қолмай, уларни олган билимларидан ақлий ва амалий вазифаларни ҳал этишга фойдаланишга ургатиш.

Мактабгача таълим муассасаларининг оила билан ишлаш тизимида аниқ мақсад, мазмун булиши керак. Мактабгача таълим муассасанинг ота-оналар билан ишлашидан жамоа тарзида ва яқкама-яқка ҳолда ишлаш шакллари мохирлик билан қушиб олиб бориш, кенг аҳоли оммаси орасида педагогик ташвиқот ишларини ташкил қилиш туфайли болаларни тарбиялашда ижобий натижаларга эришиш мумкин. Болалар боғчаси ходимларидан ота-оналар ва оила билан ҳамкорликдаги ишларидан энг кенг тарқалган шакл ва усулларини келтирамиз.

- Ота-она ва оила билан яқкама-яқка ишлаш. Бунда оилага тарбиячининг бориши, ота-оналар учун суҳбат ўтказиш, уларга маслаҳат бериш, ота-оналарни боланинг мактабгача таълим муассасадаги ҳаёти билан таништириш қабилар қиради.

- Ота-оналар билан жамоа тарзида ташкил қилинадиган ишлар. Булар ота-оналарнинг гуруҳий ва умумий мажлислари, ота-оналар мактаби, анжуманлар, шанбалиқлар, савол жавоб кечалари.

- Курсатмали ишлар – ишнинг бу тури: курғазмалар уюштириш, болаларнинг ишларини намойиш қилиш, очик эшиқлар қуни, ота-оналар бурчаги, ота-оналар учун кутубхоналар ташкил қилиш.

- Боланинг оиласини бориб қуриш ва оила аъзолари билан яқиндан танишиш.

- Ота-оналар педагогик таълим бериш ва бошқаларни курсатиш мумкин.

Болалар мактаб таълимига тайёргарлигига таъсир этувчи омиллар ҳақида гапирар эканмиз, мактабгача тарбия ёшидаги болаларни оилада тарбиянинг ота-оналар билан ҳамкорликда, бундан кейин янада такомиллаштириш йулларини излаб топилса мақсадга мувофиқ булар эди. Оилавий тарбиянинг ижтимоий тарбия билан алоқасини мустаҳкамлаш мактабгача тарбия муассасаси ходимларининг. педагог олимлар, бу соҳада илмий иш олиб боровчи тадқиқотчи ва методистларнинг ўрни жуда ҳам каттадир.

#### **IV. II. БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДА МАШҒУЛОТНИНГ ЎРНИ.**

Машғулот тарбиячи томонидан болаларга керакли билим ва малалаларни умумий ҳолда хабардор қилиш демақдир. Машғулотлар кун давомида ўтказилиб борилади. Куннинг биринчи қисмига мўлжалланган машғулотлар анча самара беради.

Машғулот жараёнида болаларда мустақил фикрлаш қўникма ва малакалари ҳосил қилинади, тарбиячининг сўзини тинглаш, ўртоқлари билан гаплашмаслик ҳар бир тарбиячи томонидан берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилиш тарбиячи томонидан айтилган фикрларни такрорлашга ўрганиб борилади. Ҳар бир ёш гуруҳларда неча марта машғулот ўтказиш болалар боғчаси таълим-тарбия дастурида белгилаб борилади.

Машғулотнинг турлари ҳақида гапирадиган бўлсак, машғулотнинг турлари қуйидагичадир:

Болаларни билимларини синовчи машғулотлар – ушбу машғулотларни ўтказишдан мақсад, тарбиячи дастурда белгиланган билим ва малакаларини эгаллаш даражасини билиб олади ва кейинги ишлари давомида ишларни инобатга олади.

Комплекс машғулотлар – бу машғулот болалар боғчаси тажрибасида кенг тарқалган бўлиб, бундай машғулотларда болаларга янги билим берилади.

Машғулотни тўзилиши эса:

- болаларни уюштириш
- асосий қисм
- яқуний қисм

Машғулотга тайёрланиш мазмуни ҳам мавжуд бўлиб, ушбу мазмунга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1. Машғулотни режалаштириш.
2. Керакли жиҳозларни олдиндан тайёрлаш.
3. Болаларни машғулотга тайёрлаш.

Болаларни мактабга тайёрлашда тарбиячи машғулотни бир бўлимидан битта

эмас, балки бутун бир машғулотни системасини режалаштириб олиб борилса ижобий натижани кўлга киритлади.

Тарбиячи машғулотлар жараёнида методик кўлланмалардан фойдаланиб машғулот утиши тавсия этилади. Хар бир богчада методик хоналар мавжуддир. Унда болалар богчаси таълим-тарбия дастурининг, ҳамда ҳамма булимлари буйича методик кўлланмалар булади.

Етишмовчиликларни тарбиячи ўзи тайёрлайди ва бу ишга баъзан тайёрлов гуруҳидаги яъни мактабга тайёрлов гуруҳидаги болаларни жалб этади. Тарбиячи машғулот учун керакли машғулотларни машғулотлардан бир кун аввал тайёрлаб қуяди.

Мактабгача таълим муассасанинг *биринчи кичик гуруҳи*да хафтасига 10 та машғулот утказилади. Улар куйидагича таксимланади:

- Атрофдаги воқеалар билан таништириш ва нутқини ривожлантириш,
- Расм чизиш ва лой ёки пластилиндан нарсаси ясаш,
- Курилиш материаллари билан машқлар,
- Мусика машғулотлари,
- Физкультура машғулотлари.

Машғулотлар 10-15 дақиқа давом этади ва улар шанба кунидан Ташкари хар кун эрталаб ва кечкурун ўтказилади. Машғулотлар билан бир каторда сайр вақтида атрофдаги нарсаларни кузатиш, харакатли ва дидактик уйинлар планлаштирилади.

Машғулотларнинг катта қисми ривожланиши бир хил даражада бўлган болаларни бирлаштирувчи кичик гуруҳларда утказилади. Батафсил тушунтириш ва катталарнинг ёрдамини талаб қиладиган янги материалдан фойдаланиладиган машғулотлар (масалан, йигма картиналар ёки янги конструктор, биринчи марта берилладиган машғулотлар) ана шундай утказилади. Харакатларининг навбатига риоя қилинадиган машғулотларда болалар унча қуп булмаслиги керак. Масалан, гимнастика асбоблари билан утказиладиган физкультура машғулотлари, «Лото» типидagi ва нутқни ривожлантириш машғулотлари ана шундай булади, бунда айрим болалар ўз фаолликлари билан бошқаларини четга суриб қўйишлари мумкин.

Аммо хаётнинг учунчи йилида машғулотларнинг айрим турларини бутун гуруҳ билан ўтказиш ҳам мумкин, чунки бола хулқ-атвор қондаларини (бутун эътибор билан тинглаш, жим утириш) эгаллаган булади, ўз харакатларини бошқа болалар билан мувофиқлаштира бошлайди, катталарнинг нутқи унинг харакатини йулга соладиган булади.

Болаларнинг бутун гуруҳ билан айна вақтда мусика машғулотларини, харакатли уйинларни, шунингдек болаларнинг ўзлари асосан томошабин буладиган кургазмали инсценировкаларни ўтказиш мумкин.

Машғулот вақтида тарбиячининг эътиборини хеч ким қалғитмаслиги, хона жимжит булиши, халакит бериши мумкин бўлган ҳамма нарсалар четга олиб қуйилиши керак.

Болаларнинг мустикал фаолияти билан айнакса уйин билан боғлиқ машғулотлар катта самара беради. Масалан: мусика машғулотлари, сенсор ривожланиш машғулотларидан фойдаланиш мумкин.

Хаётнинг учунчи йилида болаларни ургатиш кургазмали тарзда олиб борилади.

Машғулотлар – Мактабгача таълим муассасада уқитишнинг ташкил этиш формасидир. Улар мактабгача тарбия ёшидаги ҳамма болалар учун мажбурий; улар учун дастур мазмуни белгиланган, кундалик режимида доимий вақт ажратилган, уларнинг канча вақт давом этиши тайинланган.

Мактабгача таълим муассасада машғулотлар болаларни мактабга тайёрлашда катта ахамиятга эга. Бу машғулотларда болалар ўқув фаолияти кўникмалари хосил қиладилар, анча интизомли, уюшган бўлиб борадилар. Уларда барқарор диққат, диққатни бир нарсага қарата олиш, иродавий зур берилиш қобилияти ривожланади. Системали ўқиш натижасида билишга қизиқиш пайдо булади.

Болаларни коллективда уқитиш муайян афзалликларга эга: биргаликда ишда улар бир-бирларига актив таъсир этадилар, ташаббус, фахм-фаросат курсатиш имконига эга буладилар.

Болалар олдиларига қупчиликдан қуч-гайрат талаб қиладиган вазифалар қуйилганда биргаликдаги кечинмалар пайдо булади, коллективизм туйғуси вужудга келади. Экскурсиялар, расм чизиш, лой ва пластилиндан буюмлар ясаш, қуриш ясашга

оид ишларни биргаликда бажариш, умумий уйинларда ва мусика машғулотлардаги рақсларда, ҳаракатларни ривожлантириш машғулотларида бирлашиш, бадий адабиётни ўқиш туфайли юзага келган биргаликдаги кечинмалар – буларнинг ҳаммаси иннок болалар коллективини вужудга келтиришда ёрдам беради ҳамда, коллективда яшаш ва ишлаш кўникмаси ҳосил қилади.

Машғулотлардаги уқитиш процессида болаларда мактабга ва ўқишга кизиқиш тарбияланади, тўғри ва хулқ-атвор кўникмалари, маъсулият ҳисси, ишчанлик, ўзини тута билиш, ишда зур бериш одати ҳосил қилинади.

Болаларга керакли билим ва малакаларни машғулот жараёнида, янги педагогик технология материалларидан ва тарбиянинг самарали метод усулларидадан фойдаланилса, болани ёш, рухий физиологик хусусиятлари инobatга олинса, тарбия беришнинг самарадорлиги ошади.

Болалар машғулотларни турли хил қуринишларини эгаллашлари орқали, ёшлари ўсиб бориш давомида, мактабга бўлган кизиқишлари ҳам ўсиб ривожланиб боради. Ва улар мактабни ҳам ҳеч қийналмай ўқиб, давом этириб борадилар.

## **У.БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ – БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛОВЧИ АСОСИЙ МУАССАСА.**

### **У.1. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ТУРЛАРИ.**

Мамлакатимизда ривожланган мактабгача таълим тизими мавжуд. Таълим ислохотлари негизида, ҳусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек, бугунги кунда мактабгача таълим ўзлуксиз таълим тизимининг биринчи тури сифатида шаклланади, у ижодкор, ижтимоий фаол, маъанвий жихатдан бой шахсни шакллантириш ва юқори малакали рақобатбардош кадрни тайёрлаш миллий моделининг энг муҳим таркибий қисмига айланади, билимдон ва эркин фикрловчи шахсни тарбиялашда илк ташкилий-педагогик тадбирлар мажмуини ташкил этади.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар мактабгача таълимнинг устувор йуналишини белгилабгина қолмай, унинг асосий мақсад ва вазифаси 6-7 ёшли болаларни мактабдаги таълимга пухта тайёрлашдан иборат эканлиги эътироф этилди.

Боз устига таълимда Давлат стандартларининг жорий этилиши – болаларнинг богчага қатнаган ёки қатнамаганлигидан қатъи назар, уларни мактаб оstonасига бир хилда тайёргарлик қуриб келишларини қафолатлаш ва таъминлаш зарур эканлигини тақозо этади.

Мактабга қадам қуйган ҳар бир ўқувчидан мактабдаги таълимга бир хилда дастлабки ҳозирлик қуриб, жисмонан ва руҳан ўқишга тайёр бўлишлари, етарли даражада ўқув малака кўникмаларига эга бўлишлари талаб этилмоқда.

Айни пайтда республикамиздаги мавжуд 6,704 та болалар богчаларида 1-7 ёшдаги 624,652 нафар бола тарбияланмоқда. Бу умумий қамровнинг 18,5%ни ташкил этади.

Бундай курсаткичларнинг объектив ва субъектив омиллари мавжуд: биринчидан, мамлакатимизда оналарга бола парвариши учун 3 йилгача таътил белгилангани, ушбу даврнинг икки йили туловли эканлиги, иккинчидан, бола тарбиясида оиланинг роли бекиёслиги алоҳида аҳамият қасб этади. Бу ўз навбатида болаларни уй шароитида тарбия олаётганлиги ўзига хос хусусиятга эга эканлигини қурсатади.

Республикамизда жорий этилган ташкилий педагогик жараён шаклига қараб, мактабгача таълимни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчиси – бевосита мулоқотли таълим (тарбиячи ва бола). Унга болалар богчаси турли таълим муассасалари қошидаги тайёрлов гуруҳлари қиради. Иккинчиси, билвосита мулоқотли,

тарбиявий таъсир курсатувчи воситалар. Бунга болалар адабиёти, даврий матбуот материаллари, радио ва телевидение курсатувлари, киномахсулотлар сингари воситалар киради. Биринчи гуруҳдаги ташкилий таълим мунтазам равишда, мувофиқлаштирувчи (богчага бормаган болаларни жадаллаштирилган дастурлар асосида ривожлантириш ва мактабдаги таълимга тайёрлаш пировард богчага борган болалар билан тенглаштиришга қаратилган шакллар) ҳамда мақсадли: ёзги таътил вақтида муайян муддатга мулжалланган мактаб қошидаги тайёрлов гуруҳлар жараёнини ўз ичига олади.

Таълим ислохоти мактабгача таълим тизимига қатор янгиликлар киритди, хусусан, ушбу турдаги муассасаларнинг янги шакллари барпо этишга замин яратди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги мактабгача таълим шакллари куйидагича ифодалаш мумкин:

Тури	Сони	Таълим шакли
Анъанавий мактабгача таълим муассасалар	6704 та	9, 10, 12, 24 – соат мобайнида болаларни парвариш қилиш, овқатлантириш ва тарбия бериш, мактабга тайёрлашга қаратилган, бюджетдан тулик таъминланади;
Хонадон мактабгача таълим муассасалари	220 та	Оила шароитига яқинлаштирилган хонадон мактабгача таълим муассасалар бюджетдан таъминланади;
Богча-мактаб мажмуалари	219 та	Мактабгача ва бошлангич таълимдаги ўзвийликни таъминлаб берувчи муассаса;
Нодавлат мактабгача таълим муассасалари	11 та	Болаларга яқка тартибда тарбия берувчи давлатга қаршли бўлмаган богча молиявий жихатдан ўз-ўзини таъминлайди;
Саводхонлик марказлари	-	Мактабдан ташқари муассасалар қошида ота-оналар истаклари ва болалар қобилиятига қараб, шартнома асосида ташкил этилган тугарақлар мажмуи;
Шанба-якшанбалик гуруҳлари	-	Богча ёки маҳалла қошида шартнома ёки ташкилотлар ҳомийлигида ташкил этилган қисқа муддатли гуруҳлар;
Мактаб қошидаги гуруҳлар	-	Бошлангич синф ўқитувчилари томонидан ташкил этиладиган гуруҳлардан асосан богчага бормаган болаларга мактабдаги таълимга тайёргарлик курсатилади.

Мактабгача таълим муассасаларда олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнини муқобил ҳолда мувофиқлаштирувчи мактабгача таълим шакллари вужудга келиб, уларда 13%га яқин болалар тарбияси қамраб олинган. Мувофиқлаштирувчи таълимнинг ижобий жихатлари билан бир қаторда маълум қамчиликлари ҳам мавжуд: болалар мактабгача таълим муассасаларга кун давомида эмас, балки муайян машғулотларда қатнашиш, шанба-якшанба кунлари қилиш, факатгина саводхонлик сабоқларини урганиш имкониятларига эга бўладилар, уларнинг жисмоний қамол топиши, саломатлигига ғамхўрлик қилиш, ақлан ва маънан ривожланишини таъминлаш, мутасаддилар томонидан раҳбарлик ва назорат қилиш механизми ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун ҳам мазкур таълим шаклининг ютуқ ва қамчиликлари урганилиб, улар ривожлантирилиши лозим.

Ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасаларда 54.575 нафар педагог кадрлар ишлаб келмоқда. Мактабгача тарбия муассасаларига лавозимлар рўйхатига тарбиячи, мусика раҳбари, логопед-дефектологлар қаторига жисмоний тарбия инструктори, психолог, ўзбек тили ўқитувчилари киритилди. Сунгги 1993-1998 йил аттестацияси натижаларига қура, уларнинг:

546- олий тоифали (1%),  
8,186 – 1-тоифали (14,9%),

16,372 – 2-тоифали (29,9%),  
29,471 – «Мутахассис» (54%) деб эътироф этилган.

Мактабгача тарбия муассасалари учун республиканинг 35 та коллежида «Тарбиячи ёрдамчиси» - кичик мутахассислар ва оила мураббийси тайёрланмоқда.

Мактабгача таълим дастурий жихатдан таъминланган: 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб барча мактабгача таълим муассасаларида «Учинчи минг йилликнинг боласи» номли янги таянч дастур жорий этилди. Дастур билан бирга нашрдан чиқарилган ўқув қўлланма ва «Болангиз мактабга тайёрми?» номли китоблар ўқув-услубий мажмуасини ташкил этади. Улар барча мактабгача тарбия муассасаларида мавжуд.

Оилада тарбияланаётган болалар ва уларнинг ота-оналари учун лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбоси билан таништирувчи дарслик, қўлланмалар, турли мавзудаги рисоалар куплаб нашр этилмоқда. «Ёзувни урганамиз», «Алифбо совгаси», «Расмли алифбо» (Муаллиф – профессор К.Абдуллаева) кабилар шулар жумласидандир.

Богча болаларига хорижий тилларни ургатишда ўқув-услубий мажмуа хисобланган «Merry English» туплами болаларга 120-150 сўз микдоридан илк инглиз тили сабоқларини бериш имкониятига эга.

Мактабгача даврда барча таълим шакллари учун дастурларнинг тулик яратилиши таълим турлари: мактабгача ва бошлангич таълим уртасидаги узвийликни таъминлайди.

3 минг сўз бойлигига эга бўлган болаларнинг лугат бойлиги 1-4 синфларга бориб, она тили ва бошқа дарслар ҳисобига 7-8 мингтани ташкил этади. Мактабга сўз таркиби, туркумлари, унинг тўзилиши ҳақида илк тушунчаларни эгаллаб келган болалар ўқиш ва ёзишни кийналмасдан, тез ўрганадилар.

Теварак-атроф ва ижтимоий воқеалар билан тантиштириш машғулотларига бевосита тарих, инсон ва жамият, давлат ва ҳуқуқ асослари дарсларининг илк куринишлари қиради.

6-7 ёшда ўзлаштирилган математик тушунчалар доираси (геометрик шакл, катталиқ ва шартли улчовлар) бошлангич синф математика дарсларида кенгайиб боради, табиий ҳолки, таянч билимларга эга бўлмаган болаларнинг ўзлаштириши талаб даражасида бўлмайди.

Иссиклик, ёруғлик, табиатдаги сув алмашуви, магнит хоссалари ҳақидаги тушунчалар – «Табиат ва атрофдаги олам» дарсларида мукамаллашиб, физика дастурларида илмий асосланган равишда такрорланади.

Тўғри ташкил этилган мактабгача таълим – болаларнинг бошлангич синфларда билимларни пухта эгаллашлари учун замин яратади, навбатдаги босқичларда самарали ўқишларини таъминлайди.

Мактабгача таълим тизими ҳақида гап борар экан, асосий ургу ва эътибор богчада қанча бола юрганига эмас, балки 1-синфга борадиган болаларнинг қанчаси мактабдаги таълимга талаб даражасида тайёргарлик қилиб, ялпи мактабгача таълим шакллари билан камраб олиниб, «етук ўқувчи» бўлиб келганлигига қаратилиши зарур. Зеро, мактабгача таълим тизимини мустаҳкамлаш, барқарорлаштириш ва такомиллаштириш Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларининг асосидир.

## **V. II. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ЖИСМОНИЙ ТОМОНДАН ТАЙЁРГАРЛИГИНИ АНИКЛАШ.**

Жисмоний тарбия – мактабгача тарбия педагогикасининг муҳим бир булими бўлиб бизда қарор топган жисмоний тарбия системасининг дастлабки бугинидир. Унинг вазифаси, бола соғлигини сақлаш, жисмоний сифатларини устириш, ёшларни меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёрлашдир.

Жисмоний ривожланиш тор маънода буйнинг усиши, мусқўлларнинг ортиши, ва шу каби антропометрик ва биометрик курсаткичлардир. Жисмоний ривожланиш киши организмни ураб турган муҳитга боғлиқ лиги тўғри сидаги биологик қонуниятлар асосида амалга оширилади. Масалан: ҳаёт шароитини жисмоний тарбия методини бир мунча ўзгартириш орқали организмнинг функционал имконият даражасини бир мунча қутариш, жисмоний ривожланиш курсаткичларини яхшилаш мумкин.

Жисмоний тарбия деганда организмнинг морфологик ва функционал ривожланишини жамият талаблари даражасида амалга ошириш, жисмоний сифатларни кобилиятларни ривожлантириш, ҳаракат малака ва кўникмаларни шакллантириш жисмоний маданият ва спорт соҳасига таълуқли махсус билимларни ўзлаштириб олиш тушунилади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг жисмоний тарбияси улар ҳаётини саклаш, соғлигини мустаҳкамлаш, ҳаракат малакаларини шакллантириш ва тула маънодаги жисмоний тарбия бериш маданий генетик малакаларни шакллантириш батартип ҳаёт кечирish одатини сингдиришга қаратилган.

Кун тартибидаги аксарият ҳолларда генетик ва чиниктирувчи муолажаларни бажариш орқали боланинг билим доираси кенгайди. Аклий фаоллиги ортади. У жасурлик, халлолик, батартиплик, катийлик, мустақиллик ва шунга ухшаш ижобий ҳулк нормалари ва қоидаларини ҳам эгаллаб шаклланади. Жисмоний тарбия аксарият ҳолларда бутун гуруҳ билан бажарилади. Жисмоний тарбия машғулотларида ҳаракатли уйинларда болаларда жамоатчилик уюшқоқлик, интизомлилик каби ҳислатлар шаклланади.

Мактабга тарбия ёшидаги болалар организмнинг ўзига ҳос томони шундаки у жуда тез усади ва ривожланади. Шу билан бирга организм функциялари ва системаларининг шаклланиши, ҳали тугалланмаган булади. Шунга қура у тез жароҳатланади. Шунинг учун болаларга жисмоний тарбия беришда қуйидагилар биринчи даражали вазифалар ҳисобланади.

1. Соғломлаштирувчи вазифалар.
2. Таълимий вазифалар
3. Тарбиявий вазифалар.

Жисмоний тайёргарлик боланинг соғломлиги, ҳаракат кўникмалари, қўл мушаклари ва қуриш-мотор мувофиқлиги ривожланганлиги билан изоҳланади.

«Ривожланмаганлик» нинг асосий белгилари ўзига ҳос жисмоний ривожланишнинг алоҳида жиҳатларида қуринади. Масалан, суяк тўзилишида паст бўйли болаларда ўз ёшига қура тана бўйи ва оғирлигидаги номутаносиблик, танадаги мувозанат бўзилишлари, юрак қон томир тўзилишидаги физиологик етишмовчиликлар тез толиқшлар, жисмоний юкламаларни бажаришдаги имқониятлари пастлиги шулар жумласига қиради.

Қасалликлар ва уларга мойиллик бўйича утқазиладиган текширувларга қелсак улар яшаш жойидаги болалар поликлиникаларида тор мутахассис шифокорлар гуруҳи томонидан олиб қорилади.

Жисмоний ривожланиш қурсатқичлари.

1. Ҳаракатнинг асосий турларини ривожлантириш.
  - қуриш ва юқуришнинг барча турларини тўғри бажариш, шарт-шароитга мувофиқ улардан фойдаланиш.
  - Сакраш, иргитиш, тирмашиб чикишнинг барча турларини тўғри бажариш.
  - Юмшок жойда 40 см қаландикка сакраш, жойидан туриб 70 смдан қам бўлмаган ўзунликка сакраш, 100 метр масофани юқуриб утиш предметини турли вазиятлардан туриб отиш 4-5 метр масофадаги вертикал ва горизонтал нишонларга тушириш.
  - 2-3 доира қуриб айланиб 3-4 қаторга сафни ўзгартириб тизилиш, «Биринчи, иккинчи» ҳисоб саногидан кейин икки қаторга тизилиш, ҳаракат давомида оралик масофани саклаш.
  - Турли қил дастлабки қолатлардан туриб жисмоний машқларни аниқ, ритмик қурсатилган маромда мусикага мос оғзақи қурсатмаларда айтилганидек бажариш.
  - Спорт уйинлари унсурлари иштирок этадиган уйинларда (волейбол, футбол, хокқей, баскетбол, стол теннис) фаол иштирок этиш. 15 метрга эркин сўзиш.
2. Тана қисмидаги мушакчаларни ривожлантириш.
  - Қўл панжаси ва бармоқлар ҳаракатчанлигини таъминлаш, бармоқларни уйнатиш.
  - Мириқиб уйқуга қетиш ва оромли уйқу.
  - Ўзининг жисмоний қиёфаси ва соғлиги ҳақида тасаввўрни шакллантириш, соғлом турмуш тарзига эришиш.
  - Антропометрик қурсатқичларнинг (буйи, вазни, бошининг доираси, қуқрак қенглиги) ёш қурсатқичи стандартларига мувофиқ қелиши.

Жисмоний ривожланганлик даражаси.

Мактаб ёшига етган болаларнинг жисмоний жихатдан ривожланганлик даражасига куйиладиган минимал талаблар:

- Мустикал тарзда жисмоний машқларни бажара олиш;
- Буйрукка (старт, стоп) асосланиб югура олиш;
- Нарвон ёрдамида тепаликка чика олиш ва пастга туша олиш;
- Нарван устида утириб олдинга силжий олиш;
- 5 секунд давомида арконда осилиб туриш;
- Агимчок уча олиш;
- Чекланган саф ва чизик буйлаб юра олиш;
- Кия куйилган тахта устидан юриб ута олиш;
- Бир оёкда калдиргоч бўлиб тура олиш;
- Оёк учлари билан буюмларни кисиб кутариш, пастга суриш ва бир жойдан иккинчи жойга кучира олиш;
- Жойидан туриб 15-20 марта сакрай олиш, 70-80 см ўзунликка сакрай олиш, 30 см баландликдаги тусикдан сакраб утиш;
- Тухтамасдан 2-3 минут давомида югура олиш; 100 метр масофани тухтамасдан югуриб утиш;
- 10 метр масофани эмаклаб утиш;
- Сафда тўғри туриш ва сафни ўзунасига юриш;
- Сафланиш ва кайта сафланишни билиш;
- Мусика охангига мос холда ҳаракат кила билиш;
- Коптокни иргитиш ва илиб олиш;
- Илон изи шаклида юриш;
- Туп-туп бўлиб айлана буйлаб юра олиш;

Халк уйинлари «Ким чаккон», «Ок теракми-кук терак?», «Куёним куёним не булди?», «Читти гул», «Боглам-боглам», «Ким олади шу гинани». «Учди, чопди, сакради», «Кушим боши», «Коч болам, куш келди», «Гортишмачок» каби ҳаракатли уйинларда иштирок эта олишдан иборат.

5 дан 7 ёшгача бўлган ёш даври «дастлабки буй чўзилиши» дасри деб аталади. Чунки бу даврда бола йил давомида 7-10 см усиши мумкин. Мактабгача 5 ёшли боланинг буйи 106,0-10,7 см вазни эса 17-18 килограммни ташкил этади. Хаётининг 6 йили давомида ҳар ойда уртача вазнига 200,0 гр, буйига 0,5 см кушилиб боради. Тажрибалар ва мақсадга қаратилган жисмоний тарбия машғулотлари натижасида 6 ёшли болалар ҳаракат техникасига доир машқларни тўғри ва тушунган холда бажарадилар

### **V.Ш. БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДА ОДДИЙ МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНГАНЛИК АҲАМИЯТИ.**

Болаларнинг математик тушунчаларини муваффақиятли ўзлаштириши, уларнинг идрокини, яъни сенсор туйғуларини устириш билан бевосита боғлиқдир.

Умумлаштириш ва абстрактулаштириш қобилияти реал предметларнинг хусусиятларини аниқлаш ва шу хусусиятларга қараб мазкур предметларни бир-бирига таққослаш ва группаларга ажратиш асосида ўсиб боради. Шунинг учун бола мактабга боргунга қадар унда математик тасаввурларни шакллантириш учун болалар боғчасидаги барча ўқув-тарбия ишлари билан ўзвий равишда боғлаб махсус иш олиб борилади.

Математик билимлар болаларга маълум система ва изчилликда берилиши, бунда янги билим камрок миқдорда, яъни болалар ўзлаштириб оладиган даражада булиши керак. Шунинг учун ҳам бир вазифа бир қанча майда қисмларга булиниб, улар биринкетин урганиб борилади.

Тарбиячи ҳар бир ёш группасининг программаси қандай тўзилганини билиши лозим. Бу унга ўз гуруҳидаги болаларнинг математикага доир билим даражаларини аниқлаш учунгина эмас, балки мактабгача тарбия ёшидаги болаларда бошланғич математик тасаввурларни устириш юзасидан олиб бориладиган барча ишлар системасида ҳар бир машғулотнинг қандай муҳим роль уйнаши ва урин эгаллашини кўз олдида келтириш учун ҳам имкон беради.

Математик тасаввурларни шакллантириш юзасидан олиб бориладиган ишнинг асосий формаси – *машғулотдир*.

Дастур вазифаларининг қупчилик қисми машғулотларда ҳал қилинади.



Болаларда маълум изчилликда тасаввурлар шакллантирилади, зарур малака ва кўникмалар ҳосил қилинади.

Атрофдаги ҳамма нарсани микдор жихатидан Кузатишларни уюштиришга, болаларнинг ўз фаолиятларининг хилма-хил турларида математик мазмундаги билим ва кўникмаларидан қандай фойдаланишларига катта аҳамият берилади.

Машғулотларда ва кундалик ҳаётда дидактик уйинлардан ҳамда уйин-машқлардан кенг фойдаланилади. Машғулотлардан ташқари вақтларда уйинлар ташкил қилиб, болаларнинг математик тасаввурлари мустаҳкамланади, чуқурлаштирилади ва кенгайтирилади. Бир қанча ҳолларда, масалан, жойни билиш кўникмасини ривожлантириш юзасидан олиб бориладиган ишларда уйинлар асосий ўқув вазифасини утайди.

Машғулотларда болаларнинг актив фаолияти биринчи навбатда янги материал устида ишлашни ҳамда илгари утилган материални такрорлашни бирга тўғри қушиб олиб бориш билан иш турларини ва уни ташкил этиш усулларини алмаштириб туриш билан яъни, машғулот структураси билан таъминланади.

Машғулот структураси программа вазифаларининг ҳажми, мазмуни, бирга қушиб олиб борилиши, тегишли билим ва кўникмаларнинг ўзлаштирилиши даражаси, болаларнинг ёш хусусиятлари билан белгиланади.

Мақтабга бориш даврига келиб болалар туплам ва сон, шакл ва катталиқ ҳақида ўзаро боғланган билимларни нисбатан қурак эгаллаган, фазада ва вақтни ориентация қила билишни урганган бўлишлари зарур.

Таҷриба, биринчи синф ўқувчиларида учрайдиган қийинчилик, одатда абстракт билимларни эгаллаб олиш, конкрет предметлар, уларнинг образлари билан амал қилишдан, сонлар ва бошқа абстракт тушунчалар билан бажариладиган амалларга утиш зарурлигини қурсатади.

Бундай утиш боланинг ривожланган ақлий фаолиятини талаб этади. Болалар турли математик боғланишли муносабатларни аниқлаш усулларини, масалан, туплам элементлари уртасидаги мосликни аниқлаш усулларини эгаллайдилар (тупламдаги элементларни бирма-бир амалда солиштирадилар, катталиқ нисбатларини аниқлаш учун уларни устма-уст, ёнма-ён қуйиб қуриш усулларидан фойдаланадилар).

Улар микдор нисбатларини аниқлашда энг аниқ усул предметларни санаш ва катталиқларни улчаш эканлигини тушуна бошлайдилар.

Санаш ва улчаш малакалари уларда тобора мустаҳкам ва онгли бўлиб боради.

Ҳар қайси ёш гуруҳи дастури ушбу бўлимлардан иборат:

- Микдор ва санок.
  - Катталиқ.
  - Геометрик фигуралар.
  - Фазада мулжал олиш.
  - Вақт бўйича ориентир (мулжал) олиш.
- Ўқув йилининг охирида катта гуруҳ болалари қуйидагиларни билишлари керак:
- нарсаларни 10 тагача санай олиш;
  - санок ва тартиб сонлардан тўғри фойдаланиш;
  - 10 тагача бўлган сонларни ёнма-ён турганларини (қурғазма асосида) такқослай олиш;
  - тенг бўлмаган 2 гуруҳ нарсалар сонини икки усул билан тенглаштира олиш (1та нарса қушиш ёки айириш усули билан);
  - 0 дан 9 гача бўлган рақамларни номи ва фарқи;
  - турли микдордаги 10 тагача бўлган нарсаларни эни, бўйи, баландлиги, қалинлиги, улчами ва улар орасидаги муносабатларни ҳисобга олган ҳолда тартиб бориши ёки қамайиб бориши тартибида жойлаштириб такқослаш;
  - нарсалар шаклини доиравий, учрўбчак, тўғри тўртбўрчакли, квадрат, тўртбўрчакли, овал қуринишдагиларини фарқлаш;
  - қозғалдиришда йўналишларини фарқлаш;
  - нарсаларнинг ўзига ёки бошқа нарсаларга нисбатан жойлашиш вазияти, йўналишини сўз билан ифодалаш;
  - ҳафта кунлари кетма-кетлиги, сутка қисмлари номлари қабилари.

Булажак фуқаро шахсининг ҳар томонлама қамол топтирилишининг асослари

бола хаётининг дастлабки йилларида, мактабгача болаликда куйилади. Сунгги йилларнинг психологик-педагогик тадқиқотлари болада идрок килинадиган объектлар хусусиятларининг анализи ва синтезининг, кўзатиладиган ходисаларни таккослаш ва умумлаштиришларнинг, энг содда боғланишлар ва улар орасидаги муносабатларни тушунмокнинг етарлича мураккаб шакллари таркиб топиши мумкинлигини курсатмокда.

Мактабгача тарбия муассасалари дастурида назарда тутилганидек, математик тайёргарликда болаларни санокка ургатиш, биринчи унлик учида микдорий муносабатларни ривожлантириш, энг содда арифметик масалаларни ечиш ва тўзиш билан бир каторда намоён килинган тупламлар устида амаллар бажаришга, шартли улчовлар билан улчашлар ўтказишга, сочилувчи ва суюк жисмларнинг хажмини аниклашга болаларнинг кўз билан чамалаш малакаларини ривожлантиришга уларнинг геометрик фигуралар ва предметларнинг шакли хақидаги тасаввурларини ривожлантиришга, фазовий муносабатларни тушунишларини, предметларни тенг кисмларга булиш малакаларини шакллантиришга катта ахамият берилади.

Масалаларнинг бундай комплекси математик ривожлантиришнинг дастури бўлиб, мактабгача ёшдаги болаларнинг микдорий ва бошка муносабатларни чуқуррок тушунишларини таъминлайди ва математик тафаккурнинг, нуткнинг истикболда такомиллашувига асос солади. Буларнинг хаммаси болаларнинг аклий ривожланишларига ва уларни мактабда ўқишларига мувоффақиятли тайёрлашга имкон беради.

#### **V.IV. БОЛАЛАРНИ МЕХНАТ МАЛАКА ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОРКАЛИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ.**

5-7 ёшли болалар катта ёшлилар меҳнатига зур кизикиши бирор меҳнат жараёнинини катталар билан бирга катнашиш ёки бирор нарсани мустакил бажариш иштиёқини намоён киладилар. Уларнинг фаолиятлари кичик мактаб ёшидагиларга нисбатан анчагина мақсадга йуналтирилган, эътиборлари хамда мақсадга қаратилгандир. Болаларда меҳнат малакалари меҳнат килиш одатини шакллантириш хар бир ишни охирига етказиш кўникмасини тарбиялаш педагогик жараёнини тўғри ташкил этиб куйидаги коидаларга риоя килингандагина:

1. Катта гуруҳларга ўзига ўзи хизмат курсатиш меҳнати хужалик турмуш меҳнати табиатдаги меҳнат, шунингдек қўл меҳнатини ташкил этиш.

2. Кун тартибига кура «Болалар боғчаси таълим тарбия дастури» асосида меҳнат учун назарда тутилган вақтдан тулик фойдаланиш. Болаларни хар хил спорт турларига мунтазам жалб килиш.

3. Меҳнатнинг хар хил турлари ташкил этилар экан болалар фаолиятининг якка ва жамоа турларидан фойдаланиш.

4. Болалар меҳнатига раҳбарлик метод ва усулларини таълим тарбия вазифаларига мувофиқ танлаш.

5. Хилма хил меҳнат турларини ташкил этишда уларнинг болалар фаолиятининг бошка турлари билан оқилона бириктириш оркалигина амалга ошириш мумкин.

Хар куни кун тартибида гуруҳдаги барча болалар учун ва хар бир бола учун якка меҳнатни назарда тутиш керак. Болалар тўғри ташкил этилган меҳнатдан катта қувонч хис киладилар.

Катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг кун тартибида ўз ўзига хизмат курсатиш меҳнати сезиларли ўрнини эгаллайди. Тарбиячилар мустакил ювиниш, кийиниш кўникмасини шакллантиримшни давом эттирадилар. Улар болалардан ювиниш, ечиниш, овқатланиш тартибини аниқ билишни уларни ўз вақтида ва аниқ бажарилишларини талаб киладилар. Тарбиячи бу шаклланган кўникмалардан болаларнинг ўз аро ёрдамларини ташкил этиш ва ахлокий нормаларни тарбиялашда фойдаланилади.

Ўз-ўзига хизматни яхши ташкил этиш шартларидан бири кун тартиби жараёнини изчил ва босқичма босқич ўтказиш ва бунда барча болаларнинг иштирок этишиди, болалар ўзларига куйилаётган талабларни тушунишлари ва ўз бурчини

мунтазам тарзда бажаришлари керак. Катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ўзига ўзи хизматлари ташкил этишда гуруҳ тарбиячиси болалардаги малакаларни хиссобга олиб шунга мувофиқ ҳаракат усуллари эслатади. Ва шу орқали уларнинг эътиборини жалб қилади. Тарбиячи шунингдек болаларнинг ўзига ўзи хизмат курсатишига доир иш сифатларини хисобга олиб боради, уни баҳолайди, нима яхши чиқаётган бўлса таҳлил қилади.

Катта ва тайёрлов гуруҳида муҳим вазифа нонуштагача тайёрланиш, нонуштадан сунг шунингдек тушлик ва кеч тушки овқатга тайёрланиш вақтида навбатчилар ишини аниқ ташкил этишдан иборат. Навбатчилик қилиш кўникмасини шакллантириш иши давом эттирилади, чунки навбатчиликнинг вазифалари кенгайиб боради. Навбатчиликни тайинлашда бу ишда тажрибага эга бўлганлар қатори янги болаларни тайинлаш ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Йил бошида тарбиячи навбатчиларни ўз вазифалари билан таништиради, зарурият бўлганда айрим ҳаракатларни курсатади. Топширилган иш учун жамоа олдидagi маъсулиятини таъкидлайди (ўз вақтида қелиш, ҳаракатлар изчиллиги, ҳамма нарсани болалар тупланишига тайёрлаш, асбоб анжомлардан тўғри фойдаланиш шу қабилар).

Шунингдек навбатчилар машғулотга керакли асбоб анжомларни ўқув материалларини машғулот утиш учун тайёрлаб қуйишлари керак. Бола мустақил машғулотга тайёрлана туриб машғулотга керакли бўлган қалам, идишда сув, латта ва муй қалам тайёрлаши машғулот тугаши билан уларни жой жойига қуйиб иш ўрнини тозалаб олиши, қуриш-яшаш уйинини уйнаб бўлгандан сунг уларни деталларидан ажратиб олиб идишга солиш ва ўз ўрнига олиб бориб қуйиш, тарбиячи болалар меҳнат қилаётганларида уларни батартиблиги ёки эҳтиёткорлигини тартибсизликка эътибор бепартиларми, ёки бефарқ қиляптиларми, шуларни ҳаммасини диққат билан кўзатиб боради.

Навбатчиларнинг табиат бурчагидаги меҳнати ҳам ҳар куни ташкил этилади. Болаларнинг табиатдаги меҳнати катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Меҳнат жараёнида болаларда табиатга нисбатан эҳтиёткорлик, ғамхўрлик муносабатлари шакллантирилади.

Табиатдаги меҳнат болаларда бурчларига нисбатан маъсулиятни ҳис этиб ёндошишини тарбиялайди. Болалар усимлик ва хайвонларни парвариш қилар эканлар унинг зарурлигига ишонч ҳосил қиладилар. Бирок табиатдаги меҳнатга нисбатан маъсулиятини тарбиялаш учун болалар меҳнат малакаларини эгаллаб олган бўлишлари ўз меҳнатларининг аҳамиятини тушунишлари лозим.

Табиатдаги меҳнат мактабгача ёшдаги болаларнинг сенсор тарбияси учун қўлай шароитлар яратади. Меҳнат жараёнида болалар усимликлар ҳолати, уларни ёруғликка, намликка, иссиқликка яхши тупрокка бўлган эҳтиётларини қондирилишига боғлиқ эканлигини англаб оладилар.

Табиатдаги меҳнат қузатувчанликни ўстирилишининг усуллари билан бирдир. Табиатдаги меҳнат жараёнида тарбиявий вазифалардан ташқари таълимий вазифалар ҳам ҳал қилинади. Табиат бурчагида буладиган навбатчилик эрталаб балиқчаларни боқадилар, гулларга сув қуядилар, ерларни юмшатадилар, қушлар қафасларини тозалашда ёрдам берадилар. Вақти вақтида қучат ўтказишда ҳам ёрдам берадилар.

Тарбиячи ва болалар навбатчилар ишини назорат қиладилар, ҳамда уни баҳолайдилар.

Катта мактабгача тарбия ёшидаги болалар меҳнати орасида алоҳида урини гуруҳ хоналарида доимо тозалик ва тартибни сақлаш иши эгаллаши лозим. Тарбиячи болалардан қайси биридир қийинини шкафага тартибли қуймаганлигини қуриб, масалан: шапка қаерда туриши кераклигини, ёки, кофточкасининг ени нима учун чиқарилмаганлигини суради.

Вақти вақтида (одатда ҳафтага бир) болалар тарбиячи топширигига қура қўлланма ва уйинчоқларни ажратадилар, ювадилар, гуруҳ хонасини умумий йиғиштиришда қатнашадилар. Хужалик турмуш меҳнати яхши ташкил этишда болаларнинг ёнма ён ишлаб умумий натижасини тасаввур қилишлари муҳимдир. Баъзан умумий ишни бажариш учун тарбиячи вазифани болалар уртасида ҳар бир боланинг тажрибасига қура тақсимлайди ва у ишни охиригача бажаради.

Меҳнат вазифаларини уюштиришда ташаббус ва мустақилликни намоён қилганларни рағбатлантирилади. Тайёрлов гуруҳида тарбиячи болалар меҳнатини

ташкил этишнинг яна бир куриниши хамкорликдаги меҳнатдан фойдаланилади. Бу ҳолатда болалардан биттаси ишининг оз қисмини бажаради, иккинчиси уни давом эттиради.

Қўл меҳнати купинча машғулотларга барча болалар учун бир вақтда улашилади. Уйинчоқлар коғоз, табиий материалларни болалар бутун гуруҳ бўлиб ёки кичик гуруҳларга булиниб бажардилар. Бу мақсадда алоҳида жой жихозланиб у ерга материал ва асбоблар жойлаштрилади. Қўл меҳнатини бажаришда бола натижага эришадиган нарса бу буюм вужудга келади болалар ёпиштириш, буяш, тикиш, қирқиш ва шунга ухшаш оддий меҳнат малака кўникмаларини эгаллаб оладилар. Йилнинг иссик вақтларидаги сайрларда ерни чопиш ва юмшатиш, уток қилиш ҳосилни йиғиштириш буйича биргаликдаги иш ташкил этилади. Бу ҳолатда меҳнатни ташкил этишнинг асосий шакли гуруҳ (3-4 бола) ёки звено бўлиб бажарилган давомли топшириқлар булади.

Меҳнат фаолияти ҳар хил меҳнат жараёнларидан ташкил топган ҳар хил меҳнат турларининг умумлаштирувчи кенг тушунчасидир. Меҳнат жараёнини меҳнат фаолиятининг ўзига хос бир булагига бўлиб унинг таркибида эса меҳнат фаолиятининг ҳамма таркибий қисмлари меҳнатнинг мақсади. Материал ва меҳнат қурол аслаҳалари бирон натижани юзага келтириш мақсадига эришиши учун сарф қилинган барча меҳнат харажатлари, меҳнат сабаблари ва меҳнат маҳсули яққол кўзга ташланади. Меҳнат фаолиятини эгаллаш бу биринчи навбтада меҳнат жараёнининг унинг таркибий қисмлари билан биргаликда эгаллаб олишдир. Шунга қараб болаларнинг меҳнат тарбияси вазифалари белгиланади ва улар қуйидагилардан иборатдир.

1. Болаларни булажак меҳнат фаолияти олдидан мақсад қуйишга ургатиш.
2. Меҳнат жараёнини меҳнат фаолиятини энг оддий режалаб олишга ургатиш.
3. Ўз иш жойини тайёрлаб олишга ургатиш.
4. Меҳнат малака ва кўникмаларини ургатиш.
5. Бажарилган меҳнатнинг натижаси, сифати ва аҳамияти қанча вақт бажарилганлигига қараб ўзининг ва бошқаларнинг ишини тўғри баҳолашга ургатиш.
6. Меҳнат фаолияти сабабларини шакллантириш.
7. Жамоа меҳнат фаолиятини вақтида болаларда ижобий муносабатларни шакллантириш.

Шундай қилиб болалар меҳнатини тўғри ташкил этиш ҳар бир болани ҳар хил меҳнат турларига мунтазам жалб қилишни назарда тутди. Бунда ишнинг жамоа ва яққа тартибдаги шакллари билан фойдаланилади. Иш ҳажми назарда тутилади. Ускуналар тўғри танланади.

## **V.V. БОЛАЛАРНИ МАҚТАБГА ТАЙЁРЛАШДА ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МЕТОДИКАСИНING РОЛИ.**

Болалар боғчасида болаларни табиат билан таништириш жараёнида хилма-хил методлар: қурғазмали (қузатиш, расмларни қуриш, диафильм ва кинофильмларни намойиш қилиш), амалий (уйин методи, меҳнат, оддий тажрибалар), оғзаки (тарбиячининг ҳикояси, бадиий асарларни ўқиш, суҳбат) методларидан ва хилма-хил формалардан: машғулотлардан экскурсиялардан қундалиқ ҳаётга меҳнатдан Кузатишлардан участка ва табиат бурчагидан уйинлардан фойдаланилади. Натижада болаларда билимларни эгаллаш малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш қобилиятларини устириш илмий дунёқарашларни ахлоқий сифатларини ҳулқ атворларини шакллантиришга эришилади.

Табиат билан таништириш методларидан *қурғазмали методлар*:

Кузатишлар. Кузатиш атроф олам предметлари ва ходисаларини мақсадга мувофиқ режали идрок этишдир. Кузатиш мураккаб билим фаолияти бўлиб унда идрок, тафаккур ва нутқ иштирок этади. Барқарор диққат талаб этилади. Кузатилаётган ходисани тушунтиришда боланинг тажрибаси, билими ва малакалари муҳим аҳамиятга эга булади.

Табиатни болалар билан биргаликда қузатишни ташкил этар экан, тарбияни бир қатор вазифаларни ҳал этади: болаларда табиат ҳақида билимни шакллантиради. Кузатишни ургатади, қузатувчанликни устиради, эстетик жихатдан тарбиялайди.

Предмет ва ходисаларнинг хусусияти ҳамда сифатлари ҳақидаги билимни

шакллантириш мақсадида ташкил этиладиган қисқа муддатли кўзатувлар жараёнида болалар қисмларнинг шакли, ранги, катталиги, тузилиши, фазовий жойлашувини, сатхининг ҳаракатини фарқлашни, хайвонлар билан танишганда эса ҳаракат характери улар чиқарадиган товушларни ҳам урганадилар ва хоқозо.

Усимлик ва хайвонларнинг усиши ҳамда ривожланиши табиатдаги мавсумий ўзгаришлар ҳақидаги билимларнинг жамгарилиши учун кузатишнинг анча мураккаб тури узок муддатли кузатишлардан фойдаланилади. Бунда болаларга объектнинг кузатилаётган ҳолатини илгариги билан қиёслашга тўғри келади.

Бу кузатишлар давомида болаларнинг зехни ва кузатувчанлиги усади. Анализ қилиш, қиёслаш, ҳулоса чиқариш жараёни такомиллашади.

Кузатишлар тарбиячи томонидан болаларни усимлик ва хайвонлар билан об-хаво билан катталарнинг табиатдаги меҳнати билан таништиришда ташкил этилади.

Кузатишлар машғулот ва экскурсияларда, сайрларда, табиат бурчагида ва шу қаби жойларда олиб борилади.

Таркатма материаллардан фойдаланиб кузатиш: бу кузатишлар урта гуруҳдан бошлаб утказилади. Бундай кузатишни ташкил этиш бир объектни кузатишдан қура анча мураккаброкдир. Таркатма материал сифатида усимликлар ҳамда уларнинг қисмлари: барги, меваси, ва уруги, шохлари, сабзавот ва мевалардан фойдаланиш мумкин.

Расмларни қуриш, кинофильмлар ва диофильмларни намоиш этиш. Бу методлардан фойдаланиш қилма-қил вазифаларни ҳал қилишга: тасаввурларни аниқлаш ва конкретлаштириш билимларни системалаштириш ва умумлаштириш эстетик идрокни тарқиб топтиришга ёрдам беради.

Расмларни қуриш: расмлар табиат ҳодисаларини батафсилроқ қуриш, диққатни ўззоқ муддат шуларга қаратиш имқонини беради, бунин эса қупинча табиатни бевосита кузатишда табиатнинг динамиклиги ҳамда ўзгарувчанлиги туфайли амалга оширишнинг имқони булмайди. Бундан ташқари қупгина ҳодисаларни бевосита Кузатишмумкин эмас. Масалан, ёввойи хайвонлар, жанубий ва шимолий улқаларнинг хайвонлари билан болаларни асосан расмлар орқали таништириш мумкин.

Болаларни табиат билан таништиришда дидактик сюжетли предметли шунингдек, бадий расмлардан фойдаланилади.

Дидактик сюжетли ва предметли расмлар – болаларни уқитишда қурғазмали восита сифатида маҳсус яратилгандир «Йилнинг турт фасли», «Уй хайвонлари», «Ёввойи хайвонлар», «Утсимон усимликлар» ва шу қаби расмлар серияси шулар жумласидандир. Булардан турли мақсадларда фойдаланилади. Бадий расмларни фақат мактабгача қата ёшдаги болалар билан қуриш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув экранин болалар богчасида болаларни табиат билан таништиришда диофильмлар, кинофильмлар ва телефильмлардан фойдаланилади.

Ўқув экранин болаларда табиат ҳодисаларининг динамиқаси: усимлик ва хайвонларнинг усиши ҳамда ривожланиши катталарнинг меҳнати ҳақидаги тасаввурларни шакллантиради. Қисқа муддат иқида узок вақт бўлиб утган ҳодисаларни курсатиш имқонини беради.

Кинофильмлар болаларда алоқида эмоцинал муносабат қизиқиш уйғотади. Бу эса билимларни янада мувофақиятлироқ эғаллашга ёрдам беради.

Сюжетли диофильмлар, кинофильмлар ва телефильмлар сюжетининг қизикарлилиги билан болаларда алоқида қизиқиш уйғотади. Бу билимларнинг актив идрок этишга ёрдам беради. Экрандаги ҳодисаларга алоқида муносабат уйғотади.

Сюжетли диофильм кинофильм ва телефильмлардан турли мақсадларда билимларни конспектлаштириш, у ёқи бу ҳодисани характерловчи муҳимроқ ҳусусиятларни ажратиб курсатиш, билимларни қенгайтириш табиатга эҳтиётқорона муносабатда булишни шакллантириш мақсадларида фойдаланилади.

Амалий методлар. Ўйин. Табиатнинг оддий ҳодиса ва предметлари ҳақида болаларнинг тасаввурларини қенгайтириш мақсадида утказиладиган Кузатишлар билан бир қаторда қилма қил уйинлардан қенг фойдаланилади. Бу уйинларда болалар сўзувчанлик тажрибасини орттирадилар, эғаллаган билимларини иждодий ўзлаштирадилар.

Болаларни табиат билан таништиришда дидактик характерли ва иждодий уйинлардан фойдаланилади.

Дидактик уйинлар. Дидактик уйинларда болалар ўзларида табиатдаги предмет ва ходисалар хайвонлар ва усимликлар хакида мавжуд бўлган билимларни аниқлайдилар, муситахкамлайдилар, кенгайтирадилар. Купгина уйинлар болаларни умумлаштириш ҳамда классификация қилишга ургатади. Дидактик уйинлар, хотира, диққат, кузатувчанликнинг усишига ёрдам беради. Болаларни мавжуд билимлардан янги шароитлардан фойдаланишга ургатади. Турли аклий жараёнларни активлаштиради. Лугатни бойитади. Болаларда биргаликда уйнаш кўникмасини тарбиялашга ёрдам беради.

Уйин машқлари предмет ва ходисаларни сифати ҳамда хусусиятларига кура фарқлашга ургатади. Кузатувчанликни устиради. Бу уйинлар бутун гуруҳ болалари билан ёки уларнинг бир қисми билан утказилади. Уйин машқлари кичик ва урта гуруҳларда алоҳида ахамиятга эга. Катта гуруҳларга эса у машғулотнинг бир қисми ҳисобланади.

Харакатли уйинлар. Табиатшунослик характеридаги харакатли уйинлар хайвонларнинг хатти харакати уларнинг хаёт тарзига таклид қилиш билан боғлиқ. Болалар бу уйинларда харакатларга товушларга таклид қилиб билимларни чуқурроқ эгаллайдилар. Уйиндан завқланиш болалардаги табиатга бўлган қизиқишни чуқурлаштиради.

Ижодий уйинлар. Уйинда болалар машғулот, экскурсия, кундалик хаёт жараёнида олинган тасаввурларни акс эттирадилар. Катталарнинг табиатдаги меҳнати хакидаги билимни эгаллайдилар. Бунда уларда меҳнатга ижодий муносабат шаклланади. Улар катталарнинг табиатдаги меҳнатининг ахамиятини англаб оладилар.

Табиатдаги меҳнат. Болалар меҳнат объектлари усимликларнинг хусусиятлари ва сифатлари уларнинг тузилиши эҳтиёжлари ривожланишининг асосий босқичлари устириш усуллари усимликлар хаётидаги мавсумий ўзгаришлар хакида хайвонлар, уларнинг ташқи қуриниши эҳтиёжлари, харакат қилиш усуллари, хатти харакатлари, хаёт тарзлари ва унинг мавсумий ўзгаришлари хакида тасаввурга эга буладилар. Улар яшаш муҳити уртасида мутаносиблик урнатишни хайвоннинг табиатдаги хаёт тарзи ва уларни табиат бурчагида парвариш қилишни урганадилар.

Меҳнатни ташкил этиш шакллари ва уларга раҳбарлик қилиш методикаси мактабгача тарбия давомида мураккаблашиб боради. Мураккаблашиш боланинг ёш имкониятлари шунингдек меҳнат фаолиятининг усиши туфайли аниқланади.

Огзаки методлар. Болаларни табиат билан таништиришда тарбиячининг ҳикоясидан табиат хакидаги бадий китобларни ўқишдан суҳбатдан фойдаланилади.

Огзаки методларда фойдаланишда тарбиячи болаларнинг нутқини тушунишга бўлган қобилиятларини ўзок муддатли ихтиёрий диққатларини ва сўз орқали берилётган мазмунга диққатни қарата олишларини шунингдек, болаларда муҳокама аниқлаш, системалаштириш предмети булувчи у ёки бу ходиса ёки факт хакида ёрқин тасаввурларнинг бор йуқлигини эътиборга олади.

Тарбиячининг ҳикояси. Ҳикояни идрок этиш болалар учун анчагина мураккаб аклий фаолиятдир. Бола катталар нутқини эшитиши ва тинглай олиши ҳикоя давомида уни англаб олиши огзаки тасвир асосида етралича жонли образларни актив тасаввур қилиши тарбиячи ҳикоясидаги воқеа ходисаларни бир бирига боғлиқ лиги ҳамда муносабатларини аниқлаш ҳамда тушуниши ҳикоя мазмунидаги янглишликни ўзининг аввалги билим билан қиёслаб қуриши лозим.

Суҳбат. Дидактик вазифалардан келиб чиққан ҳолда суҳбат икки турга – олдиндан утказиладиган суҳбатлар ва яқуний суҳбатларга булинади. Бу суҳбатлар мазмунан турли даражада булиши мумкин: бировлар кўзатиладиган объектларни тор доирада кўзатгандан сунг, бошқалари ходисаларнинг кенг доирасини камровлари ходисаларнинг кенг доирасини камровчиларни – болаларнинг жонсиз табиат ходисалари, усимликлар хаёти, хайвонлар, кишиларнинг меҳнати хакидаги билимларини системалаштириш мақсадида утказилади.

Бадий адабиётни ўқиш. Ўз мазмунига кура илмий бўлган табиатшунослик хакидаги китоб айна вақтида санъатнинг бир туридир. Табиатшунослик китоби болаларда билиш ҳуқуқини, кузатувчанликни, билимга бўлган хавасни тарбиялаш учун бой метриал беради.

Машғулотлар. Болаларни табиат билан таништириш машғулотлари билимларни болаларнинг имкониятлари ҳамда ураб турган табиатнинг хуссиятларини

назарда тутган холда изчил шакллантириш имконини беради. Тарбиячи рахбарлигида утадиган машғулотларда гуруҳнинг барча болаларида дастур талабларига мувофиқ элементар билимлар шаклланади. Асосий билим процеслари ва болаларнинг қобилиятлари маълум система ҳамда изчилликда устирилади. Кундалик ҳаётда кузатиш, уйин, меҳнат вақтида болаларнинг шахсий билимлари йигилиб борилади. Машғулотлар уларни аниқлаш ва системалаштириш имконини беради.

Машғулотнинг таълимий вазифаси. Бу болаларга машғулотларда берилиш ёки аниқланиши ҳамда конкретлаштирилиши лозим бўлган билим ҳажмидир. Бунга яна болаларнинг табиатни билишга бўлган қизиқишларини шакллантиришни кушиш мумкин. Машғулотда ҳал этиладиган тарбияли вазифалар. Табиатга ижобий эҳтиёткорона, ғамхуруна муносабатни шакллантириш. Табиатга эстетик муносабатни устиришга йуналади.

Машғулотга тайёрланиш ҳамда уни ўтказишда машғулотнинг тузилиши методини тўғри аниқлаш муҳимдир. Методни танлаш таълимий вазифалар характери, табиий объектнинг хусусиятлари, ҳамда болаларнинг ёшига боғлиқдир.

Машғулот давомида топширикни бажаришга барча болаларни жалб қилиш муҳимдир. Машғулот охирида қоидага биноан тарбиячи болаларни малака ва кўникмаларини уларнинг машғулотга муносабатларини, қизиқишларни педагогик жиҳатдан баҳолайди. Баҳоларнинг дифференциялашуви болаларнинг ёшига боғлиқ булади.

Экскурсиялар. Экскурсия болаларни табиат билан таништирувчи машғулотлар туридан биридир. Экскурсиялар вақтида бола табиат ходисаларини мавсумий ўзгаришларни табиий шароитда кузатиш инсоннинг ҳаёт талабларига мувофиқ табиатни қандай ўзгараётганини ва табиат қишлоқларга қандай хизмат қилаётганини қуриш мумкин.

Экскурсия машғулотларининг афзаллиги яна шундаки, унда болалар усимлик ва ҳайвонлар, улар яшайдиган муҳитни қуриш имкониятига эга буладилар. Экскурсия болаларга табиатда мавжуд бўлган ўз аро алоқалар ҳақида дастлабки дунёқараш тасаввурларини оламни материалистик тушунишни шакллантириш имкониятини яратади.

Экскурсиялар туфайли болаларда қузатувчанлик, табиатни ўзгаришига қизиқиш усади. Улар предметни синчиклаб қузатиш ва унинг характерини хусусиятларини қайд қилишга одатланадилар.

Табиатнинг гўзаллиги болаларда чуқур ҳиссиётлар уйғотади, учмас таъсурот қолдиради. Эстетик ҳиссиётларнинг усишига ёрдам беради. Шу асосда яна табиатга муҳаббат, унга эҳтиёткорона муносабатда булиш, ватанга муҳаббат шакллантирилади.

Экскурсияларни уюштириш. Экскурсиядан машғулот тури сифатида урта, қатта, ҳамда тайёрлов гуруҳларида фойдаланилади. Ҳар бир экскурсия учун барча болалар эгаллашлари шарт бўлган дастур мазмуни белгиланади.

Кундалик ҳаётдаги иш. Машғулот ва экскурсиялардаги қузатишларни кундалик ҳаётдаги шунингдек бошқа формалари билан узвий алоқада олиб борилади.

Сайрлар. Болаларни табиат билан таништириш учун сайрлардан қенг фойдаланилади. Сайрлар вақтида тарбиячи болалар тасаввурининг шаклланиши учун ўзок муддат талаб қилинадиган табиат ходисалари билан таништириш имконига эга булади. Болаларни қорнинг эриши, қуртақларнинг буртиши, майсанинг пайдо булиши ва шу қабилар билан таништирилади.

Сайрларда табиий материаллар қум, лой, сув, мўз, барг, ва шу қабилар билан қилма-қил уйинларни ташқил этиш мумкин.

Мақтабгача ёшдаги болаларда сезги тажрибаси йигилади, улар табиат ходисаларини барча алоқа ва муносабатларда табиий шароитларда қурадилар. Сайрлар болаларда қизиқиш уйғотади, уларга қатта қувонч, табиат билан муносабатда булиш эса қаззат бахш этади.

Мақтабгача ёшдаги болани табиат билан таништириш орқали боланинг қар томонлама билимларини эгаллаши психик қараёнларнинг қивожланиши, қобилиятларини усиши, илмий дунёқарашини шаклланиши ахлоқий сифатларни ижобий қулқ одатларини ўзлаштирилиши эстетик ҳиссиётларни қивожланишига эришилади.

Табиатнинг гўзаллиги болаларда чуқур ҳиссиётлар уйғотади, учмас таъсурот

колдиради, эстетик хиссиётларнинг усишига ёрдам беради. Шу асосда она табиатга мухаббат, унга эҳтиёткорона муносабатда булиш, ватанга мухаббат шакллантириб, табиатни урганишга кизиқиш (жонли ва жонсиз табиатга) усади. Оламни материалистик тушунчасини шакллантиради.

## **V.VI. ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТ МАШҒУЛОТЛАРДА БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ.**

Тасвирий фаолияти бўйича мактабгача таълим муассасаси дастури ва мактабда тасвирий санъат дастури болаларда теварак атрофга нисбатан, санъат болаларда эстетик муносабатни тарбиялаш ижодий қобилият ва тасвирлашларини ривожлантиришни кўзда тутди. Мактабгача таълим муассасаси машғулотида, мактабда мувоффақиятли ўқиб кетишлари учун зарур бўлган вазифалар хал этилади. Расм, аппликация, лой ишлари процесиди болаларда фикр юритишнинг анализ, синтиз, такрорлаш, конкретлаштириш кабилар шаклланади. Шунингдек бу процесларда болалар коллективда ишлашга, ўз ҳаракатини ўртоқларининг ҳаракатига бўйсиндиришга ўрганадилар.

Болалар боғчасида тасвирий фаолияти машғулоти болаларда, ўқув фаолиятида зарур бўлган малака кўникмаларни шакллантиради.

Булар : Топширикни тинглаш ва едда тутиш малум вақт орасида бажариш ўз ишини режалаштириш ва баҳолашга, бошланган ишни охирига етказишга, хато ва камчиликларини топишга ва уни тўзатишга материал куруларини ва иш жойини тартибга саклашга бошқалар.

Педагогларнинг олиб борган текширишлари шунинг курсатадики болалар боғчасида таълим-тарбиянинг бундай тизими болаларни мактабга тайёрлашга таъсир курсатади. Шунингдек бошқа психологлар Е.А. Лабунский ва бошқалар томонидан мактаб ўқувчиларининг тасвирлаш фаолиятини урганиш жараёнлари шунинг курсатиб утади, мактабда тасвирий санъат дарсларини тузилиши, болаларнинг боғчасида олган билим, малака ва кўникмалар асосида уларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият машғулотида болалар асосан амалий иш бажарадилар, санъат асарларини билан расмга караб хикоя килиш китобдаги иллюстрацияларни куриб чиқиш жараёнида танишадилар, мактабда тасвирий санъатнинг турлари ранг тасвир, график, хайкалтарошлик ва декоратив санъат асарлар билан янада чуқурок танишадилар. Мактабгача таълим муассасасида тасвирий фаолият машғулоти хилма-хилдир, расм, мазмунли декоратив ва лой аппликация машғулоти. Мактабгача таълим муассасасида машғулотларнинг ҳаммасига катта аҳамият берилди. Мактабда эса тасвирий санъат дарсларида расм (натурага караб) мавзу асосида ва декоратив турлари ўтказилди.

Бунда предметли расм бўйича натурага караб расм чизиш ўқув предмети аҳамиятига эга булади. Лой аппликация, куриш-ясаш бўйича амалий ишлар мактабда ишлар кўл меҳнатига киритилди. Бошлангич синф тасвирий санъат дастурини анализи, ишни курсатадики, предметли расм бўйича ўқув вазифаларини анча мураккаблик киритилишдан ташқари болалар боғча дастури бўйича айрим такрорлаш ишлари киритилди.

1-синфда болалар доира, квадрат, туртбурчак, овал каби тузилишга эга бўлган предметларни аниқлашга ўрганадилар, болалар олдида боғчада куйилган вазифа расм чизиш техникасини эгаллаш бўйича куйилди. Бунга сабаб, ҳамма болалар боғчадан мактабга келмайдилар ва шу сабабли болалар билан ишни мактабга келгунча тайёрлов гуруҳда олган билимларидан бошлаш лозим. Мавзу асосида расм чизиш болалар боғчасида ўтказилган мазмунли расмни давоми сифатида ўтказилди. Болалар теварак -атрофдаги ҳодиса ва предметларни кузатиб, кўриб чиқадилар, сўнг хотираларига асосланиб, уларни чизадилар. Ўқувчилар объектлар ўртасидаги мазмунли боғланишларни тасвирлашга узокдаги предметларни кичиклаштириб тасвирлайдилар.

Декоратив расм мактабда техник тартиблар бўйича вазифалар куйилди, яъни нақш тузилиши кетма-кетлигида тасвирлаш билан биргаликда ёрдамчи чизиклардан фойдаланиш ва ўз ишларда халқ амалий декоратив санъат элементларидан



фойдаланишга санъат хакида ўтказиладиган дарс суҳбат жараёнида урганадилар. Болаларни тасвирий санъатга ургатиш методларидан болаларни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш лозим. Катта мактабгача тарбия ёшидаги болалар ва кичик ўқувчиларининг иш хусусиятлари ўртасида куп яқинлик бор. Шунинг учун у ёки буларни ургатиш методикаси уртасида ҳам куп ухшашлик бор. Мактабда уқитувчининг расмини баъзи бир элементини курсатиш ва шу жараёнда тушунтириш тарбиячининг иш усулларини кўрсатиб беришга яқин туради. Мактабда ишнинг кетма-кетлиги тартибли курунишда булади Агар тасвирланадиган предметнинг тузилиши содда булса, тартиб тушинтирилгандан сунг, ўчириб ташланади. Агарда мураккаб тузилишга эга бўлган предметни тасвирланганда эса, уқитувчининг доскада курсатиб бериши билан кетма-кет тасвирлайдилар. Уқитувчи предметни умумий контурини каламнинг учи билан энгилгина белгилаб чиқиб, унинг кенглигини баландлигини ҳам белгилаб кўрсатади.

Сўнг ўқувчи предметни хомаки расми билан натурани солиштириб унинг қисмларини, шаклини ва аниқлайди, тузатади. Иш жараёнида кўрсатиш ва анализ қилиш учун расмлар тўплами, болалар китобчаларидаги рангли расмлар, шунингдек, ўқув характериға эга бўлган алоҳида расмларидан фойдаланади. Расм бўйича ўтказиладиган ҳар бир дарс уқитувчининг суҳбатидан ва тушунтиришдан ва расмни нимадан бошлаш кераклигини тушунтиришдан бошланади. Ишни амалий бажарилишга ўтишда ўқитувчи болаларининг тартибли равишда қизиши ва қоида ва йўлларни эслатиб туради. Катта боғча ёшидаги болалар ва кичик мактаб ўқувчиларининг ишиға ёки расмиға қўйилган талаблар бир-бириға жуда яқин. Болалар ишини анализ қилишда диққатни предмет пропорцияси, конструкцияси, қисмларининг боғлиқлиги, ранг ва композицион тузилишиға тортиш лозим. Шундай қилиб бошланғич синфларда таълим-тарбия масалаларининг мувоффақиятли ҳал этилиши, болалар боғчасида олиб бориладиган тасвирлаш фаолияти машғулотлари билан узвий равишда олиб борилади. Болаларни мактабга тайёрлаш мактабгача таълим муассасаларида амалға оширилади. Мактабгача таълим муассасалари катта гуруҳдаги Кузатишлар бўйича расм қизишға катта эътибор берилади, чунки бу нарса болаларни натураға қараб расм қизишға тайёрлашда этап ҳисобланади. Бу нарса болаларда кўриш хотирасини ривожлантиради, баъзида предмет болаларда натура сифатида тўғри тасвирлашға ёрдам беради. Болалар гуруҳдаги олиб бориладиган тасвирий фаолият машғулотларида, қаламдан, мўйқаламдан эркин фойдаланишға ўз характерини ва қўл кучини идора этишға ўрганадилар.

Бу малакани эгаллаш, болаларда қўлини энгил, эркин бир текисдаги ҳаракат қилиш хусусиятларини ривожлантиради. Болалар турли шаклдаги, катталиқдаги, турли пропорциядаги предметларни қизиш жараёнида предметнинг иш хусусиятиға қараб йўналишни сақлаш зарурлигиға, ҳаракатини, предметнинг узунлигиға мос равишда ҳаракатланишға ўрганадилар. Болалар боғчасида олиб бориладиган тасвирий фаолият материалдан тоза ва тартибли фойдаланишға ўрганадилар уларни тоза сақлашға фақат зарур материаллардан фойдаланишға, уларни ишлатиш йўлларини режалаштиришға ўрганадилар. Бу машғулот болаларда диққатни, кўриш хотирасини ривожлантиради.

Болалар боғчасининг тайёрлов гуруҳида натураға қараб расм қизиш ёки тасвирлашға нисбатан талаблар ошади ва бу талаблар мактаб талабиға яқинлашади. Болалар натурани анализ қилишға бутун умумий формани хомаки қоғозға тушириб олишға, расмни натураға солиштиришға, хато ва камчиликларини тўғрилашға, натураға ўхшатишға уринадилар. Натураға қараб тасвирлашда ишнинг кетма-кетлигини кўрсатиб, болалар боғчасининг тайёрлов ва катта гуруҳида ўрганишнинг бошланғич босқичидаги амалға оширилади. Кўрсатишда доимо фойдаланиш, болаларни расмни механик равишда ишлашға одатлантириб қўяди. Болалар натураға қараб тасвирлаш буларнинг барчаси болаларни барча дарсларда айниқса қараб тасвирлаш буларнинг барчаси болаларни барча дарсларда айниқса меҳнат дарсларида ўқув фаолиятининг муваффақиятли бўлишиға таъсир этади.

Болаларни тасвирий фаолият машғулотлари геометрик шаклларни топа ёки кўра олишға, уларни терминлар билан аташға, кенглиги катталиги, ўзунлиги, баландлигини, қисмларнинг бир-бириға нисбатан фазовий жойлашишини билан танишишни болаларни мактабни 1-синфда элементар математик тушунчаларини пухта эгаллашлариға ёрдам беради. Болалар боғчасида керакли материаллардан куриш, ясаш

болаларда кўз билан чамалашни шакллантиради ва болаларни мактабдаги техник дарсларни эгаллашга ёки ўзлаштиришга ёрдам беради. Болалар боғчасининг катта гуруҳидаги натурага қараб расм чизиш машғулотларда мантикий фикр юритишга, кузатишга асосий ажратиб кўришга предметни фазовий хусусиятларини анализ қилишга ўзлари мустақил равишда тасвирлаш воситаларини танлашга ўрганадилар. Буларнинг ҳаммаси эса мактабда ўқиш процессида зарурдир. Шундай қилиб, тасвирий фаолият машғулотларида болалардаги бадиий дид ва ижодий қобилиятлар ўсади ва бу орқали мактабда ўқишга тайёрланиб борилади .

## **VI. БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ, ОИЛА ВА МАКТАБ ХАМКОРЛИГИ.**

### **VI.1. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ОИЛА БИЛАН ХАМКОРЛИК ИШ ШАКЛЛАРИ.**

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг оила билан олиб борадиган иш мазмунига қуйидагилар киради:

- бола тарбияси, оилани мустахкамлаш, оналик ва болаликни химоя қилиш бўйича мактабгача таълим муассасасида амалга оширилаётган ишларнинг мазмуни билан таништириб бориш;
- ота-оналарга ўз фарзандларининг тарбияси учун давлат ва жамият олдида жавобгар эканликларини тушунтириб бориш;
- ота-оналарни бола тарбияси учун зарур бўлган билим, малакалардан хабардор қилиш (болаларнинг ёш, анатомик-физиологик ва рухий хусусиятлари, уларни оилада тарбиялашнинг мазмуни, методи, шарт-шароитлари билан таништириш);
- бола тарбиясида оила билан ҳамжихатлик, болани тўғри тарбиялашни назорат қилиб бориш, оила тарбиясининг энг яхши намуналарини ўрганиш ва оммалаштириш.

Бола боғчада эгаллаган энг яхши фазилатларни оила шароитида давом эттириб, оилада эгаллаган энг яхши фазилатларни эса болалар боғчасида қўлланса исталган ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Тарбиячилар оила тарбиясига доир тажрибаларидаги ижобий ишларни кўрибгина қолмай, балки уни қўллаб-қувватлаш вазифаларга қаратишлари лозим.

Юқоридаги ишларни режалаштириш, ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилишда мудира жавобгар шахс ҳисобланади.

Ота-оналар билан ишлаш бўйича йиллик режа тўзилади. Бу режа педагогик кенгашда муҳокама қилинади. Режада умумий ва гуруҳий мажлислар, ота-оналар учун очиқ эшик кунлари, суҳбат ва маслаҳатлар, оталиқ ташкилотларида кўргазмалар ташкил этиш ва концертлар қўйиб бериш, шунингдек бу тадбирларни ўтказиш вақтлари ва унга маъсул бўлган шахслар белгиланади.

Ота-оналар билан олиб бориладиган ишларнинг мавзулари ва мазмуни тарбиячи-методистнинг режасида ва тарбиячининг календарь режасида акс этади.

Ота-оналар билан ишлаш бўйича жуда кўп ишларни тарбиячи – педагог амалга оширади, чунки у бола тарбиясида юз бераётган ўзгаришларни ҳаммадан кўпроқ кўради ва болалар ҳаёти билан яқиндан таниш бўлади. У ота-оналарга болалар тарбиясида нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклиги, уларни мактаб таълимига тайёрлаш, соғлиғини сақлаш, овқати ва кун тартибини тўғри ташкил этиш ва бошқалар соҳасида тавсиялар бериб боради.

Болалар боғчаси ва оила ўртасида ҳамкорлик ўрнатишда мудира, педагоглар жамоаси ва ота-оналар биргаликда фаол иштирок этишлари лозим. Шундагина бола тарбиясида кутилган натижаларга эришиш мумкин.

Ота-оналар билан ишлашда қуйидаги алоҳида иш шаклларидадан фойдаланилади: суҳбатлар, маслаҳатлар, оилаларга бориш, айрим ота-оналарни боғчага таклиф этиш, алоҳида эсдаликлар ва кўчма папкалардан фойдаланиш.

Боланинг уйига боришдан кўзланган мақсад- оила шароити, боланинг оиладаги ҳуқуқи қизиқишлари, ота-онаси ва оила аъзолари билан танишиш, шунингдек ота-оналарни бола тарбиясининг самарали усуллари билан таништириш ва оиланинг бола тарбиясидаги ижобий тажрибаларни ўрганиб, оммалаштиришдир.

Тарбиячи боланинг уйига текширувчи сифатида эмас, балки дўст, бола

тарбиясидек мураккаб ишда ёрдам берувчи сифатида бориши, оила аъзолари билан назокат ва хушмуомалалик билан муносабатда бўлиши керак. Тарбиячи хар бир оилага хар галл боришидан аввал ўз олдига аниқ мақсадқўйиши, қайси мавзуда суҳбатлашишини олдиндан белгилаб олиши лозим. Ота-оналарга бериладиган саволлар пухта ўйланган бўлиши керак.

Суҳбат шундай тўзилиши керакки, тарбиячи билан ота-она бир-бирларини яхши тушунишлари, улар ўртасида ишончли алоқа ўрнатилиши даркор. Оилага боришдан олдин тарбиячи шу оила тўғрисида (ота-оналарнинг феъл-атвори, оилавий муносабатлар, боланинг ривожланиш даражаси) тўғрисида маълум тасаввурларга эга бўлиши керак. Тарбиячи ота-оналар хурмати ва ишончини қозонмоқ учун аввал ота-оналарга боланинг ижобий фазилатлари тўғрисида фикр, мулохазаларини билиб олади ва боланинг уйидаги ҳаётини қандай ташкил этиш кераклиги, унга нималарни ўқиб ва хикоя қилиб бериш мумкинлиги, боланинг кун тартиби, уни оила меҳнатида қатнаштириш, катталарга хурмат руҳида тарбиялаш каби таълим - тарбия ишлари мазмуни ва усуллари бўйича тавсиялар беради.

Албатта, тарбиячининг оила билан олиб борадиган ишида боланингёши, имкониятлари, ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади.

Тарбиячининг ота-оналарга берадиган тавсия ва маслаҳатлари ишонарли бўлиши учун ота-оналар ёки оиланинг бошқа аъзолари мактабгача таълим муассасасига таклиф қилинади. Бунда ота-оналар боланинг навбатчилик вазифасини қандай бажараётганини ёки сайрга чиқишдан аввал у қандай кийинаётганини кўрадилар ва болаларнинг уқув ва имкониятларига ишонч хосил қиладилар.

Оилага боришнинг мақсад ва мазмуни тарбиячининг режаси ва ҳисоботида, кундалик дафтарида акс эттирилиши керак. Тарбиячи хар бир боланинг оиласига йилиги камида 2 марта бориши керак.

Ота-оналар билан олиб бориладиган ишларнинг мазмуни ранг-баранг бўлиб, унда айрим масалалар биргаликда муҳокама қилиниши тақозо этади. Масалан:

- болаларни тарбиялашда оиланинг роли, ота-оналарнинг вазифаси тўғрисидаги қонунлар, болаларни мактабга тайёрлаш ҳақида;
- мактабгача тарбия муассасаларининг йиллик иш режаси тўғрисида;
- ота-оналар жамоатчилигининг иши ҳақидаги масалалар шулар жумласидандир.

Бу масалаларни жамоа бўлиб муҳокама қилиш учун ота-оналарнинг гуруҳи ва умумий мажлислари, маслаҳатлар, конференциялар, ота-оналар кечалари каби иш шакллари жамоа иш шаклларига киради.

**Ота-оналар мажлиси.** Ота-оналар мажлисига боғчадаги ҳамма гуруҳ болаларининг ота-оналари, параллел гуруҳлар ота-оналари ва битта гуруҳ болаларининг ота-оналари таклиф этилиши мумкин.

Умумий мажлисда ота-оналарни мактабгача таълим ёшидаги болаларни хар томонлама ривожлантириш ва тарбиялаш вазифалари, шу йилги режалар, ота-оналар кўмитасининг фаолияти, оила тарбиясидаги илғор тажрибалар билан таништирилади. Бунда мажлисда мудира ёки методист-тарбиячи маъруза қилади, ота-оналар сўзга чиқишади, болалар гапиришади. Булар таълим-тарбия ишидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб олишга имкон беради, оила ва жамоатчилик алоқасини мустаҳкамлайди, ота-оналарнинг ўз боласининг тарбияси учун жавобгарлигини оширади, уларда боғчага қизиқиш уйғонади.

Гуруҳдаги ота-оналар мажлисида мазкур ишдаги болаларнинг ота-оналари учун долзарб бўлган масалалар муҳокама қилинади.

Масалан, умумий мажлис мавзуси «Болаларга ахлоқий тарбия беришда оиланинг роли» бўлса, ўрта гуруҳда ўтказиладиган мажлисда бу мавзу мураккаблаштирилиб, «Болаларда меҳнатсеварликни тарбиялашда боғча ва оиланинг биргаликдаги ишлари», «Болаларда катталарга хурматни тарбиялаш» ва ҳаказо бўлиши мумкин.

Ота-оналар учун тайёрланган маърузани болалар ишини, тегишли мавзудаги кинофильм, диапозитивлар кўриш билан қўшиб олиб бориш мумкин. Болалар ҳаёти, фаолияти тўғрисидаги мисоллардан фойдаланганда ижобий материаллар кўпроқ бўлиши керак, салбий фактларни гапиришда эҳтиёткорлик ва одоб доирасидан четга чиқмаслик, танқид қилинувчиларнинг номлари кўрсатилмаслиги лозим. Танқидий мулохазалар мажлисдан кейин яқка тартибдаги суҳбат орқали ота-оналарга

етказилиши, бола тарбиясидаги хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсиялар таклиф этилиши мумкин.

Йилнинг охирида ўтказиладиган гуруҳ мажлисида ота-оналарга бир йил мобайнида амалга оширилган таълим-тарбия ишлари ва келгуси йилнинг режалари, ҳақида гапириб берилади. Бу мажлисда фаол ота-оналар ҳам ҳисоб берадилар ва фаолларнинг янги таркиби сайланади.

**Ота-оналар бурчаги ва кўргазма ташкил этиш.** Ота-оналар бурчаги уларни тарбияга оид янгиликлар ва педагогик масалалар билан таништириш мақсадида ташкил этилади. Уларга китоблар, журналлар, расмлар, болаларнинг ишлари, болалар овқатининг хиллари, боланинг уйдаги ва оиладаги кун тартиби, ота-оналар учун эслатмалар, эълонлар жойлаштирилади. Бурчак вақти-вақти билан тарбия вазифасига қараб ўзгартириб турилади.

Педагогик билимларни тарғиб қилиш бўйича ташкил этиладиган кўргазмалар кўпинча ота-оналар конференциялари, мажлислари, консультациялар олдидан ташкил этилади. Унда халқ таълим тўғрисидаги қонун ва қарорлар, мактабгача таълим муассасалари тармоқлари ва ундаги тарбияланувчилар сонининг ўсишини кўрсатувчи диаграммалар, болалар билан олиб бориладиган таълим - тарбия жараёнлари, болалар ҳаётини акс эттирувчи тасвирлар, китоб ва ўйинчоқлар, болаларнинг ишлари ўрин олади. Ота-оналар бурчаги оила билан олиб бориладиган ишнинг кўргазмали усули, унинг дид билан безатилишига алоҳида эътибор берилиши керак. Бундан ташқари, ота-оналарга тарбия тўғрисидаги фильмлар намойиш этилади, булар кўпинча ота-оналарни қизиқтирадиган бахслар бошланишига сабабчи бўлади.

Ота-оналар учун очик кунлар ташкил этилиши ҳам мактабгача таълим муассасалари ишида муҳим ўрин эгаллайди. Бундай кунларда ота-оналарга болаларнинг машғулотлари, меҳнат, ўйин фаолиятлари, сайрлар ва болаларнинг жамоада ўларининг қандай тутушлари ва шунга ўхшашлар кўсатилади.

**Ота-оналар кўмитаси.** Ота-оналар кўмитаси «Мактабгача таълим муассасасининг Устави»га биноан мудирага ёрдам бериш учун тўзилади. У ота-оналарнинг умумий мажлисида бир йил муддатга сайланади. Бу кўмитага ҳар бир ёш гуруҳ ота-оналаридан 1-2 вакил сайланади. Кўмитанинг асосий вазифаси мудирага мактабгача таълими муассасасининг хўжалик ва таълим-тарбия ишларида ёрдам бериш, кўмита аъзолари, ота-оналар мажлиси ва кечаларни тайёрлаш, ўтказиш ва бошқа ишларда тарбиячиларга кўмаклашишдир.

Ота-оналар кўмитаси болаларнинг ота-оналар билан танишади, болаларни тайёрлаш бўйича улар билан иш олиб боради. Кўмита аъзолари ҳар икки ойда бир марта йиғилиш ўтказишади. Ота-оналар кўмитаси мудиранинг иш режалари ва ишнинг ахволи тўғрисидаги ота-оналарни қизиқтирувчи баъзи масалалар ҳақидаги маъруза ва ҳисоботни эшитишга ҳақлидир.

Ота-оналар кўмитасининг фаолияти ҳақидаги ҳужжатлар мактабгача таълим муассасасида сақланади.

**Аҳоли ўртасида педагогик билимларни тарғиб қилиш.** Педагогик билимларни тарғиб этиш натижасида миллионлаб кишилар болаларини оилада мактабгача таълим муассасасида тарбиялаш принципларини онгли равишда англаб олдилар.

Корхоналарда, хўжаликларда, жамоа жойларида, маҳаллаларда оилада бола тарбияси тўғрисида маърузалар билан чиқиш, телевидения ва радио эшиттиришлар, педагогик тарғибот ишининг кенг воситаларидандир. Шунингдек, бу тарғибот вақтли матбуот: «Мактабгача таълим», «Халқ таълими», «Педагогик таълим», журналлари, кўп сонли бадий педагогик, илмий оммабоп ва методик адабиётларни чиқариш орқали ҳам амалга оширилади.

Ота-оналар учун махсус педагогика ва рухшунослик, анатомия ва физиология, оила тарбияси назарияси ва амалиёти тўғрисида маърузалар ўқиш, болалар тарбияси тўғрисида кинофильм ва спектакиллар намойиш қилиш.

Бу машғулотларни ҳар хил соҳалар бўйича юқори малакали ўқитувчи, актёр, рухшунос мутахассислар олиб борадилар.

Педагогик тарғибот ишида қуйидагиларга амал қилиш керак:

1. педагогик тарғибот ҳаёт, жамият қурилиши амалиёти билан боғлаб олиб борилиши лозим. Педагогик тарғибот орқали кенг жамоатчиликка болаларни ҳар томонлама тарбиялаш масалалари ва уларни амалга ошириш йўллари, илмий асосланган усуллари

бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади.

2. Оила тажрибасидаги ижобий тажрибалар, оиладаги бола тарбиясида йўл қўйилган хатолар ва уларни олдини олиш, бартараф этиш йўллари тўғрисида тарғибот ишларини олиб борилади.

3. Педагогик тарғиботга тайёрлашда ота-оналар ҳар хил савияда эканликлари ҳисобга олиб, улар учун тайёрланган ахборот материаллари ишонарли, кўргазмалари ва уларнинг хис туйғусига таъсир кўрсатадиган бўлиши керак.

Шундай қилиб, мактабгача таълим муассасаси ва ота-оналар билан ҳамкорлик ишларини мунтазам равишда олиб боргандагина оила тарбияси ва ижтимоий тарбия ўртасидаги бирлик ўрнатилиши мумкин.

## **VI. II. БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДА МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ.**

Болалар боғчаси билан мактаб ўртасида ўрнатиладиган ҳамкорликнинг ҳар томонламалиги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш вазифасини муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартидир.

Болалар боғчаси ва мактаб ўртасидаги боғлиқлик бир томондан болаларни мактаб таълими талабларига жавоб берадиган даражада умумий ривожлантириб ва одобли қилиб тарбиялаган ҳолда мактабга ўтказишни, иккинчи томондан, ўқитувчининг катта боғча ёшидаги болаларнинг эгаллаган билим, малака сифатларига ва тажрибаларига таяниб, улардан ўқув тарбиявий жараёнда фойдаланишни тақозо этади.

Болалар боғчаси ва мактаб ўртасидаги ўзвий боғлиқлик катта боғча ёшидаги болалар ва мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериш шароитини яқинлаштиришга ёрдам беради.

Мактабгача тарбия муассасаси ходимлари биринчи синфда болалар олдида қўйиладиган талабларни яхши билишлари, мактабга тайёрлов гуруҳидаги болаларни шунга мувофиқ равишда таълим олишга тайёрлашлари керак.

Мактаб ва боғча ўртасидаги ўзвий алоқа мураккаб ва кўп томонлама тўзилишга эга. Унда таълим-тарбиявий ишларнинг мазмуни, метод ва усуллари, ташкилий шакллари, шунингдек болаларни тарбиялаш шарт-шароитлари ва педагогик талаб каби етакчи томонларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Бунда қуйидагиларга этибор бериш керак:

- Мактаб талаби нуктаи назаридан болалар билимларни чуқурроқ эгаллаб олишлари лозим.
- Боғча нуктаи назаридан болаларни мактаб талаби даражасидаги билим, малака, кўникмалар билан қуроллантириш зарур.
- Болаларни мактабга руҳий тайёрлиги. Бу ерда вазифа болалар меҳнатнинг ҳар қандай турига тайёр туришлари, уларда ақлий меҳнат- билишга қизиқишни ўстириш, уларни келажакдаги мустақил ҳаётга тайёрлашдан иборат.

Мактаб билан боғча ўртасида ўзвий алоқа асосини болалар боғчаси ва мактабда амалга ошириладиган таълим – тарбия ишлари мазмунини белгиловчи дастурлар ўртасидаги боғлиқлик ташкил этади.

Ҳозирги бошланғич синфлар дастури билан боғча дастурини олиб солиштирадиган бўлсак, улар ўртасида бирқанча ўзаро боғлиқликни кўрамиз. Бу энг аввало дастурларда асос қилиб олинган принципларнинг умумийлиги билан белгиланади. Уларнинг мазмуни болаларни ҳар томонлама тарбиялаш мақсад ва вазифаларига мос келиш принципи, ҳаёт билан боғлиқлик, илмийлик принциплари, таълимнинг тарбияловчи ва ривожлантирувчи хусусиятга эгаллиги ва фалсафий, руҳий нуктаи назарларнинг бирлигида намоён бўлади.

Биринчи синф ўқув дастури айрим предметлар бўйича болалар боғчаси дастури билан солиштирганда уларда умумийлик кўплигини кўрамиз. Масалан, болалар боғчасида она тилига ўргатиш ва бошланғич синфлардаги она тили дарсига болалар нуктаи ҳар томонлама ривожлантириш каби умумий ғоя асос қилиб олинади.

Болалар боғчаси бу иш болаларнинг луғатини бойитиш, товушларни тўғри талаффуз қилишга, ифодали ўқишга ўргатиш, боғланган нутқни шакллантириш орқали амалга оширилади. Мактабда эса болаларда мана шу боғчада эгалланган билим, малака, тушунчаларга асосланиб, ёзма нутқ малакаси, орфография хат малакаси шакллантирилади, уларга морфология ва синтаксис элементлари ўргатилади. Шу билан

бир қаторда боғчада бошланган болалар луғатини бойитиш, нутқнинг ифодалилиги, боғланган нутқни ривожлантириш давом эттирилади.

Болалар боғчасида ҳам, мактабда ҳам табиатшунослик тўғрисидаги билимлар организм билан муҳитнинг бирлиги тўғрисидаги умумий ғояга асосланган ҳолда олиб борилади. Шу асосда болаларга жонли ва жонсиз табиат, табиат ва кишилар ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида билим ва тушунчалар берилади.

**Болаларни мактаб ва ўқувчилар ҳаёти билан таништириш.** Боланғич синф ўқувчиси ва боғчанинг тайёрлов гуруҳи тарбиячиси тайёрлов гуруҳи болаларини мактаб билан таништириш бўйича экскурсия уюштирадilar. Бундай экскурсиялар йил давомида 3 марта ўтказилиши мумкин. Экскурсия пайтида катта ва тайёрлов гуруҳи болалари мактаб ўқувчилари билан танишадilar, улар боғча болаларига ўзларини мактабдаги ўқишлари, ишлари тўғрисида гапириб берадилар; ўқувчилар хонасини қандай беаганликлари, табиат бурчагидаги ўсимлик ва ҳайвонларни қандай парвариш қилаётганликлари, устахонада қандай ишларни бажараётганликларини кўрсатадилар.

Иш шакли қуйидагича бўлиши мумкин:

- синфда «Расмга қараб сўзлаб бериш» мавзусидаги дарс – машғулоти бирга ўтказиш. Спорт майдончасида ёки спорт залида мактабдаги жисмоний тарбия машғулотини бирга бажариш;
- биринчи синф ўқувчилари ва тайёрлов гуруҳи болалари ишлаган расмларни биргаликдаги кўргазмасини ташкил этиш;
- мактаб устахонасида ўқувчиларни меҳнат машғулотини кузатиш. Ўқувчилар ўзлари тайёрлаган ўйинчоқларни боғча болаларига совға қилишади;
- мактабда ўқиётган болалар ўз боғчасига келишади;
- «Мактаб» ўйини ташкил этиш.

Болалар боғчаси тарбиячиси ва бошланғич синф ўқувчиси фаолиятига изчиллик яққол намоён бўлади. Бири болаларни тарбиялаш ва таълим беришни бошлайди, иккинчиси давом эттиради. Мактаб билан боғча ўртасидаги аҳола мустаҳкам бўлгандагина бола тарбиясидан кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

**Болалар боғчаси билан мактаб ўртасидаги алоқанинг мазмуни ва шакллари.** Боғча ва мактаб ўртасидаги алоқа икки йўналишда олиб борилади:

- Болалар боғчаси билан мактабнинг педагоглар жамоаси ўртасидаги алоқа.
- Боғча болалари ва бошланғич синф ўқувчиларини бир-бирларига яқинлаштириш.

Тарбиячилар бошланғич синфда олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишнинг мазмунини, ўзига хос томонлари билан танишадilar, натижада боғчада болани мактаб талаби даражасида тайёрлаш истиқболлари белгилаб олинади. Мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари катта ва тайёрлов гуруҳларида олиб бориладиган ишлар мазмуни билан танишиб борадилар ва мактабда таълим беришда болалар эгаллаган билим, малака ва кўникмаларга асосланадилар.

Болалар боғчаси билан мактаб педагогларининг ўзаро алоқа ўрнатишларидан кўзланган асосий мақсад болаларни замон талабига жавоб берадиган даражада мактаб таълимига тайёрлаш учун ўқув тарбиявий ишлар бўйича мактаб билан боғча ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш, болаларнинг мактабда муваффақиятли ўқиб кетишлари учун болалар боғчаси ва мактабда олиб борилаётган таълим-тарбиявий ишларни чуқур таҳлил қилиб, бу соҳада юқори натижаларга эришишдир.

Болалар боғчаси билан мактаб педагогик ташвиқот, методик ва амалий масалалар юзасидан бир-бири билан алоқа боғлайди. Педагогик ташвиқот ишлари болалар боғчаси мактабга тайёрлов гуруҳи тарбиячисининг ва биринчи синфда олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишлар вазифаси билан таништиришни, мактабга тайёрлов гуруҳи ва 1-синф дастури мазмунини, тайёрлов гуруҳи болалари в мактабдаги 1- синф ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни тақозо этади.

Болалар боғчаси билан мактаб ўртасидаги узвий алоқанинг педагогик вазифаси боғчанинг тайёрлов гуруҳида ва мактабнинг 1-синфида олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишларни амалга оширишдаги фаолият шакллари ва усуллари билан ўзаро танишишни тақозо этади.

Бу масалада боғчанинг тайёрлов гуруҳи тарбиячилари мактабнинг 1-синфида олиб борилаётган дарсларни кўзатадилар ва дарс, машғулотлардан кейин биргаликда йиғилишиб уни муҳокама қиладilar, айрим методикалар бўйича семинар-практикумларда қатнашадilar: илғор тажрибалар билан ўртоқлашиш, браларни

мактабга тайёрлаш бўйича ёки 1-синфда болаларга билим бериш бўйича педагогик кенгашларни ўтказдилар.

Болалар боғчаси билан мактаб ўртасидаги алоқанинг амалий вазифаси, шундан иборатки, бир томондан, ўқитувчи боғчанинг тайёрлов гуруҳига бориб ўзининг бўлажак ўқувчилари билан танишиб боради, иккинчи томондан, тайёрлов гуруҳи тарбиячилари ўзларининг собиқ тарбияланувчиларини биринчи синфда қандай ўқиётганини ўрганиб борадилар.

Болалар боғчаси билан мактаб ўртасидаги узвий алоқа самарали бўлиши учун қуйидаги шартларга амал қилиш лозим. Боғча билан мактаб ўртасидаги алоқа изчил амалга оширилиб борилиши, у узок муддатга мўлжалланган бўлиши, амалга ошириладиган ишлар, ҳал қилинадиган масалалар режали тусда бўлиши зарур.

Ҳамкорлик асосини биргаликда ишлаш бўйича тузилган истиқбол режаси ташкил этиб, унда ўзаро алоқанинг бош вазифаси, мазмуни, иш шакллари, вақти, бажариш учун жавобгар шахслар кўрсатилиши лозим.

Мактаб билан боғча йил давомида манна шундай алоқа ўрнатиб бориши натижасида таълим-тарбиявий ишлар яхши натижа беради.

Болаларни мактаб ўқувчиларига яқинлаштириш шакллари ҳам хилма-хил: мактабга экскурсия уюштириш, синф хонасига, кутубхона, байрам эрталиклари ўтказиш ва бошқалардир.

Режалар аниқ, мазмунли бўлса ва оғишмай амалга оширилиб борилса, биргаликдаги ишлар бўйича исталган натижаларга, муваффақиятларга эришиш мумкин. Бу эса болаларни мактаб таълимига тайёрлашда, уларнинг мактабда қийналмай ўқиб кетишларида яхши самара беради.

## **VII. БОБ.ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ ХАР ТОМОНЛАМА МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШ.**

### **VII. I. ОИЛАДА БОЛАНИ МАКТАБ ТАЪЛИМ ТАРБИЯСИГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ.**

Боланинг мактаб таълимига психологик ривожланишнинг асосий вазифаларидан биридир. Мактабга бориш бола ҳаётида энг қийин вазиятлардан ҳисобланади. Бу ҳаётнинг янги образига, фаолиятнинг шароитларига, жамиятнинг янги ўрнига катталар ва тенгдошлари билан мулоқотга кириш даври ҳисобланади. Ўқувчининг вазифаси шундан иборатки, унинг учун ўқиш мажбурий, жамиятда ўринли фаолият ҳисобланади. У ўқитувчи, мактаб, оила олдида жавобгарликни ўз бўйнига олади.

Ўзаро мулоқот ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида шаклланиб боради. Ўқитувчи нафақат ўрнатилган кўрсатадиган инсон балки, у бола олдида қўйилган талабларни етказадиган жамият вакилидир. Ўқувчининг дарсида оладиган баҳоси унинг ўзига эмас балки, ўқувчи мажбуриятларини бажарган билимига қўйилган объектив баҳосидир.

Мактаб ўқувчисининг ўқиш фаолияти мазмунига кўра мактабгача ёшдаги боланинг ўзига хос фаолият турларидан фарқли ажралиб туради. Болаларга берилаётган мактабдаги билим фанга тааллуқли характерга эга.

Агар шу пайтгача бошланғич таълимга тайёргарликни кўрилган бўлса, энди у ҳақиқатдан шунга интилган гуруҳ бўлиб, у 1-синфдан бошланади. Ўқувчи ишининг формаларидан бири дарс ҳисобланади. Бу дарсида ҳар бир дақиқа ҳисобга олинган бўлиб ҳамма болалар ўқитувчининг кўрсатмаларига риоя қилишлари керак.

Мактаб ўқувчисининг асосий ҳаётий мажбурияти ва фаолияти унинг шахс бўлиб шаклланишидаги руҳий ҳолати ва билимлари олдида қўйилган талабларидан биридир.

Мактаб ўқувчиси ўқишга жавобгарликни хис қилган ҳолда ёндашиши керак. Мактаб ҳаётидаги қонун – қоидаларга риоя қилиши керак. Яхши ўқиши учун у кенг билим доирасига эга бўлиши лозим. Мактаб ўқувчиси шундай сифатга эга бўлиши керакки, у билим олишни, ўқишни билиши ўқитувчи топшириқларини маъносини

тушуниши керак. Ўз- ўзини назорат қилиши ва ўз-ўзига баҳо бериш билимига эга бўлиши керак.

Боладаги эркинлик хусусиятлари катта ахамиятга эга. Эркинлик нафақат ташқи кўринишида балки, боланинг ақлий фаолиятида, диққатида, хотирасида, фикрлашида ўз ўрнини топиши керак. Бола кузатишни, эшитишни, эслаб қолишни, ўқитувчи томонидан кўйилган вазифаларни ечишни билиши керак. Бола ҳаётдаги воқелик билан илм-фаннинг ўзвий боғлиқлигини фан ўрганапти. Бу тушунча, кетма-кетлик билан ақлий фикрлаш доирасида бўлиши керак.

Мактаб таълимга болада психологик тайёргарлик унинг мактабга бориш даврида шаклланиб боради. Бу психологик хусусиятлар ўқувчини шакллантиради ва бу унинг мактабдаги ҳаёти ва фаолияти давомида шаклланиб боради. Мактабгача бўлган даврда бу хусусиятлар шаклланиб, мактаб шароитига болаларда истак хосил қилади. Ўқишга хошиш, қизиқиш уйғонади. Кўпчилик болаларда бундай хошиш мактабгача бўлган даврнинг сўнгида туғилади.

Мактаб ўқувчиси булиш учун ўзига тортаётган нарса – “Мактаб- ҳаётининг атрибутлари”, “Партада ўтириш”, “ганафус”, “баҳолар”, “портфел”....

Бу нарсалар ўқувчиларда шундай намоён бўлади: - Мактабда менга ёқадиган нарса... “У ерда менга баҳо кўйишади”, “Боғчада тарбиячи, мактабда ўқитувчи ”

Бундай ташқи вазиятлар ўқишдан ҳам кўра, жамиятда ўз ўрнини ўзлаштириш ва бошқа инсонлар ўртасидаги ўрни бола учун катта ахамиятга эгадек кўринади. Мактабга бориш даври болада психологик тайёргарликни муҳим ўрни унинг эркин ривожланишидир. Турли болаларда бу давр турли хил ўтади. Лекин 7 ёшга яқинлашганда 1-синфга келиши билан мактаб ва ўқитувчи томонидан кўйилган ҳаётий фаолиятига тез киришиб кетади. Бошланғич синфдаги таълим болаларнинг ўқиш даврида уларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда талаблар ҳам кўйилади. Ақлий ривожланиш боланинг мактабга тайёргарлик вақтида 1-синфга келган бола учун бизни ўраб турган олам нарсалар уларнинг хусусиятлари жонли жонсиз табиатнинг ходисалари ҳақида, одамлар уларнинг меҳнати, “Нима яхшию- нима ёмон?”, яъни ўзини қандай тутуши керак, шу каби захира билимлари бўлиши керак. Мактаб учун болалар тасавурида йиғилган билимлар қанчалиги эмас балки уларни тўғри ва аниқлиги муҳим роль ўйнайди. Яхши билим олганда болалар ходисанинг ҳақиқийлигини кўра била оладилар. Бундай тасавурлар болада мактаб илм фанини ўрганишда катта ёрдам беради. Систематик равишда ҳар бир фанини ўрганиш бу келажакка интилиш ҳисобланади.

Агар ўқувчи мактабга ва ўқишга қизиқиши етарли бўлмаса янгиликлар уни қизиқтирмаса ўқитувчи ўзоқ муддатда ўқувчи билан ишлаши, қизиқишини уйғотиши лозим. Текширишлар шуни кўрсатадики бошланғич синфларда кўпроқ қийинчилик кўпроқ қийинчилик туғдирадиган болалар: боғча ёшидан кейин тўлиқ билимга эга бўлмаган болалар эмас, балки баъзи “интеллектуал пассив” яъни ўйлашга фикрлашга мисоллар ечишга хошиши бўлмаган болалар кўпроқ қийнайдилар. Мисол учун 1-синф боласи бир мисолни ҳеч ҳам еча олмади ҳадеб оғзига келган рақамлари: 5,3,10 деб айтаверди. Лекин ҳаётий мисол қилиб “Отанг сенга 1 сўм берди Онанг 1 сўм берди неча сўм бўлди?” деб сўраганда ҳеч ўйламасдан “Албатта 2” деб жавоб берди.

Айрим болаларда интеллектуал пассивлик сезилганда улар билан чуқурлаштирилган тарзда тарбиявий ишлар олиб бориш керак. Мактабгача ёшдаги болалар билим савияси етарли бўлса бошланғич синфларда яхши самара беради. Мактабга бораётган бола режа асосида предметларни ўрганиб уларнинг хусусиятларини сўзлаб бериши керак. Улар дунё олам ҳақидаги тушунчаларни албатта ўқитувчи ёрдамида тўлиқ фикрлай ола билиши керак. Мактабда бола биринчи кунданок ташқи муҳитдан фойдаланган ҳолда ўқитувчи томонидан топшириқлар олади. Шундай топшириқлардан бири “Чапга, юқорига, нуктадан ўнг пастки нукталарни бирлаштиринг” ёки яна бошқача топшириқ тури ва унга вақт бериш унинг бажарилишини кузатиши керак. Айниқса болаларнинг фикрлаши қобилиятига талаб кучли. Бола ташқи муҳит ходисаларни аниқлаши, таққослаши ёки бошқачалигини фарқлай олиши керак, уларни мулоҳаза қила олиши лозим. Дарсда у ўқитувчини кузатиши ва ундан сўнг хулоса чиқара олиши керак. Бундай фикрлаш хусусиятлари шуни кўрсатадики мактабга келган бола 1-синф дастурини тўлиқ эгаллай олади.



Рухий ривожланишнинг хусусиятларидан бири боланинг мактабда ўқишда унинг оғзаки, маъноли, кетма-кет сўзлашиб кўриб турган нарсаларнинг таърифлашини билиши керак. Боланинг мактабга психологик тайёргарлиги шахсий хусусияларида намоён бўлади, у синфдаги жамоага киришиб боришга, ўз ўрнини топишга интилади.

### **VII. П. ОИЛАДА БОЛАНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДА КУН ТАРТИБИНИНГ АХАМИЯТИ.**

Олти ёшли болаларни мактаб фаолиятидаги кун тартиби жуда мураккаб вазифа бўлиб, айрим ота-оналар бу масъулиятни айниқса бола ҳаёти ва мактабгача ёшдан ўтиш даврида муҳимлигини ҳис қилмайди. Уқиш даврини биринчи йили 1-синф ўқувчиларига катта талаб қўйилади. Бола меҳнат тизимига тайёрланади, унда янги мажбурият ва масъулиятлар пайдо бўлади. Унга белгиланганданда кўпроқ ҳаракатланиш тўғри келади.

Оила ташкил қилиб берган барча кун тартиби ва махсус шуғулланиш ҳамда идрок этишга боғлиқ машғулот болани мактабда ўқишга яхши тайёрлаш мумкин.

Болалар учун тўғри ташкил этилган бир кунлик кун тартибини уни нафақат билимига балки соғлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Кун тартибини бирданига ўзгариши бола руҳиятига катта таъсир кўрсатади. Ота-оналарга кун тартибини тўғри ташкил қилиш учун биринчи жадвал ёрдам беради.

#### **Олти ёшли боланинг оиладаги тахминий кун тартиби. (1-жадвал)**

Тартибли лаҳзалар	Вақти
Уйқудан туриш, эрталабки бадантарбия, ювиниш.	8-00-8.45
Нонушта	8-45-9.15
Сайр	9-15-10-00
Машғулот	10-00-11-00
Сайр, ўйин ва кўнғил очиш тоза хавода	11-00-12-45
Тушлик ва кундузги уйқуга тайёргарлик	12-45-13-00
Кундўзги уйқу	13-00-15-00
Машғулот ва	15-00-16-30
Сайр ва тоза хаводаги ўйин	16-30-18-00
Тинч ўйин	18-00-20-00
Кечки уйқуга тайёргарлик, ювиниш, тишини тозалаш	20-00-20-30
Уйқу	20-30

Кун тартиби умумий кўрсаткич асосида олиниб: кундўзи ва кечки уйқу, гигиеник тайёргарлик, етарлича тоза хаводаги фаол ҳаракатдан турли машғулотларни олиш бу навбатма навбат алмаштириш ва овқат рационидан иборат. Меъёридаги уйқу вақтида бола организми дам олади уни ишчанлик қобилияти тикланади.

Соғлом болани ҳар куни бир вақтда ухлашга ўргатсак, тезда кўникиб, ухлаб қолади. Белгиланган вақтга болани ухлашга ва уйғонишга одатлантириш жуда муҳим.

Уйқудан олдин асосан кечки уйқудан олдин бола тинч ва хотиржам бўлиши керак. Уйқудан олдин катталар болаларга кийимларини ва оёқ-кийимларини саранжомлашга ўргатадилар. Кейин болалар умумий гигиена қоидаларини амалга оширадилар. Нафақат гигиена орқали эмас, сув билан чиниқиш асаб системасига таъсир кўрсатади. Бу ҳар куни бир вақтда амалга оширилса, бола тезда уйқуга кетишига ёрдам беради.

Бола ўрни озода, жуда қаттиқ ҳам юмшоқ ҳам бўлиши керак эмас. Шу каби товушлар, чироқ, радио овози, қаттиқ гаплашиш бола уйқусига ҳалақит беради.

Бола тез-тез шамоллатиб бориладиган хонада ухлаши зарур. Совуқ кунларда хона ҳарорати +18 градус бўлиши керак. Кечки уйқу 11.5, 12 соатга чўзилиши мумкин.

Мактаб ёшидаги бола ҳар куни камида 4 соат очик хавода бўлиши шарт. Очик хавода болани юриши уни ҳаётий жараёнларини (моддалар алмашинуви, нафас ва юрак қон-томир системасига) чиниқтириш фаолиятини кучайтиради.

Қишда совуқ хавода болаларни очик хавода бўлиши камайтиради, ёзда эса болалар кўпроқ кун давомида очик хавода бўлишлари зарур.

Боланинг куни эрталабки бадан тарбиядан бошланиши керак. Жисмоний машқ болаларда куч ва қизиқиш уйғотади. Бадан тарбиядан кейин болаларда чиниқиш ҳолатлари: хўл сочиққа артиниш ёки совуқ сувда ювиниш олиб борилади. Сўнгра бола

кийинади, тишини тозалайди, ювинади. Сочини тартибга солади. Шахсий гигиена қоидаларини қузатишда болани соғлигини сақлашга эътибор бериши шарт. Аини мактабгача ёшда бўлган болалар мураккаб бўлмаган янги маданий-гигиеник билимларни жуда тез ўзлаштиради.

Болаларга гигиеник янги билимларни ўргатишда ота-оналар шахсий хулқ-атворлари, болаларга намуна бўлишида катта аҳамиятга эга. Болада юз ва қўли учун алоҳида оёқ учун сочиғи, тиш чёткаси, ва тиш пастаси бўлиши шарт. Тишларни хар куни эрталаб ва кечқурун тозалаш керак.

Бола ҳаётининг 8-йилида кун тартибида она тили машғулоти, ҳисоблаш, тасвирий фаолият, лой иши, қуриш-ясаш олиб борилади. Мактабдаги педагог маслаҳати ота-оналарга болалари билан ўтадиган машғулотлар таркибини аниқлашга ёрдам беради. Бундай машғулотлар 1-синф ишини ўзлаштиришга тайёрлайди.

Амалиётда текшириб кўрилган ва ўзини ёқлаган қуйидаги машғулотни ўтиш варианты ва унинг давомийлиги:

- Биринчи давр – 3 та машғулот, 20 минутда , улар орасидаги 10 минутни танаффус билан.

- Иккинчи давр – 3 та машғулот 25 минутдан, улар орасидаги 10 минутли танаффус.

Бу даврларни 1,5-2 ойга ўзайтириш мумкин. Олимларни исботлашча, 6 ёшли болаларда фаол диққати давомийлиги 15-20 минут машғулотидаёқ болалар чарчайди, уларнинг меҳнат қобилияти пасаяди ва 10 минут ўтмагунча ҳам тикланмайди. Шунинг учун ҳам 2 та машғулотни саводхонлик ва ҳисобни кетма-кет бериш мақсадга мувофиқ эмас. Яхшиси 2-машғулотни ҳаракатли ўйинлар билан ўтказиш керак. Сайрдан кейин тушлик ва уйқу оралиғида яна битта машғулот ўтказса, 3 та машғулотни секин-асталик билан ўтказиш керак.

Бола организми «ишга чиқишга» секинлик билан таъмирланади. Бу давр 5-6 ёшли болаларнинг 80% и да 2 дан 7 минутгача ўзаяди. Ўртача ҳисобда 5-6 минут. Кейин ишчанлик қобилияти юқори даражада тикланади. Бу қобилият ўзгариши соғлом болалар учун белгиланган. Болалар чарчаганида ишчанлик қобилияти ва диққати тарқоқ бўлади. Одатда у ташқи кўринишда, тез чалғишида, хавотирли ҳаракатларда сезилади. Кичик «жисмоний дақиқа» ўтказилиши болаларни ишчанлик қобилияти тикланишига имконият яратади. Керак бўлса машғулот яна 10-15 минут ўтказилиши мумкин. Ҳафтани ўтишида болани ишчанлик қобилияти характерини ўзгаришига олиб келади. Сешанба куни 6 ёшли болаларда марказий нерв системаси функционал даражаси яхши бўлади ва ишчанлик қобилияти жуда баланд кўрсаткич бўлади.

Чоршанбадан шанбагача болаларда қисқа машғулотларда ҳам ишчанлик қобилияти пасая бошлаганини Кузатишмумкин. Душанба эрталабки вақт ишчанлик қобилияти паст бўлади. Бундай ишчанлик қобилияти ўзгаришини инobatга олган холда, болаларга душанда ва шанба куни тасвирий фаолият, лой иши, аппликация, қуриш-ясаш машғулотлари ўтилади. Машғулотдан аввал хона шамоллатилади. Катталар болаларни иш столини жойлашиши ва ўлчамларига эътибор бериш керак. Столни ойна олдига шундай жойлаштириш керакки, ёруғлик чап томондан тушсин, мактабгача ёшдалилар учун, махсус ўқувчилар учун ўзгарувчан ўзунлик ва қия қопқоққа эга бўлган столча-парта керак бўлади. Стол ўзунлиги ва стул ўлчамлари бола бўйига мос бўлиши керак. Ўлчам олишда уни кийимлари инobatга олинади.

### Стол стулнинг ўзунлик ўлчами(см).( 2-жадвал)

Боланинг бўйи	Стол			Стул			
	полдан ўзунлиги	эни	Ўзунлиги	полдан ўриндиқ қача		эни	

95-99	43	45-50	55	24	21	49	24	19
100-109	47	45-50	55	27	23	49	26	20
110-109	52	45-50	55	32	27	49	29	20
120-129	57	45-50	55	27	27	49	31	22
130-139	62	45-50	55	27	27	49	31	24

Агар машғулотда одатий стол мавжуд бўлса, у ёғочдан тайёрланган бўлиши, қиялиги 12-15 даражада бўлиши керак. Бундай стол ўтириши ва кўзини тасвирий фаолият билан шуғулланишида чарчашидан сақлайди. Кун тартибида болани ўз талови асосида ўйин ва машғулот учун бўш вақт ажратиш керак. Бу вақтни кундўзги уйқудан кейин ёки кундўзги машғулотдан сўнг белгилаш керак. Бўш вақтда болалар радио дастур эшитишлари мумкин ва хафтасига 3 мартадан ортиқ бўлмаган болалар учун телевизион дастурларни кўришлари мумкин.

Тушлик овқатланиш болани меъёрдаги жисмоний ва ақлий ривожланишини асосий шартларидан бири хисобланади ва болани мактабга тайёрлаш шартларидан бири ҳамдир. Озиқланиш таркиби болада энергетик қувватга хаётий жараёнларни чарчашига олиб келади.

Бола 5-6 ёшда 2000 калория суткада қабул қилиши керак. Бунда оқсил, ёғ ва углевод, хайвон ва ўсимликлар ёғи, минерал тўз ва витаминлар бўлиши керак. Овқатланиш 4 маҳал, аниқ бир вақтда бўлиши шарт. Оқсил, ёғ, углевод ва минерал тўз организмнинг асосий озиғидир. Овқат таркибидаги оқсил ва уни сифати организмни ўсиши ва ўсиш жараёнига боғлиқдир. Хайвон оқсилида ва болани овқатланишидаги оқсил умумий таркибини 60% га тўғри келади. Хайвон оқсили гўшт, балиқ ва тухум таркибида мавжуд. Оқсил етишмаслиги организмни ўсиш жараёнига таъсир кўрсатади, турли касалликлар келтириб чиқаради. Ёғлар асаб ва иш учун асосий қурилиш материалидир. Болаларга кучли ёғлар мол ва қўй ёғларидан фойдаланиш тавсия этилмайди. 1 суткада ёғдан фойдаланиш 11 г ўсимликлар ёғини ташкил этади.

Асосий энергия манбаи – углеводлардир. Углеводлар нон, картошкада мавжуд. Бир суткада қабул қилинган углевод 60 г тоза шакар ва 10-15 г қандолат махсулотига тўғри келади. Кўп миқдордаги шакар ва ширинликлар болаларга бериш тавсия этилмайди. Нормадан ортиши секреция ва ошқозон йўлларига таъсир кўрсатади.

Овқатланиш вақтида стол устига сув қуйиш керак эмас, агар сув қуйилса, бола ўзи хохламаган холда унда ичиш истаги хосил бўлади.

Тушлик одидан болаларни сув ичишга одатлантириш керак эмас. Сув ошқозон суоқлигига таъсир кўрсатади. Сув ва бошқа суоқликлар ошқозонда маълум хажмда туради ва овқатга бўлган эҳтиёжини камайишига олиб келади.

Болаларга синтетик ранглар қуйилган газли ичимликлар бериш мумкин эмас. Болалар учун энг яхши ичимлик – кучсиз чой, сутли чой, сутли кофе. Табиий шарбат ва тоза қайнаган сувдир. Янги ўзилган мевалар чанқокни яхши босади.

Болаларга шошмасдан, чаппиламай, овқатни майда чайнаб ейиш, санчки, қошиқ ва бошқа буюмлардан тўғри фойдаланиш ўргатилади. Соғлом иштаха, атрофдаги нарсаларни жойлашишига боғлиқ. Тоза тушлик столи, дастурхон солинган. Нон озодалик билан тўғралган, тарелкалар чиройли жойлаштирилган бўлиши керак, Ошхонадаги барча гигиеник талабларни бажарилиши уни кун тартибини тўғри ташкил этилиши катта мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлашни енгиллаштиради.

### **VII. III. ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТ АСОСИДА МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ.**

Тасвирий фаолият (расмда, лой иши, аппликация) болаларда нафақат қизиқиш уйғотади, балки уларни ўраб турган оламни ўз ишида акс эттиришда, оламни кўз олдида яхлит холда намоён этишида ва умуман хар томонлама шаклланишига (эстетик, ақлий, ахлоқий) туртки бўлади.

1-синфнинг ўқув дастурига тасвирий фаолият дарслари киритилган, Ушбу фаолиятда болалар расм чизишга ўрганишади.

Қоғоз ва лой билан ишлаш қўл меҳнати дастурига киритилган. Шунинг учун уйда ҳамкорликда расм чизган, лой билан ишлаш, қирқиб ясашга ўрганган боланинг ўз кучига бўлган ишончи, қўлда бажариш кўникмалари янада мустаҳкамланади.

Тасвирий фаолият болани мактабга психологик-ақлий тайёргарлигини оширади. Буни боланинг ўзини тутиши ва барча ҳаракатларни англаган ҳолда бажаришида кўришимиз мумкин.

Расм чизиш, лой билан ишлаш, аппликация машғулоти, болани ўз вақтини режали ташкиллаштиришга, бошлаган ишини охирига етказишга ўз ишини янада яхши ва тўғри бажаришга, янгилик яратишга, маълум кўникма ва малакаларни эгаллашга, диққат билан тинглашга ва катталар айтган вазифаларни бажаришга ўргатади.

Тасвирий фаолият машғулоти ўтказиш учун зарур бўладиган материаллар қуйидагилар: қоғоз, қалам, мўйқалам, бўёқ, елим, қайчи, пластилин ва хоказо.

Болалар асосан ёрқин ранглари ёқтиришади, уларни бўёқ ва қаламлар тўплами ўзига жалб этади. Бўёқларни ҳар хил рангдалиги болаларнинг дунёни ёрқин тасвирлашга имкон яратади ва мазмунли расм солишга туртки бўлади. Шунинг учун расмга яхши бўёқ материалларини танлаш муҳим.

Расм чизиш учун ҳар хил материаллардан фойдаланиш мумкин, лекин бу ҳамма материал ҳам муҳим дегани эмас.

12 хил рангдаги қаламлар тўплами, оддий қалам (2м 3м) мўйқалам, акварел бўёқлари ва расм учун қоғоз каби материалларсиз бола машғулоти ташкиллаштириб бўлмайди. Албатта турли материаллар рангли мель, бола ишини янада бойитиб кўрсатади ва бу расм чизиш жараёнига катта эътибор талаб қилади, бола сюжетга хос ранг танлашга ўрганиб қолади, расм ва материаллар ўртасидаги алоқа каби масалалар болани фикрлашга даъват этади. Ҳар гал янги-янги расм сюжети билан боғлиқ материални танлаш ҳам керак эмас. Бола бир материал устида ишлаб уни тўлиқ англаб олиши керак.

Катталар тасвирий фаолиятни уйда ташкиллаштириши, бола ишлаши учун ва материал, ускуналар учун алоҳида жой, машғулоти учун керак бўладиган материалларни тайёрлаши зарур. Бу бола мустақил тарзда ишлаши учун, керакли нарсаларни, чин дилдан тайёрлаши ва иш охирида ўз жойини йиғиштириб қўйиши учун зарур.

Болаларни машғулоти учун материалларни олдиндан тайёрлашга ўргатиш керак: қаламларни ўткирлаш, акварель бўёқларини намлаш яъни юмшаб мўйқаламга осон йиғилиши учун.

Бўёқ билан ишлаш учун, банкада тоза сув, юмшоқ латта, мўйқалам сувини шимиши учун керак бўлади. Бундан ташқари рангни аралаштириб, зурур рангни танлаш учун палитрадан фойдаланиш керак бўлади. Қоғозни расм альбоми ва расм дафтарида олиши керак. Юпқа ёзма вароқ ва оддий дафтар вароқларидан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Лой ўрнида энг қулайи бу пластилин. Уни кафтлар орасида ҳаракатлантириб, қиздириб, юмшатиб олиш лозим. Буни болани ўзи бажарса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Аппликация учун рангли қоғоздан фойдаланган маъқул. Дафтар муқовасидан фойдаланиш ҳам мумкин. Энг муҳими бола ишига ҳурмат билан қараш керак. Бола расм чизаётган вақтда унга ҳалақит қилиши, хатосини тўғрилаш, эътиборини бошқа нарсаларга қаратиш керак эмас. Бола диққатини тез-тез бошқа нарсаларга қаратиш ундаги психик жараёнларни бузади.

Расм ва лой ишида: Қаламни тўғри ушла, қаттиқ босма, расмни эҳтиётлик билан бўягин, шошилма каби гаплар билан танбех беришнинг ўзи етарли. Буни бола жигига тегмасдан секин мурожаат қилган ҳолда бажариш керак.

Машғулоти пайтида столга тушадиган ёруғлик муҳим ва болани ўтиришига эътибор қилиш лозим. Агар бола бирор нарсани ўхшатиб чизгиси келсаю лекин ўхшатишга қийналса, одатда катталарга ёрдам сўраб боради. Бундай ҳолатда қалам ушлаб, расм чизишга шошилмаслик керак, чунки бу ҳар доим ҳам яхши самара бермайди. Расмни ҳар сафар катталар чизиб кўрсатаверса, бундай болалар енгилликка ўрганиб қолишади ва қийинчиликни енгиб ўта олмайдилар. Қийинчиликни юзага келиш сабаби, бу болада кўрғазмали нарса ҳақида аниқ тасаввурнинг йўқлигидадир. Шунинг учун бола шу нарса ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак. Агар шу нарсани китоб ва ўйинчоқлар орқали кўриш имконияти бўлса, албатта ундан фойдаланиш керак. Бола керакли нарсани расмлар орқали ўзи топсин. Катталар эса

бола расмни топиши учун кетган вақтни ҳисобга олиши керак. Қидирув учун кўп вақт сарф қилиниши керак эмас, чунки бола диққати ва ҳаёли бошқа фаолиятга кўчиб, бошлаган ишни охирига етказа олмай қолади. Болага ёрдам бериш, расмни қидириб топиб, диққат билан кузатиш керак. Бола расм деталларини тушириб қолдирадими ёки қўшадими бу ўзига ҳавола. Энг асосийси бола ўз ҳолича расм чизсин.

Биз болада асосан мақсад сари интилиш хиссини шакллантириш ва доимо ўз ишини охирига етказиш каби хислатларни тарбиялаб боришимиз даркор. Ҳар доим ҳам бола бир машўзида бошлаган расмни охирига етказа олмайди, сабаби, вақт етмайди ёки чарчаб қолади. Бундай ҳолда болага расмни кейин давом эттиришини маслаҳат берилади.

Баъзида эса бола бошлаган ишини охирига етказмай туриб, «Чизишни хохламайман» деб туриб олади. Сабаби, кўпинча бола расмни бирон бир деталини чиза олмай қолса, шундай қила бошлайди. Айнан нима болага қийинчилик туғдирапти, шунини аниқлаб, энг маъқул бўлган маслаҳатни бериш керак. Агар гап бунда эмас, балки бола ҳамма бошлаган ишини ҳам охирига етказмаслигини аниқланса, ундай ҳолда болага юмшоқ муомалада туриб, ишни охирига етказиш зарур эканлиги тушунтирилади.

Тасвирий фаолият натижаси бола томонидан бажарилган материалларда (расм, аппликация, ясалган фигуралар) намоён бўлади.

Иложи борица ота-оналар боланинг қизиқиши, бажараётган иши ҳақида суҳбатлашиши керак. Энг аввало боладан ўз ишида нимани акс эттира олиши, айнан қайси детал устида қийналаётгани ва бажарган ишидан қониққанлиги ҳақида гаплашиш зарур.

Эслатиб ўтиш жоизки, хаддан ташқари қаттиққўллик болани ижодий фаолиятини ва ўзига бўлган ишончини сўндиради. Шунинг учун танбехни маслаҳат тарзида бериш мақсадга мувофиқдир. Кўп мақтов эса болада ўзбошимчаликни юзага келтиради.

Ҳамкорликда бажарилаётган иш ҳақидаги муҳокама болада ўз устида қайта-қайта ишлаш ўзига тўғри баҳо бериш ва камчиликларни тўғрилаш каби хислатларни тарбиялайди. Бу нафакат мактабда балки ҳаёт давомида ҳам асқотади.

Расм машғулотини ҳафтасига 1-2 марта ўтказиш керак. Лой иши ҳам худди шундай факат аппликацияни ҳафтасига бир марта ўтказган маъқул. Агар болада машғулотдан ташқари расм чизиш, киркиш, яшаш истаги туғилса, унга имконият яратиб бериш лозим.

Машғулот вақти 25-30 дақиқадан ошмаслиги лозим. Шундай пайтлар бўладик, бола ўз ишини охиригача етказа олмайди. Агар бунга вақт сабаб бўлса, албатта болага ўз ишини тугатиши учун вақт ажратиш керак. Бола бажараётган иш учун анча вақт сарф бўлса, ундай ҳолда болага ишни бошқа пайт тугатиш кераклигини секин ва майин оҳангда тушунтириш лозим.

Тасвирий фаолият машғулотига нисбатан бола қизиқишини ошириб бориш учун уларни ўраб турган олам, табиат, одамлар, жамият ҳаётидаги ҳодисалар ҳақидаги кўпгина маълумотларни бериб бориш керак. Бола билан суҳбат қилиш, сайр ва экскурсия уюштириш, табиат ходисалари, хайвон ва қушларни кузатиш, расмни кўргазмалар ва қизиқарл китоблар ўқиш бола тасаввурини бойитади. Катталар болани атрофга нисбатан қизиқишини ва меҳр-муҳаббатини оширишлари керак.

Ота-оналарнинг болани ўраб турган олам, нималарга эътиборини қаратиш, бўлаётган ҳодисаларга бераётган баҳоси кўп ҳолда болани оламга нисбатан бўлган муносабатига боғлиқ.

Болани олам ҳақидаги тасаввурини кенгайтиришда болалар китоби ва кинофильм, диафильмларни ўрни катта. Расм машғулотини ўтказиш йўллари турли хил бўлиши зарур.

Биринчи ҳолда бола аниқ бир предметни чизса: (масалан ўсимлик) иккинчи ҳолда ўқилса китобга иллюстрация қилинади, унда ўраб турган оламни тасвирлайди.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий мавзуси – инсонларни ўраб турган оламга оид бўлиши керак. Болаларга ҳамма нарса қизиқ кўринади, шунинг учун улар ўзи учун ҳар қуни янгилик яратишади. Болалар ўз тасаввурини оламни қоғозга тушириб, бундан катта завқ олишади.

Ота-оналар эса боланинг техник қобилияти, тасавури ва олам тўғрисидаги тушунчасини ҳисобга олиб қизиқарли мавзу танлашида ёрдам беришлари керак.

Тайёр кўргазмани қоғозга тўғри тушира олиш ҳам бир маҳорат. Бола билан эса композицияни расм қоғозига тўғри тушира олиш ҳақида қоғозга тўғри тушира олиш ҳақида гаплашиш жуда муҳим. Болалар китобидан иллюстрацияли расмлар ва рассомлар ишини болаларга кўрсатиб ўтиш зарур. Болага шундай материалдан фойдаланишни маслаҳат бериш керакки, расмда у ёки бу мавзулар аниқ кўринишга эга бўлсин. Масалан қиш тасвирини болалар бўёқ ёки гуаш орқали аниқ тасвирлаб бера олади. Баҳор пейзажини акварелда ёритиб берган маъқул.

Бола ҳаётидаги бирор бир воқеа ёки умумий бир кўринишдаги бола қалам ёки бўёқлар ёрдамида қоғозга тушириши керак.

Шуни эса тутиши керакки, қалам билан чизиш ўзоқ вақтни олади ва қаламни куч билан босиб бўяш, уни қаттиқлигини ҳисобга олганда болага бироз қийинчилик туғдиради. Шуни ҳисобга олиб, болага катта ҳажмдаги қоғоз бериш тавсия этилмайди ва бўяш учун қаламдан фойдаланмаган маъқул. Агар бола расмни шошилиб, эътиборсизлик билан чизаётгани ёки чарчаганини сезсак, унга расмни кейин давом эттириш ҳам мумкинлигини тушунтириш лозим.

Агар сюжет кўрсатмаси ёрқин ранглардан фойдаланишни талаб қилса, бундай ҳолда гуаш ва темпердан фойдаланиш керак.

Бола китобда тасвирланган иллюстрацияга ҳос расм чизаётганда, маълум персонажлар ҳаракатига киришиб кетади. Улар билан бирга ҳам хаяжонланади ҳам хавотирга тушади.

Сюжетдаги кўпгина персонажларни ҳаракатдаги ҳолатини тасвирлаш болага қийинчилик туғдириши мумкин. Ота-она бола имкониятини ҳисобга олиб қўлидан келган персонажни тасвирлаб чизишни тавсия этиши зарур. Болалар учун эртақнинг сюжетли-кўргазмали томонини ёритиб бериш осон кечади. Масалан: қуён ва бўғирсоқ учрашуви, Зумрад ва Қиммат учрашуви ва ҳоказо. Лекин болага ҳар сафар эртақни фақат сюжетли томонини ёритиб чиздирсак нотўғри бўлар эди.

Болаларда фантастик образларни тасвирлаш кучли бўлади ва улар фантазиясини ўстириш ўта муҳимдир. Шунинг учун болага сеҳрли дарахт. Афсонавий боғ, сеҳрли қуш расмини чизиш тавсия этилади. Бу расмларда бола ижодий ёндошиши керак. Бола билан олдин суҳбат ўтказилади: «Ишни нимадан бошлаш керак? Тасаввурингдаги образни қоғозга қандай туширасан?» каби саволлар берилади. Бундай саволлар болага кўргазманикўз олдига келтириб кўришига ва англаб етишига ёрдам беради. Рассомчилик санъатининг фойдали бир кўриниши – натурадир.

Натура болани қабул қилиш доирасини атрофга нисбатан диққат ва тасаввурини бойитиб, кўзатувчанлигини оширади. Бунинг учун оддий бир предмет танланади. Масалан барглари аниқ бўлган алоҳида-алоҳида жойлашган уй гуллари ёки гулдастадаги гул. Танланган предмет ҳаммага яққол кўринарли қилиб қўйилади.

Болага объектни диққат билан Кузатиштаклиф қилиниб, айниқса гул ва баргларнинг жойлашиши кетма-кетлигига, гул, гулдон формасига нисбатан қизиқиш уйғотилади. Иложи борича гулдон шаклини қўл билан силаб кўрсин.

Болалар ўйинчоқ расмларини чизишни яхши кўришади. Агар бола мавзуга ҳос расм чизишга қийналса, бундай ҳолда ўйинчоқ расмини чизишга маслаҳат беринг. Бунинг учун болага чизиш осон бўлган ва бола ўзи танлаган ўйинчоқни берилади. Аввало ўйинчоқни тузилишига, шаклига, рангига эътибор бериш, ўйинчоқ қисмларига диққатини қаратиш керак.

Энг қадимги санъат асарларидан бири бу декоратив санъатдир. Одамлар уй, идиш ва кийимларини ушбу санъат кўриниши асосида яратишга уринишган.

Болаларни ушбу санъат тури билан таништириш ўта муҳим. Кўпгина шахар ва туманларда маҳсус санъат музейлари мавжуд. Бола ижодкорлиги ва эстетикасини ошириш учун албатта музейга олиб бориб, санъат турлари билан таништириш зарур.

Нақш ва декоратив композициялар яратишни кўпроқ қизлар хуш кўришади. Ўғил болаларни ҳам бу қизиқарли расм тури билан таништириш мақсадга мувофиқ. Болани ушбу санъат тури орқали тасаввурини янада кенгайтириш учун декоратив мато, маълум декорация асосида ясалган идишлар, дастрўмол ва бошқа турли хил нарсаларни кўрсатиб баҳо бериш тавсия этилади. Бола диққатини нақш элементларига (геометрик форма, гул, барг, қуш) қаратиш ва уларни нақшда ритмик жойлаштиришга

кўмаклашиш зарур. Бола расмларни қалам ва бўёқлар билан безатиши керак ва кўнглига ёққан декоратив безакни танлаши мумкин. Бола учун қийин бўлмаган нақшни танлаб, худи шунга ўхшатиб, нақш чизишни таклиф қилиш лозим. Чизилаётган нақш элементлари, чизиқлари узунлиги 15-20 см, эни 5-6 см ни кўздан кечириб чиқилади. Агар бу болага қийинчилик туғдирса, болага нақш элементларини маълум шаклга келтиришни таклиф қилинади. Масалан: тўртбурчак (дастрўмолча, салфетка) мисолида келтирилиб, ушбу шакл чет қисми ва ўртасини нақшлар билан безатилади. Доира (ликопча) шаклида эса нақшни ўртага ёки ўрта ва четга жойлаштириш мумкин.

Декоратив композицияни яратишда болалар маълум шакл ва шаклларни бир неча марта такрорлаб чизиши мумкин, лекин ундаги нақшлар турли хил бўлиши шарт.

Бола танлаган расм мавзулари турлича бўлиши кераклиги хақида гапирилди. Болалар одатда билган расмларини қайта-қайта такрорлаб чизишади. Бундай ҳолатда боланинг чизиш малакаси бойимай, тасавури ўсмайди. Шунинг учун ҳар хил мавзу ва турли мазмундаги расмларни чиздириш фойдадан холи эмас.

Тасвирий фаолият эстетик тарбияни шакллантириш билан бирга болани чизиш малакасини ошириб, ҳамда мактабга тайёрлайди ва шу асосда кўл мускулларини шакллантириб ёзишга ўргатади.

Нафақат расмчилик балки тасвирий фаолиятнинг барча турлари: аппликация, лой, тўқиш, қуриш-ясаш болани кўл мускулларини шакллантиради. Лекин расм чизиш фаолияти бошқа тасвирий фаолиятдан фарқли ўлароқ, болани ёзишга нисбатан тайёргарлигини оширади, сабаби ручкага яқин қуроллардан (қалам, мўйқалам) қуроллардан фойдаланиш хисобланади.

Психологлар фикрича, ёзишни ўрганиш учун график ва техник малакаларни кўзатиб, бажариш муҳим, бунда ҳарф элементини тўғри ўхшатиб чизиш ёки маълум ҳарф формасини бир-бири билан тўғри бирлаштириш хисобга олинади. Машғулот пайтида ручкани тўғри ушлаб, кўлни охишта ҳаракатлантириш муҳим.

Санаб ўтилган кўпгина малакалар расм чизишда қўлланилади. Агар бола диққат эътиборини тўғри ўтирган ҳолда расм чизишга ўргатсак, яъни қоғозни букламай, суянмасдан, қалам ва мўйқаламни тўғри ушлаб, бошлаган ишини охирига етказиш каби фаолиятларни намоён қилсак, бола мактабга чиққач, маълум талаб ва қоидаларга тез кўникиб кетади ва ёзишга қийналмайди. Агар катталар болалар катталарга ўтириш ва ёзиш техникасини ўргатишмаса, бола мактабда ҳам нотўғри ўтириш ва ручка, қаламни нотўғри ушлаш оқибатида ўз ишини билмаган ҳолда бармоқлари билан ёпиб кўяди. Ёзувга ўргатиш учун бола кўл ҳаракатларини текис йўналтиришга ўргатиш керак. Расм чизишда бу ҳаракатларни нақш элементларини намоён этишида кўриш мумкин. Масалан: расмни бўяётганда қаламни бир томонга йўналтириш. Болага расмни шошилмасдан, озода бажаришга ўргатиш керак. Бола ўз иши ва ҳаракатини бошқара олиши керак. Масалан: катта гуруҳ тарбияланувчилари расмни бўяётганда белгиланган чизиқдан чиқармасдан бўяшлари керак. Ҳарфларини бир текисда ёзиш учун болалар бармоқ ҳаракатларни машқ қилиш керак. Бу ҳаракатлар ҳар машғулотда такрорлаб ва мустахкамланиб борилади.

Машғулотдан ташқари катталар болага оқ қоғоз бериб, декоратив санъат турига хос турли чизиқ бурма шаклларни чизиш таклиф қилишлари мумкин.

Болани кўли қанча кўп ҳаракат қилса, унинг мустақил, текис ва чиройли ёзиши ҳам шунча осон бўлади.

Ёзув – ўз қонун-қоидалари ва афзалликларига эга специфик фаолият.

Болаларни ёзишга ургатиш учун, маълум машқлар ёрдамида ҳар машғулотда ёздиришимиз керак. Бунинг учу нота-оналарга ёрдам тарикасида ёзув дафтларини олишимиз мумкин. Бола бу машқларни тез-тез такрорлаб ёзиш малакасига эга булишади. Ёзув дафтаридаги нукталарни бирлаштириш асосида ҳарфлар йигиндисини ёки киска сўзни ҳосил қилишади.

Сўзни ёзиб булгач, бола ёзишдан тухтайди. Кўл ва кўзлар дам олади. Бу эса ўз навбатида ёзган машқларини қуриб, таҳлил қилишга ва тугирлашга имкон яратилади.

Бола қилган хатоликни ота-оналар ота-оналар тугирлаб бориши керак. Бола ёзаётган пайтда унинг кўл ҳаракатига, қалам, ручкаларни тўғри ушлаб ёзишга эътибор бериш керак.

Бола ёзув хақидаги маълум кўникма ва малакаларга эга бўлгандагина болани ёзишга ургатган маъқул. Ёзишни январ ва феврал ойидан бошлаган

маъқўл.Машғулотни ҳафтада 1-2 марта ўтказиш керак. Тасвирий фаолиятни барча турларини ота-оналар ўзи оилада олиб боришлари мумкин.Бу болани эстетик тарбиялайди ва мактабга тайёрлайди.

#### **VII.IV. ОИЛАДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ТАШКИЛОТЧИЛИК ХУЛҚЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ.**

Мактабга тайёрлов ёшида болаларга маданий сифатлар ўзаги сингдирилади. Мехнатсеварлик, ҳамкорликда иш бажариш хислатлари уйғона боради.

Бундай сифатларнинг ривожланиши ўз хулқи ва хис-хаяжонини бошқаришига, меҳнат қилишини қатъий хошлаш ва ўрганишга ёрдам беради.

Ташкилотчилик ташқи кўринишда шахснинг сифати каби йиғинчоқлик, аниқлик, тартиблилик кўринишида намоён бўлади.Бу сифатларнинг ички кўриниши тиришқоқлик, ўз ҳаракатларини режалаштиришни ўрганиш, ўз-ўзини назорат қилишни амалга ошириши билан белгиланади.

Бола ҳаётининг еттинчи йилида ташкилотчиликнинг ички ва ташқи кўриниши катталар кўрсатмасини аниқ бажаришда, меҳнатни қатъий тартиб билан ва аниқ муддатида бажаришда, шунингдек, ўз ишини тўғри баҳолай олиши ва камчиликларини тўғрилашга интилишида намоён бўлади.

Ташкилотчилик хулқини тарбиялаш фаолияти давомида амалга ошади. Катталар талаби бола хулқини йўлга солади, ташкиллаштиришга, тартибга ўргатади.

Доимий талаблар болани ҳаракат тартибига, турли хил ҳаракатларни алмашинувиға ўргатади. 3 ёшли болакай ювингандан сўнг нонушта қилади, сўнг ўйнайди, ўйиндан сўнг сайрга чиқади.

Табиийки, мактабга тайёрлов ёшидагиларга ўзига яраша талаб қўйилади. Катталарнинг аниқ талабини бола томонидан бажарилиши катта тарбиявий аҳамиятга эга, чунки у бирон нарсани ўз вақтида ва мажбурий бажариш зарурлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Мактабга тайёрлов ёши охирида бола ўзига ёки жамоага баравар қўйилган катталар талабини бажарувчи бўлибгина қолмай, балки ўзига ва бошқа болаларга нисбатан талаблар қўя бошлайди.

Бу талаблар ўзига баҳо беришда ва болалар қилмишига баҳо беришида янада аниқ кўринади.

Бизнинг жамиятимизда инсонлар фаолияти жамоа ҳамкорлигига асосланган ва у болаликдан бошланади.(оилада, болалар боғчасидаги тенгдошлар жамоасида, мактабда, ва хоказо) шунинг учун мактабгача ёшдаги болаларга жамоада яшашни ўргатиш, бирга ўйин ўйнаш, меҳнат қилиш, берилган топшириққа жавобгарлик билан қарашни тарбиялаш зарур.

Биргаликдаги фаолият келишилган ҳаракатларни талаб қилади, умумий хис-хаяжон ва куйинчакликларни чақиради ва шу билан ташкилотчилик хулқини шакллантиради.

Меҳнат қилишни хошлаш ва ўрганиш биринчи мустақил ўзи бажарадиган ҳаракатларидан бошланади. Ҳар бир бола ҳаммага маълум «МЕН ЎЗИМ» деган сўзларни ишлатади, уларда ўзи мустақил нимадир бажаришга биринчи талаб акс этган. Болани мустақилликка интилишини ҳар томонлама рағбатлантириш керак. Оёқ кийимини болалар қўлига бўйсунмаса ҳам майли, бола уни ўзи кийсин.

Шундай ҳол бўладики, бир вақтда болаларда эмас, балки уларнинг ота-онасида боланинг бирон ишни тамомлашини кутишга сабрлари чидамайди. Уғли ёки қизининг хошишига қарши улар болага ёрдам беришга ёки улар учун ўзлари бажаришга шошиладилар. Натижада уларнинг мустақил ҳаракатга биринчи интилишлари сўнади. Келгусида меҳнатга интилиш одатисиз болага қандай бўлиши ҳақида улар ўйламайдилар.



Вахоланки, айнан кичик боланинг мустақиллигида илк меҳнатсеварлик туғилади. Маълумки, боланинг мустақилликка интилиши, ўз йўлида кўпгина қийинчиликларга учрайди, қайсики бу сифатларни ривожлантиришни қийинлаштиради. Қийинчиликларни енгиш болада қатъият, феъл-атворни шакллантиради.

Бир томондан, агар бола майда-чуйдада мустақил бўлмай, хар нарсада бошқаларга ишонса, ҳеч қандай меҳнат йўлланмаси ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. У ўқишни ҳам ўзининг иши деб қабул қилмайди, ташқаридан ёрдам кутади, уни мустақил дарс тайёрлашга ўргатиш қийин кечади. Мактаб бўлса биринчи кундан бошлаб ўзининг талабларини қўяди, авваламбор мустақиллик талабларини.

Мустақиллик мактабгача ёшдагиларнинг турли босқичларда турлича шаклда бўлиб, турли талаблари билан аниқланади. Кичкина мактабгача ёшдагилар эндигина бирламчи ўз-ўзига хизматга ўрганади. 3-4 ёшли бола стол атрофида тинч ўтиришни, тартибли ёйишни, салфеткадан тўғри фойдаланишни ўрганса яхши-я. Масала бирламчи ўз-ўзига хизмат ота-она меҳнатини энгиллаштиришда эмас. Мухими, бола тартибга ўрганади. Мана у мустақил кийимини, оёқ кийимини ечади, жойига қўяди, сиз энди ўйинчоқлари ва китобларини жойига қўйишни унга камроқ эслатасиз. У энди ўзи тартибсизликни сезади, кеча қолдирган ўйинчоқни яшикка солади, сиз тушириб қолдирган нарсани кўтаради.

Кичик мактабгача ёшдаги бола тўғри тарбияланганда, бирон нарсани ўзи бажаришга хошиш пайдо бўлади. У тарелкаларни столга қўяди, уйни тозалашга, кир ювишга ёрдам беради.

Бу осон ишлар, бола ўйнаб бажарсада, ундан жисмоний ва ақлий куч талаб қилади. Маълумки, кичик мактабгача ёшдагиларда натижа эмас, «бажариш»га қизиқиш устун келади. Меҳнатга интилишни кичкинтой катталар ҳаракатига қизиқиш натижасида ҳосил қилади. 3-4 ёшда бола кўпинча хали ўзининг ишини баҳолай олмайди, унинг натижаларини сезмайди. Шунинг учун болага унинг арзимасаям ўз кучи билан эришган натижасини кўрсатиш муҳимдир.

Кичкинтой бола фақатгина яхши сўзга эмас, шунингдек катталар тарафидан ёрдамга ҳам мунга ўзи бажаролмаган нарсада ёрдам бериши керак.

Катта мактабгача ёшдагилар мустақиллиги ўз-ўзига хизмат давомида кўпаяди. 6 ёшли бола мустақил ювиниш, артиниш, тиш тозалаш, кийиниш ва ечиниш, кийимларни тартиб билан тахлашни билиши шарт. Катта мактабгача ёшдагилар кийимини тоза тутиш, тартибсизликни сезиш ва йўқотиш, тугмаларини тикиш, кийим ва оёқ кийимини тозалашни ўрганишлари зарур. Овқатланиш вақтида фикри чалғимаслиги жуда муҳим.

Бўлажак мактаб ўқувчисида оиладаги доимий мажбурияти бўлиши яхши. (масалан, почта қутисидан газета олиб келиши, нон сотиб олиши, балиқларни овқатлантириш, ва хоказо). Бола ҳеч қачон қандай юмушни бажаришни билиши ва ёдда сақлаши керак.

Майли, мажбурият кўп бўлмасин, муҳими бола уларни зўрлов билан эмас, хошиш билан бажарсин. Ота-онанинг хар бир топшириғини бола ўз вақтида, иштиёқ билан, тартибли ажаришга эришиши даркор.

Катта мактабгача ёшдагилар ўзоқ муддат қўлларидан келган ишларни мустақил бажаришлари мумкин, бунда нафақат ўз-ўзига хизмат, балки ўсимликларга қараш, жониворларни боқиш, уй тозалаш ишлари, балки бундан ҳам мураккабларини бажаришга лаёқатлидирлар.

6 ёшли бола кичкинтойларга расм чизишга, осон ўйинчоқлар ясаш: қоғоздан қайиқча, пирпирак тайёрлаб бериши, бувисига компот учун қуриган меваларни саралашга, йўқолган ойнани топиб беришга ёрдам бериши мумкин. Осон меҳнат топшириғини ажратиб бериш болани уни фаол бажаришга ундайди, ва у керакли материаллар танлаб, ўзининг ҳаракатларини режалаштиришни бошлайди. Бу энди ташқилотчилик хулқини белгилари борлигини билдиради. Секин-аста мактабгача ёшдаги бола иш босқичларини фарқлай бошлайди.

Бола мустақиллиги шаклланишида ўз-ўзини назорат қилиш ривожи ўта муҳим. Бу сифат фикрлашни эришилган натижа билан солиштириш имкониятини беради. Бола катталар бошчилигида ўз ҳаракатини фақатгина битиргандан сўнг эмас, балки иш бажариш чоғида ҳам баҳолашни ўрганади. Мактабгача ёшдагиларнинг иш бажариши

қўйилган мақсад асосида бўлишида катталардан болалар фаолиятини эътибор ва қўшимча кўтаринкиликлар (рағбатлар, назорат ва ҳ.з.о) ни талаб этади.

Кўпинча болага меҳнат топшириғини бажаришнинг ўзи эмас, балки катталарнинг уни бажарганлигидаги яхши муомаласи кўпроқ хурсандчилик беради. Катталар болалар меҳнатига жиддий ва керакли ишга қарагандек муносабатда бўлиши зарур, бу муносабат болада меҳнат қилишга хоҳиш, қатъиятни кўрсатиш, ишни охирига етказиш хоҳишини яратади.

Ташкилотчилик хулқи ва меҳнат кўникмаси асосини ташкил этадиган мустақилликка махсус шароит яратиш, турли машқлар ёрдамида эришиш мумкин ва бу ерда тезкор муваффақиятга умид қилмаслик керак.

Мактаб ўқувчисига керакли хислатлар болада айнан меҳнатда пайдо бўлади. Бунда бола нафақат осон ва ўзига қизиқарли ишларни бажаради, балки куч ва вақт талаб қиладиган ишларни бажаради, ўз ишини тартибини ўйлаб кўради. У бошлаган ишни охиригача ва муддатида бажаришга ўрганади. Ўз ҳаракатининг фойдали эканини хис қилади, меҳнатга куч сарфлашдан хурсандлик сезади.

Агар мактабгача ёшдаги бола, уни ҳар қандай мажбурият ва ташвишдан ҳал этадиган тарбия олса, унда бепарволик ва эгоизм ривожланади. Ота-оналар мактабгача ёшдаги болани керагидан ортиқ химоя қилиш ва уй юмушларидан болани доимий озод қилиш – болани мактабда кўпгина нохуш ҳолатларга тушишига сабаб бўлишини ёдда тутишлари даркор.

Доимий мажбуриятларни мустақил бажариш болани жиддий фаолиятга тайёрлайди, мактабдаги ўқиш ва турмуш тарзи билан боғлиқ биринчи қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам беради.

Айрим ҳолатлар бўладики, бола топшириқларни мустақил бажаради, аммо ҳаммасини пала-партиш хохламай бажаради. Ота-она доимо болаларга намуна бўлиши керак. Ҳар бир юмушни жону-дили билан саришта ва тезкор бажариши, бошлаган ишини ўлда-жўлда қолдирмаслиги, бир-бирига ёрдам бериши керак.

Болага турли топшириқлар бериб, сиз унда топширилган ишни бажаришни ўзига яраша тажрибасини орттирасиз, ўзини ташкиллаштириш, кўзлаган мақсадга интилиш, билимларини яратасиз. Топшириқлар боланинг доимий мажбуриятига айланганда одатга айланиб қолади, ва уларни ортиқча хоҳиш бўлмаганда ҳам бажаради.

Барча асосий ҳаётий воқеаларни ақл билан ҳисобга олган қатъий белгиланган кун тартибига риоя қилиш ташкилотчилик хулқини тарбиялашга ёрдам беради. Тартиб инсон фаолиятини ташкиллаштиради, уни тартиблиликка ўргатади.

Мактабгача ёшдан бошлаб оиладаги ўрнатилган тартибни бажарган болага вақтни хис қилиш пайдо бўлади.

Болани вақт бўйича озгина мўлжал олишга, вақтдан тегишли ҳаракатни ўзгартирувчиси сифатида фойдаланишга ўргатиш – ташкилотчилик хулқи тарбиясининг мақсадларидан биридир. Тартибни бажариш айнан болага вақт бўлакчаларининг ўзунлигини сезишга ёрдам беради. Болалар вақтдан янада унумли фойдаланишга ўрганадилар. Улар гигиеник муолажаларни тезлик билан бажариш ҳисобига ўйин ва машғуллар вақтини ўзайтирадилар. Вақт интервалини фарқлай бориб, болалар ўз ҳаракатларини вақт бўйича ҳисоблашга ўрганадилар ва белгиланган муддатда улгуришга ҳаракат қиладилар.

Секин-аста катталарнинг, «ўйинчоқларни йиғиштир, 5 дақиқадан кейин сайрга борамиз», «ярим соатдан сўнг даданг келади-овқатланамиз» ва ҳ.з.о. муомалалари тушунарли бўлади, болаларда вақт тўғрисида тушунча пайдо бўлади. (кеча, бугун, овқатдан сўнг, кечкурун ва бошқалар)

Тартиб-турли фаолият турларини алмашинувини кўзда тутаяди, бу организмни чарчашдан сақлайди, боланинг ҳар томонлама ривожланишига имконият яратади.

Ҳамма ота-оналар бола кун давомида нима қилади, қандай ўйинларни яхши кўради, ўртоқларидан қайси бири ёнига келади ва у улар билан қандай ўйнайди? – деб ўйлаб кўрармикан.

Бола ҳеч қачон ишсиз ўтирмайди, у доимо нима биландир машғулдир. Ҳаракатсизлик, фаол ҳаракатдан кўра кўпроқ чарчатади. Аммо ҳар доим ҳам бола фойдали иш билан машғулми?

Ўйин- мактабгача ёшдаги боланинг фаол ҳаракати.Ўйинлар биргаликдаги фаолиятда бола талабини қондиради, ўйиндаги хаяжонлар болаларга яхши ҳислатлар тажрибасини йиғишга ёрдам беради.

Мактабгача ёшдаги бола учун ўйин доимо бола тасаввури ва онги ишлаши билан боғлиқ бўлиши,унда мустақиллик, тиришқоқлик,чидамлилик, ташкилотчилик ҳулқини тарбиялашга ёрдам беришга интилиш зарур.

Болалар қурилиш материалларини ўйнашни жуда яхши кўрадилар. Бу ўйинлар уларга режалаштириш қисмларини, режалаштириш билимини, ўз фикрини амалга ошириш, бошлаган ишни охирига етказишга ўргатиб, ташкилотчилик ҳулқини тарбиялашда ҳамкорлик қилади.

Болалар қурилишни расм бўйича, чизма бўйича ва ўз фикрлари бўйича тўзадилар.

Катта мактабгача ёшдагилар ҳам гарчи уларнинг ҳаётида кўпроқ турли-туман машғулотлар ва имконига қараб меҳнат ўрин олган бўлса ҳам турли ўйинларни қизиқиб ўйнайдилар.

Катта мактабгача ёшдагиларга турли деталлардан ташкил топган «конструктор» қизиқарлидир. Деталларни йиғишни ўрганиб, фикрлашни, тиришқоқлигини, чидамлилигини кўрсатиб, болалар намунадагидек қурилма тўзадилар, бу фикрлаш қобилиятини ривожланишига ёрдам беради.

Ота-она кичкинтой ўйинига маълум талаблар қўйиши керак.

- Бола катталарга ҳалақит бермай, мустақил ўйин билан машғул бўлишни билиши керак;
- Меҳмонга келган дўстига ўйинчоқ таклиф этиши, катталар дам олаётганда ёки ёш бола ухлаётганда тинчгина ўйнаши, ўйнаб бўлгач, ўйинчоқни жойига қўйиш;

Катта мактабгача ёшдагилардан ўзининг ўйинчоқларини тоза ва тартибли сақлашни талаб қилишга ҳақлидирлар.Агар ўйинчоқ синиб қолса, уни бола билан дарҳол тўзатиш керак.Бола синган ва бутун, тоза ва ифлос, ўйинчоқларни бита қутига жойлашишига йўл қўймаслик керак. Агар ота-она талаби доимий бўлса, оила бу талабнинг зарурлигини тушунса, кичкинтой катталар талабига мувофиқ ҳаракат қилади.

Тартибга, тежамкорликка ўргатилган оилаларда ўйинчоқлар ўзоқ сақланади. Мактаб ўқувчиси ўзининг ўйинчоқларини кичик укаларига ёки дўстларига бергани яхши.

Болаларга янгидан-янги ўйинчоқларни сотиб олиб беришга интилиш керак эмас. Қизчада 10 дан ортик кўғирчоқ бор, у уларни ўйнамайди, балки яна бир «ўқувчи қиз» кўғирчоғини сўрайди. Онаси унга ўша кўғирчоқни олиб беради. Бошқа оилада бир дона кўғирчоқ «врач», «қизи», «ўқитувчи» бўлади, бувииси неварга билан кўғирчоғига янги кўйлақлар тикадилар.

Ота-оналар болалар иштирокида ўйинчоқларни ўзлари ясашлари мумкин, болалар уларни яхши кўрадилар ва уларни дўкондан олинган ўйинчоқдан кам бўлмаган хоши билан ўйнайдилар.

Аввал айтилганидек, қўлда ясалган ўйинчоқлар катта педагогик аҳамиятга эга. Болалар уларни ўз ўйинларида ишлатадилар ёки дўстларига ва яқинларига туғилган кунда, 8-мартда совға қиладилар.

Ота-оналар бола ўртоқлари даврасида ўзини қандай тутаётганига, ўйин қоидаларига риоя қилаётганлигига эътибор беришлари керак.

Болалар ўйин қоидаси қонунлигини, унга риоя қилиниши кераклигини билишлари керак. Болалар ўйинларда бажаришни ўрганишлари керак бўлган қоидалар тартиби:

- Дўстлари билан ўйнаганда улар ҳам ютишни хошлашларини ёдда тут.
- ўйин-қарашларда ўзинга тенг кучли шерикларни танлаб ол.
- ўйнадингми-кўнглингми чўқтирма, кейинги сафар ютишга ҳаракат қил.
- ютдингми, мағрурланма, дўстингни ҳам шундай ўйнашга ўргат.

Ўйин қоидалари ташкилотчиликни тарбиялайди.Кимки қоидаларни бажармаса, ўртоқларининг норозилигини чақиради ва ўйиндан четлатилиши мумкин. Болалар қоидани билиб олганларилан кейин ва уларни аниқ бажарганларида, ўйин янада қизиқарли бўлади.Ўйинларда болалар тезликка, чаққонликка, мерганликка мусобақалашадилар ва юқори натижага эришишга ҳаракат қиладилар. Кўпинча 6-7 ёшли болалар ховлидан ўйин ташкилотчилари бўладилар, ролларни, ким бошлашни белгиладилар, қоидаларга амал қилинишини кўзатадилар.

Ўйиннинг ҳар бир иштирокчиси ўйин қоидаларини бажарибгина қолмай, нафақат ўйин иштирокчисигина бўлмай, балки вақти-вақти билан ўзига бошловчилик ролини ҳам олиши керак.

Ота-оналар болалар ўйинини кўзатиб туришлари, болалар ўзаро келишолмай қолсалар, келишмовчиликларни силлиққина бартараф этишлари, ўйин иштирокчиларнинг ўзаро хайрихоҳликларини рағбатлантиришлари керак.

Боланинг хулқи фаолият давомида шаклланади: у ўйнайди, расм чизади, қирқади, ясайди, меҳнат қилади. Боланинг чизаётган расмни тугатмаслиги, кубиклардан қурилмаси ёки қўғирчоқ қўйлаги, чизаётган машинаси, аскарлар учун кураётган қалъаси тамомланмаганлиги, қўйилган мақсадга эришмаганлиги катталар учун ахамиятсиз бўлиши мумкин эмас.

Мухими, бола беҳуда вақт ўтказишга ўрганмаслиги. Бундай бола мактаб ўқувчиси бўлганда, ўзини ишга киришишга, мустақил бажаришга мажбурлаши қийин кечади.

Болалар мажбуриятлардан озод этилган, меҳнатга чақирилмаган, дарс қилишни ва ўйнашни билмайдиганлар оиладагига нисбатан, ота-оналар болалар тарбияси масалалари устида жиддий ўйланадиган, оила ҳаётини тўғри ташкиллаштирадиган, болалар ўйинлари ва машғулотларини кенгайтишига ёрдам берадиган оилаларда болалардаги ташкилотчилик хулқи анчагина юқоридир.

Менатсеварликнинг бошланиши ва ташкилотчилик хулқининг тарбиялашдаги муваффақиятли натижалар маълум миқдорда оила жамияти аъзоларининг барчасини келишилган ҳаракатлари ва бир хил талаблари билан белгиланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълимга қўйилган Давлат талаблари. Т., 2000 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълими тўғрисида»ги Қонуни. «Маърифат» газетаси. 1997 йил 1 октябрь
3. Мактабгача ёшдаги болалар таълим- тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари. Т., Ўз ПФИТИ, 2000. Тўзувчилар Расулова. М., Абдурахмонова. Х ва бошқалар.
4. Болаларни мактабга ўқишга тайёрлаш (илмий мақолалар тўплами). Т., Ўз ПФИТИ, 1997.
5. Мактабгача таълим давлат стандарти. Ўз ПФИТИ, Т., 1995-96.
6. «Илк кадам». Таянч дастури.
7. «Учинчи мингйилликнинг боласи». Методик қўлланма. Т., 2000 й.
8. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълимга қўйилган Давлат талаблари. Т., 2000 й.
9. П. Юсупова. «Мактабгача тарбия педагогикаси» «Ўқитувчи» Т- 1993й.
10. О. У. Хасанбоева. Оила педагогикаси. Т., 2007 й.
11. «Мактабгача таълим» журнали 2006 йил 3-сони.
12. Е. Т. Недопекина, А. В. Никольская «Мактаб бўсағасида» «Ўқитувчи» Т., 1971й.
13. Л. В. Семенова. Ўзбекские народные подвижные игры. Т., 1995 й.
14. М. Расулова, Д. Абдуллаева, С. Охунжонова, «Болаларни мактабга психологик тайёргарлиги» Т., 2004 йил.
15. М. Даминов, Т. Адамбекова. Уйин машғулотлари. «Уқитувчи» Т., 1993 й.
16. Ў. Эгамов, З. Бобомуродов. Когозлар билан ишлаш. Т., 1993 й.
17. Н. У. Бикбаев, Х. Н. Косимова, З. Ибрагимова. Мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларни шакллантириш. «Уқитувчи» Т., 1995 й.
18. Х. Ахмедова ва бошқа... «Болангиз мактабга тайёрми?» Т., 2000й.
19. Р. К. Жураев. «МТМлар учун кўзатув дафтари». Т., 1999.
20. Болаларни мактабга тайёрлаш дафтари. Расулова. М. Ш., Жалолова. Г. Қ. таржимаси. Т., Ўз ПФИТИ, 1995.
21. В. И. Логинова, П. Г. Саморуковалар тахрири остида «Мактабгача тарбия педагогикаси». «Ўқитувчи» Т., 1991 й.
22. В. Г. Нечаева, Т. А. Маркова тахрири остида «Болалар богчасида ахлокий тарбия» Т.,

1979 й.

23. П. Г. Саморукова таҳрири остида «Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат билан таништириш» Т., 1984 й.

24. У. Отавалиева. Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги. «Ўқитувчи» Т., 1994 й.

## МУНДАРИЖА

I. БОБ. Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фанининг мақсад ва вазифалари.....	3
I.I. Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасалари ва оила олдида турган вазифалар.....	3
I.II. Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фанининг бошқа фанлар билан боғлиқ лиги.....	5
I.III. Мактабгача таълим талаблари асосида мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга тайёрлаш.....	9
I.IV. Мактабга тайёр болага қўйиладиган давлат талаблари.....	14
II. БОБ. Болаларнинг мактаб таълимига тайёргарлиги тушунчаси.....	19
II.I. Болаларни мактаб таълимига тайёргарлиги.....	19
II.II. Болаларнинг мактабга психологик тайёргарлиги.....	33
II.III. Болаларни мактабга тайёрлашда саломатлиги ва жисмоний ривожланганлигининг ахамияти.....	37
III. БОБ. Боланинг мактаб таълимига тайёргарлиги тахлили.....	40
III.I. Боланинг мактабда таълим олишга тайёрлигини таххислаш усуллари.....	40

III. II. Болаларни мактабга тайёрлашда тиббиёт ходимлари ишининг ахамияти.....	71
III. III. Болаларни мактабга тайёрлашда аклий тайёргарлик.....	75
IV. БОБ. Болаларни мактаб таълимига тайёргарлигига таъсир этувчи омиллар.....	81
IV. I. Болани мактабга тайёрлашда оилани ва мактабгача таълим муассасасининг ўрни.....	81
IV. II. Болаларни мактабга тайёрлашда машғулотнинг ўрни.....	87
V. БОБ. Мактабгача таълим муассасаси – болаларни мактаб таълимига тайёрловчи асосий муассаса.....	91
V. I. Мактабгача таълим муассасасининг турлари.....	91
V. II. Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг мактаб таълимига жисмоний томондан тайёргарлигини аниклаш.....	96
V. III. Болаларни мактабга тайёрлашда оддий математик тасавурларни шаклланганлик ахамияти.....	100
V. IV. Болаларни меҳнат малака ва кўникмаларини шакллантириш орқали мактабга тайёрлаш.....	103
V. V. Болаларни мактабга тайёрлашда табиат билан таништириш методикасининг роли.....	108
V. VI. Тасвирий фаолият машғулотларида болаларни мактабга тайёрлаш.....	116
VI. БОБ. Мактабгача таълим муассасаси, оила ва мактаб ҳамкорлиги.....	121
VI. I. Мактабгача таълим муассасасининг оила билан ҳамкорлик иш шакллари.....	121
VI. II. Болаларни мактабга тайёрлашда мактабгача таълим муассасаси ва мактаб ҳамкорлиги.....	127
VII. БОБ. Оилада болаларни ҳар томонлама мактаб таълимига тайёрлаш.....	132
VII. I. Оилада болани мактаб таълим тарбиясига психологик тайёргарлиги.....	132
VII. II. Оилада болани мактабга тайёрлашда кун тартибининг ахамияти.....	136
VII. III. Оилада болаларни тасвирий фаолият асосида мактабга тайёрлаш.....	142
VII. IV. Оилада мактабгача ёшдаги болаларнинг ташкилотчилик хулқларини тарбиялаш.....	151
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	161